

Г. 98 000 4873

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**


4873

Қўлёзма ҳуқуқида

ЖўРАҚУЛОВ УЗОҚ ХАЙДАРОВИЧ

УДК 894.375.08

ФИТРАТНИНГ ТАДҚИҚОТЧИЛИК МАҲОРАТИ

(ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида)

10.01.08 - Адабиёт назарияси


10.01.03 - Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ
УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар - филология фанлари доктори,
профессор **Б.Қ. ҚОСИМОВ**


Тошкент - 1998



МУНДАРИЖА

К И Р И Ш	3
I БОБ	
ЯНГИ АДАБИЙ ЭСТЕТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФИТРАТ	
1-Фасл. Илмий-адабий муҳит ва ижодий индивидуаллик	14
2-Фасл. Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган асослар	25
3-Фасл. Аср бошидаги эстетик тафаккур ва Фитратнинг адабий-назарий қарашлари	40
II БОБ	
ФИТРАТ – ПРОФЕССИОНАЛ ТАДҚИҚОТЧИ	
1-Фасл. Ўзбек адабиёти тарихи фани методологик асосларининг ишлаб чиқилиши	72
2-Фасл. Фитратнинг таржимаи ҳол устида ишлаш услуби ...	83
3-Фасл. Фитрат – тасаввуфшунос	112
4-Фасл. Далиллаш санъати.....	125
ХУЛОСА	136
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	142

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Илм-фаннинг барча соҳалари каби адабиётшунослик ҳам муайян тараққиёт қонунлари асосида яшайди. Янгидан-янги ютуқларни кўзлаётган бугунги ўзбек адабиётшунослиги эса ўзининг таркибий қисмларини қайта кўздан кечириш, тафтиш этиш заруратини сезаяпти. Бунинг учун ўтмиш адабиётшунослиги, хусусан аср бошида юзага келган илмий-адабий тафаккурни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Негаки, бу икки давр ўртасида миллий тикланиш, миллий ўз-ўзини англаш нуқтаи назаридан яқинлик бор.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисми бўлган «Ўзбек адабиёти тарихи» фани аср бошида шаклланди. Ушбу жараёнда турли характердаги тадқиқотлар давом этди. Бундай ишлар даврнинг илғор зиёлилари томонидан амалга оширилди. Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Ғози Юнус, Миёнбузрук Солиҳов, Олим Шарофиддинов, Санжар Сиддиқ, Сотти Хусайн, Абдулҳамид Мажидий, Турсункул каби ўнлаб олимларнинг илмий-адабий фаолиятлари бунга далил. Мумтоз адабиёт намуналарини тўплаб нашр эттириш, унинг вакиллари ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар тўплаш, бу ҳақда ахборот-мақолалар билан чиқиш ушбу жараённинг биринчи босқичи эди. Иккинчи босқич эса мавжуд манбалар асосида адабиёт тарихини даврлаштириш, унинг вакиллари биографиясини тиклаш, мумтоз адабиётни ўрганишнинг принцип ва методларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Бундай ишларни амалга оширишда анъанавий Шарқ адабиётшунослиги асос бўлди. Шу билан бирга жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, Оврупа, турк, татар, рус замонавий адабиётшунослиги тажрибаларига суянилди.

10-30-йиллар ижтимоий муҳити ўта мураккаб ва зиддиятли бўлгани маълум. Бу давр илмий-адабий муҳитига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Олимларнинг тадқиқот методларида, адабиётнинг турли масалаларига ёндашув принципларида кўринган ҳархилликлар шунинг натижаси ўлароқ майдонга чиқди. Бироқ даврнинг ноўрин талабларидан юқори турган, асосий фаолиятини илм равнақига бағишлаган ижодкорлар ҳам бор эдики, уларнинг мумтоз адабиётни тадқиқ этиш йўлидаги тажрибалари бугунгача ўз қимматини йўқотган эмас. Бундай олимларнинг типик вакили Фитрат бўлиб, унинг тадқиқотчилик маҳоратини ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Мавзунинг ўрганилиш тарихи. 10-30- йиллар адабиётшунослигини янгилаш ўрганиш масаласи яқин ўн йил ичида кун тартибига кўйилганига қарамасдан, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Беҳбудий, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Абдурахмон Саъдий, Ғози Юнусларнинг адабиётшунослик тарихида тутган ўрни белгиланди. Бу йўлда кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди. Махсус асарлар нашр этилди. Диссертациялар ёзилди.¹

¹ Дўстқораев Б. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи.- Тошкент: ТошДУ нашриёти, 1989; Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг илк танқидий мақоласи//Ўзбек тили ва адабиёти. - 1992. 3-4 сон; Каримов Б. Вадуд Маҳмуд//ЎзАС. - 1992. 16 октябр; Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари (илмий мақолалар ва илмий-танқидий матнлар) - Тошкент: Университет, 1993; Шарофиддинов О. Истиклол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим.- Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1993.; Тожибоев Р. XX аср боши ўзбек адабий танқиди тарихидан. Ф.ф.н.... дис. автореф.- Тошкент: 1993; Ёқубов И. Отажон Ҳошимовнинг адабий-танқидий фаолияти. Ф.ф.н....дис. автореф. - Тошкент: 1993; Қосимов Б. Бир-икки оғиз сўз//ЎзАС.- 1993, 10 ноябрь; Мақсудов Ю. Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон//Ўз АС.- 1993. 10 сентябр; Қосимов Б. Маслақдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. - Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1994; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари. Ф.ф.н....дис. автореф.- Тошкент:1995; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Ф.ф.н....дис. автореф.- Тошк

Абдурауф Фитрат ижодини ўрганиш, унинг ўз давридан бошланган. Унинг дастлабки асарига бир неча нуфузли замондошлари мақола бағишлаганлар. Бу асар ҳатто рус олимларининг-да эътиборларини тортган, 10-йиллардаёқ Фитратнинг истеъдоди, салоҳияти хусусида сўз юритган эдилар.

10-20-йилларда Фитрат драмаларига ёзилган тақризлар ўттизга яқин. 30-йилларда ҳам бундай тақризларнинг кети узилган эмас. Мунаққид Вадуд Маҳмуднинг ўзбек драмачилиги ҳақидаги дастлабки йирик мақоласи Фитрат асарига бағишланган.¹ Абдурахмон Саъдий Фитрат шеърийатининг шаклланиш босқичлари, адабий қиммати ҳақида "Ўзбек ёш шоирлари: Фитрат" номли мақола билан чиққан эди.² Ойбекнинг "Адабиёт қоидалари"га ёзган тақризи ҳам йирик ишлардан ҳисобланади.³ Ҳ.Олимжон "Фитратнинг адабий ижоди ҳақида" катта проблематик мақола эълон қилдирган,⁴ Ж. Бойбўлатовнинг вульгар-социологик руҳдаги дастлабки мақоласи ҳам Фитрат ижодига қаратилган эди.⁵

Қатағондан сўнг унинг ижодини ўрганиш ўз юртида таъқиқланган бўлса-да, хорижда давом этди. Хорижга қувғинди бўлган ватандошлари, кўплаб чет эллик олимлар унинг ижодини турли йўналишларда тадқиқ этдилар. Жумладан, ватандошларимиз - Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон, Заки Валидий; турк олимлари - Фуод Купрулу, Меҳмед Сарой; япониялик олим - Хисао Куматсу; америкалик олим - Эдвард Олворт; франциялик - Элен Коррер д

1995; Умурзоқов Ғ. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Ф.ф.н....дис. автореф.-Тошкент: 1996; Умурзоқов Ғ. "Топилган нарса"//Ўзбек тили ва адабиёти.-1996.5-сон. ва ҳ.к.

¹ Маҳмуд В. «Ҳинд ихтилолчилари»//Туркистон, 1923, 186-187-188 сон.

² Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари (Б. Каримов нашрга тайёрлаган)//Ватан, 1996, 5 декабрь.

³ Ойбек. Адабиёт қоидалари//Туркистон, 1926, 11 март.

⁴ Олимжон Ҳ. Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида//Совет адабиёти, 1936, 4-5-сонлар.

⁵ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиётида чифатойчилик//Қизил Ўзбекистон, 1929, 3-сон.

Энкоус; немис олимаси – Ингеборг Балдауф ва бошқаларнинг бу борадаги ишлари таҳсинга лойик.¹

Бошланган жараён бугун ҳам қизғин давом этаяпти. Хорижлик ёш олимлар Ҳалим Қора (АҚШ), Бекир Туман Сўмўнжўўғли (Туркия), Фотима Очиқ (Туркия) кабиларнинг бу борада иш олиб бораётганлари фикримизга далилдир.

60-80-йилларда Фитрат ижоди бўйича ёзилган салмоқли ишлар сифатида Э. Каримовнинг "Маърифатпарварлик ғоялари ва давр қаҳрамони" мақоласини, Б. Назаров ва А. Алиевларнинг баъзи ишларини санаб ўтиш мумкин.

Фитрат ҳаёти ва ижодини бутунича тадқиқ этишга 80-йилларнинг иккинчи ярми (аниқроғи 1987 йил)дан киришилди. Бу Фитратшуносликда янги босқич ҳисобланади. Ёзилган энг салмоқли ишлар сифатида И.Султон, О.Шарофиддинов, Б. Қосимов, Б. Назаров, Н. Каримов, У. Норматов, А. Алиев, Э. Каримов, Н. Владимирова, С. Аҳмедов, Ш. Турдиев, Б. Дўстқораев, Ҳ.Болтабоев, И. Фаниев ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Бу янги даврда, асосан, уч йўналишдан борилди:

- а) Фитратнинг таржимаи ҳолини тиклаш;
- б) асарларини нашр эттириш ва дастлабки тадқиқотларини амалга ошириш;
- в) муайян масалалар кўйиб ўрганиш.

Китоблар нашр эттириш, диссертациялар ҳимоя этиш ҳам шу уч йўналиш бўйича кечди.

Фитратшунослик у қадар катта даврни қамраб олмаса-да, қилинган ишлар ҳажми анча катта. Ушбу масалага бағишланган

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Болтабоев. Хорижда фитратшунослик//ЎзАС, 1992, 17 март.

махсус ишлар ҳам дунё юзини кўрди.¹ Шунинг учун фитратшуносликнинг умумий масалалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, қисқача обзор билан чекландик. Бу бизга мавзуга алоқадор ишлар хусусида кенгроқ тўхталиб ўтиш имконини беради.

Фитратнинг илмий фаолиятига бағишланган дастлабки жиддий иш Ойбекнинг "Адабиёт қоидалари"га ёзган тақриз – мақоласи ҳисобланади.² Мақолада китобнинг «Адабиёт», «Санъат» Оқим истилоҳлари"га доир бўлимлари синфийлик мезонларига мос келмагани учун танқид этилган. Баъзи ўринларга ижобий фикр билдирилган. Аммо мунаққиднинг синфийлик мезони билан ёндошган нуқталарининг барчасини ҳам фақат танқидга лойиқ деб бўлмайди. Масалан, у Фитратнинг санъатга берган таърифини рад этиб, "санъат тасвирий тафаккурдир, тасвирий фандир" деган фикрни билдирад экан,³ кўз олдимизга марксча-ленинча назария билан қуролланган вульгар-социолог эмас, балки миллий адабиёт равнақи учун жон куйдираётган замонавий мунаққид келди.

Ойбекдан кейин Фитратнинг илмий фаолияти хусусида – батафсилроқ "Ўзбек адабиёти тарихи", "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" китобларида тўхталинган. Ушбу китобларда Фитратнинг илмий фаолияти давр талабларидан келиб чиқиб баҳоланади.⁴ Масалан, "Ўзбек адабиёти тарихи"да шоир Турди Фароғий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида гапирилаётиб, Фитратнинг "Ўзбек шоири Турди" мақоласи ҳам тилга олиб ўтилади. Шу аснода, мақолада "шоир (Турди - У.Ж.) ижодининг социал-гражданлик аҳамияти

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Фаниев И. Фитратшунослик. - Бухоро, 1995 йил. (Юқоридаги умумий обзорда кўрсатилган асарларнинг манбалари ушбу китобдан жой олганлигини ҳисобга олиб, уларни таг ёзувда кўрсатишдан ўзимизни тийдик).

² Ойбек М. "Адабиёт қоидалари"//Қизил Ўзбекистон. - 1926, 8 декабр.

³ Шу манба.

⁴ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи (И.Султон таҳрири остида). Икки томлик. I.-том. - Тошкент: Фан, 1987.

йўққа чиқарилгани", баъзи "зўрма-зўраки" хулосалар ясалгани таъкидланади.¹

Адабиётшунос Б.Назаровнинг кўпгина асарларида Фитратнинг "Кутадғу билик", "Ҳибатул ҳақойиқ", Навоий, Бобур, Муҳаммад Солих, Турди; Форс шоирлари – Фирдавсий, Умар Хайём кабилар ҳақидаги тадқиқотлари санаб ўтилади. Ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади. "Шеър ва шоирлик» асари ҳақида фикр билдирилади. "Адабиёт қоидалари" асари таҳлил этилади.²

Адабиётшунос Б. Дўстқораев биринчилардан бўлиб Фитратнинг илмий фаолияти ҳақида атрофлича тадқиқот олиб борди. Олимнинг "Шеър ва шоирлик", "Адабиёт қоидалари", "Бедил" каби асарларини А.Саъдий ва А.Авлонийларнинг шу мавзудаги ишлари билан қиёсий ўрганди, чуқур таҳлил қилди. Айниқса, Фитратнинг "Шеър ва шоирлик" ва "Адабиёт қоидалари" асарларига китобда кенг ўрин берилган.³

Профессор Б.Қосимовнинг "Маслакдошлар" китобида ҳам Фитратнинг илмий фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилади. "Энг эски турк адабиёти намуналари", "Ўзбек адабиёти намуналари", "Кутадғу билик", "Ҳибатул ҳақойиқ", "Фирдавсий" ва айниқса, "Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони ҳақида", "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш" каби асарларнинг кўлами ва илмий аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Илмий муносабат билдирилади. Ж. Бойбўлатовнинг Фитратни ноҳақ айблаб ёзган мақоласи муносиб баҳоланади.⁴

¹ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, III том. - Тошкент:Фан,1978, 212-213 бетлар.

² Бу ҳақда қаранг: Б. Назаров. Ўзбек адабий танқидчилиги: Гоявийлик. Метод. Қаҳрамон. - Тошкент: Фан, 1979, 54-55 бетлар. Б. Назаров. Бу сеҳрли дунё. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 26-бет.

³ Дўстқораев Б. А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: ТошДУ, 1989.

⁴ Қосимов Б. Маслакдошлар:Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. - Тошкент: "Шарқ", 1994, 134-143 бетлар.

Кейинги ўн йилликда Фитратнинг илмий фаолияти хусусида адабиётшунос Х. Болтабоев махсус тадқиқотлар олиб борди. Бир неча китоблар, илмий мақолалар эълон қилди. Фитратнинг кўплаб асарларини нашрга тайёрлади. "XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси" мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилди.¹

Олим куйида кўрсатилган ишларида Фитратнинг илмий фаолиятини кенг тадқиқ этган. Илмий меросини тўла камраб олишга, бир тизимга солиб кўрсатишга ҳаракат қилган ва бу борада катта ютуқларга эришган.

Ушбу тадқиқотларда XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги фанининг шаклланиши ва тараққиётида Фитрат асарларининг ўрни, илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган. Бугунги «Адабиёт назарияси» фани асосида Фитратнинг «Адабиёт қоидалари», «Шеър ва шоирлик», «Санъатнинг маншай» каби асарлари ётиши ҳақидаги оригинал фикрлар билдирилган.

Назарий масалаларни ҳал этишда Фитрат билан рус формал мактаби вакиллари ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар тўғри очиқ берилган. Ушбу масалаларига эътибор қаратилган. Фитратнинг аруз назарияси ҳақидаги қарашлари таҳлилга тортилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи катта даврни ўз ичига олади. Шу сабабли Фитрат илмий меросининг асосий қисмини ҳам шундай тадқиқотлар ташкил этган. Х.Болтабоев ушбу ишларнинг

¹ Қаранг: Номаълум Фитрат // Ёшлик. - 1990,4-сон; Мир Алишер Навоий Фитрат талқинида//Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991,1-сон; Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва фаолияти: Олий ва махсус ўқув юртлари учун қўлланма (Маъсул муҳаррир У.Норматов.) - Тошкент:1992; Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси// Фитрат.Адабиёт қоидалари. - Тошкент: 1995, 3-19 бетлар; Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги// Шарқ юлдузи. - 1995, 11-12 сон; Яссавий ва Фитрат "Фан ва турмуш". - 1996, 5-сон; Қатағон қилинган илм (Рисола) - Тошкент: Ҳазина,1996; Фитратнинг илмий мероси (Монография) - Тошкент: Фан, 1996. Абдурауф Фитрат. - Тошкент: Ёзувчи, 1996; XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, Ф.ф.док....дис.- Тошкент:1996 ва ҳ. к.

маълум даврлар билан боғлиқ хусусиятларини кўрсатди. Айниқса, Фитратнинг "Темурийлар даври адабиёти"га доир ишларини муносиб баҳолади. Яссавий мактабига оид текширишларини кенг тадқиқ этди.

Фитрат тузган "намуналар" билан янги давр тазкирачилиги ўртасидаги узвий боғлиқлик тўғри кўрсатилган. Олимнинг бу борадаги яна бир катта хизмати "Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри" деб номланувчи, муаллифи номаълум асарнинг Фитрат қаламига мансуб эканини исботлаб беришидир.

Фитратнинг форс мумтоз адабиёти вакилларида: Фирдавсий, Умар Хайём, Бедил ҳақидаги асарлари ҳам ҳаққоний баҳосини олган. Фирдавсий ҳақидаги тадқиқотларига махсус фасл ажратилган. Умуман, Х.Болтабоевнинг Фитрат илмий меросидан қилган ишлари фитратшунослик саҳифасидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Ўзбек адабиётшунослиги фани равнақи учун хизмат қилади.

Гувоҳ бўлдики, Фитрат илмий меросининг тадқиқи ҳам фитратшуносликда ўзининг салмоқли ўрнига эга. Кўплаб муҳим масалалар ҳал этилган. Таҳсинга лойиқ ютуқлар қўлга киритилган. Адабиётшунос С. Содиқовнинг бу хусусдаги махсус мақоласи ҳам фикримизни исботлайди.¹

Замонлар ўзгарапти, одам боласининг фикрлаш даражаси ҳам ўсиб борапти. Бу диалектик қонуният илм-фан олдида янгидан-янги талаблар қўймоқда. Жумладан, фитратшунослик ҳам ушбу талабларга бўйсунишга мажбур. Шу даражадан туриб қарасак, ҳали Фитрат илмий тафаккурининг барча қирралари очиб берилмаганига, бу соҳада муаммолар ҳали кўплигига амин бўламиз. Хусусан, ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишда Фитрат ишлаб чиққан метод ва принциплар, уларни юзага келтирган асослар

¹ Содиқ Санжар. Фитратшуносликнинг янги саҳифалари //Ватан.- 1996, 1-сон.

олимнинг эстетик қарашлари билан боғлиқликда ўрганилмаганки, мазкур тадқиқот ушбу масалаларни ҳал қилишга қаратилади.

Тадқиқотнинг олдига қўйган вазифалари¹ асосан қуйидагилардан иборат:

– Фитрат яшаган давр илмий адабий муҳити ва унинг ўзига хос хусусиятлари хусусида муайян тасаввур ҳосил қилиш;

– Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган асосларни унинг ҳаёти давомида рўй берган муҳим воқеалар, турли психологик жараёнлар билан боғлиқликда ўрганиш;

– 10-30-йилларда ҳукм сурган илмий-адабий қарашлар билан Фитрат қарашларини қиёслаш. Шу асосда бу давр адабий тафаккурида Фитрат адабий-назарий қарашларининг ўрнини аниқлаш;

– ўзбек адабиёти тарихи фани методологик асосларининг юзга келишида Фитрат тадқиқотларининг ўрнини кўрсатиш;

– Фитратнинг ижодкор таржима ҳоли устида ишлаш маҳоратини ўрганиш;

– олимнинг тасаввуфга муносабати ва ёндашув принципларини аниқлаш орқали унинг йирик тасаввуфшунос эканини исбот этиш;

– «Ўзбек шоири Турди» мақоласи мисолида олимнинг ижод моҳиятини очиш йўлидаги тажрибаларига диққат қаратиш.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Жаҳон адабиётшунослигида мавжуд кўпгина илмий-назарий хулосалар, рус адабиётшунослигидаги адабиёт тарихи фани методологиясига доир фикр-мулоҳазалар, ўзбек адабиётшуносларининг фундаментал тадқиқотлари, баъзи ёш олимларнинг юқори савияда ёзилган илмий мақолалари ва руҳшунослик, эстетика, фалсафа фанларининг баъзи ютуқлари ишнинг назарий-методологик асосини ташкил этган.

¹ Тадқиқот ўз олдига қўйган вазифасига кўра Фитрат илмий асарларининг барчасига таъриф ва тавсиф беришни мақсад қилмайди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда Фитрат яшаган давр илмий-адабий муҳити илк бор ижодий индивидуаллик масалалари билан боғлиқликда талқин этилди. Мазкур илмий-адабий муҳитнинг умумий руҳини ижтимоий шароит эмас, индивидуал қарашлар белгилайди деган фикр олдинга сурилди. Фитрат илмий тадқиқотларига унинг дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашилди. Олимнинг адабий-эстетик қарашлари, тадқиқот методлари даврнинг илмий-адабий муҳити фониди таҳлил этилди. Шу нуқтаи назардан олимнинг адабий-назарий қарашлари А. Саъдий, В. Маҳмуд, О. Ҳошим, А. Чўлпон, А. Авлоний каби унга замондош олимларнинг қарашлари билан қиёсланди ва муҳим хулосалар чиқарилди. Бунда нафақат адабиётшунослик, балки психология ва эстетика фанлари тажрибаларига ҳам суянилди.

Ўзбек адабиёти тарихи фани методологик асосларини ишлаб чиқиш Фитрат ўз олдига қуйилган бош масалалардан бири эди. Олим ўз тадқиқотларида адабиётшунослик, тилшунослик, фольклор, тарих каби ёрдамчи фанлар тажрибасини қўллаш усулини ўзбек замонавий адабиётшунослигига биринчилардан бўлиб олиб кирди. Мазкур фанлар билан махсус шуғулланганлиги олим ютуқларининг гарови бўлди. Адабиёт тарихини даврлаштириш, ижодкор таржимаи ҳоли устида ишлаш, бадиий асар моҳиятини белгилаш каби бошқа масалалар ҳам олим томонидан ўзига хос ҳал этилди. У илк тасаввуфшунослардан биридир. Умуман, Фитрат профессионал тадқиқотчи деган масала унинг шу каби ютуқларини илмий асосда кўрсатиш асносида илк бор очиб берилди. Унинг тадқиқотчилик маҳоратини бугунги кун адабиётшунослигига татбиқ этиш борасидаги хулосавий фикрлар олдинга сурилди.

Тадқиқот манбаи сифатида Фитрат илмий меросини ташкил этувчи асарларнинг мавзуга алоқадор, деб ҳисобланганлари танлаб олинди. Бундан ташқари, В. Маҳмуд, А.Саъдий, О.Ҳошим,

А.Авлоний, Чўлпон каби замондошларининг баъзи муҳим асарларидан ҳам фойдаланилди. Буларнинг барчасида бирламчи манбаларга асосланилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот мумтоз адабиёт тарихини ўрганишнинг янги усулларини ишлаб чиқишда, тадқиқотчи маҳорати масалаларини ўрганишда, ўзбек адабиёти тарихи бўйича назарий асарлар ёзишда қўл келиши мумкин. Бундан ташқари, ўрта мактаблар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар тайёрлашда, маърузалар ўқишда, адабиёт тарихи бўйича махсус курс, махсус семинарлар ўтказишда илмий-амалий аҳамият касб этади. Қолаверса, XX аср бошлари илмий адабий жараёни хусусида ёзилажак ишларга ёрдамчи манба сифатида фойдаси тегади, деб ўйлаймиз.

Ишнинг оммалаштирилиши. Тадқиқот Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасида тайёрланган. Мавзу юзасидан журнал ва газеталарда, илмий тўпламларда мақолалар эълон этилган. Илмий конференцияларда маърузалар қилинган.

Ишнинг тузилиш тартиби. Тадқиқот кириш, икки боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

I БОБ

ЯНГИ АДАБИЙ ЭСТЕТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФИТРАТ

1-фасл. Илмий-адабий муҳит ва ижодий индивидуаллик.

Фитрат яшаб ижод этган давр бошқа даврлардан муайян хусусиятлари билан фарқ қилади. Унинг ўзига хослиги мураккаблиги ва хилма-хил фикрларни мужассам этганида кўринади. Даврнинг умумий руҳини ва илмий-адабий эстетикасини ҳам ана шундай хилма-хил ва ўзаро зид қарашлар ташкил этади.

10-30-йилларда Туркистонда бир неча илмий-адабий ташкилотлар майдонга келди.¹ Буларнинг таркибида кўплаб шоирлар, ёзувчилар, тилшунослар ва адабиётшунослар етишиб чиқдилар. Илмий-назарий мақолалар, рисола ва қўлланмалар майдонга келди. Мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан «намуналар», турли илмий-адабий тўпламлар нашр этилди. Мумтоз меросимизни системали тадқиқ этиш баробарида унга муайян муносабат юзага келди. Кўп асрлардан бери шаклланиб, ривож топиб келаётган ўзбек адабиётшунослигида янги давр бошланди.

10-йилларнинг охири 20-йилларнинг бошларида тузилган «Чағатой гурунги» даврнинг энг йирик илмий ташкилотлардан бири эди. Унинг «фаол аъзолари: Қаюм Рамазонов, Шорасул Зуннун, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Фулом Зафарий, Мирмулло Шермухаммедов, Ғози Юнус, Чўлпон, Боту, Санжар Сиддиқов, Маннон Рамзий, Уйғур кабилар бўлиб, ташкилот раҳбари Фитрат эди».² «Чағатой гурунги» кўпроқ тил ва имло масалаларига эътибор

¹ Бу ерда «Чағатой гурунги», «Қизил қалам» каби илмий-адабий ташкилотлар назарда тутиляпти.

² Қосимов Б. Машлақдошлар. - Тошкент: Шарқ, 1994. - 97-бе

қаратган бўлса ҳам, мумтоз меросимизни системали тадқиқ этиш, уларни тўплаб нашр эттириш ишлари билан ҳам шуғулланди.¹ Адабий услуб ва вазн масалаларини ўрганди. Хусусан, бармоқ вази-нинг туркий адабиёт тарихида тутган ўрни ва келажакдаги имкони-ятлари хусусида салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Назарий маса-лаларга оид илк мақолалар ёзилди. Мазкур ташкилот қисқа муддат фаолият кўрсатганига қарамай, замонавий ўзбек адабиётшуносли-гининг тамал тошини қўйиб кетишга улгурди.

Бу даврда «Чигатой гурунги» аъзоларидан ташқари ҳам кўплаб ижодкорлар адабиётшунослик масалалари билан шуғулландилар. Масалан, Абдурахмон Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Миёнбузрук Солиҳов, Лазиз Азиззода, Ҳожи Муъйин, Комил Али-ев, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулҳамид Мажидий, Турсункул, Олим Шарофиддинов, Жалил Бойбўлатов кабиларнинг бу борадаги ишлари кўпчиликка маълум. Давр илмий-адабий муҳитини ташкил этган бундай олимлар тадқиқотларининг кўлами ва аҳамияти, улар-нинг адабиётшунослик масалаларига ёндашув методлари савия ва позиция нуқтаи назаридан фарқ қилар эди, албатта.

Кейинги ўн йил ичида ёзилган тадқиқотларда асримизнинг би-ринчи чорагида шаклланган илмий-адабий муҳит таркиби, уни юза-га келтирган асослар, унинг ўз даври ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр юритилаяпти. Натижада масаланинг турлича талқинлари юзага чиқмоқда.

Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев 1917-1925 йиллар адабий танқидчилигининг шаклланиш босқичлари ва тараққиёт йўллари ҳақидаги тадқиқотида бу даврда ижод этган бир неча йирик адаби-ётшунослар асарларини муқояса қилиш йўлидан боради. Ушбу жа-

¹ Бу ҳақда қаранг: Наим Каримов. Миллийлик мезонлари//Миллий тикла-ниш, 1998, 19 май; Жўра Худойбердиев. Фитрат ва лотин ёзувини ўрганиш муаммолари//Замонавий таълим. (Silma. A.S. Ozbek-turk liselari genel mudur- lugu журналі). 1997. Yil:1, Sayi:3, 23-25-бет.

раённинг умумий руҳини сиёсий воқеликка, турли ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий ташкилотларнинг фаолиятига боғлаб тушунтиради.¹ Ф.ф.д. Х. Болтобоев илмий-адабий муҳитни ташкил этувчи асосий омиллар сифатида, аввало, жаҳон адабиётшунослигида кечган сифат ўзгаришлари, уларнинг ўзбек олимларига таъсири;² анъанавий Шарқ адабиётшунослиги, хусусан, тазкирачиликнинг замонавий мазмун касб этганини кўрсатади.³ 10-20-йиллар матбуотида чоп этилган адабий-назарий, адабий портрет типигаги мақолаларга; драматургия, театр тарихига оид чиқишларга; сахна асарларига ёзилган кичик ҳажмдаги тақризларга; адабиётнинг баъзи масалалари атрофида кечган мунозараларга урғу беради.⁴ Ф.ф.н. Баҳодир Каримов эса бу масалаларнинг ечимини турли адабий-эстетик баҳслар асосида кўрсатади.⁵

Баъзи тадқиқотларда мазкур давр илмий-адабий муҳитида ижодкор шахснинг тутган ўрни масаласига ҳам эътибор қаратилаяпти.

Масалан, шу давр адабиётшуносларидан бири О. Ҳошим тадқиқотчилар томонидан: «Бевосита тузум тарбиялаб вояга етказган ижодкор» сифатида талқин этилди.⁶ Айнан «санъат ва адабиётни баҳолашдаги бош меъёр масаласида...ўша давр (шўролар даври – У.Ж.) догмалари таъсирида экани», – аммо унинг «адабиётга кириб келган футуризм, схематизм каби иллатларни камчилик деб қабул

¹ Дўстқораев Б.А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: ТошДУ, 1989, 3-15-бет.

² Болтобоев Х. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Ф.ф.д...дис. автореф. - Т. 1996, 12-14-бет.

³ Болтобоев Х. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги//Шарқ юлдузи. 1995. 11-12-к. сон. 175-183-бет.

⁴ Болтобоев Х. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Ф.ф.д...дис.- Т. 1996, 21-22-бет.

⁵ Каримов Б. Вадуд Махмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Ф.ф.н...дис. автореф. - Тошкент: 1995. 12-14-бет.

⁶ Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. Ф.ф.н...дис. автореф. - Тошкент: 1993. 13-бет.

қилгани», – таъкидланди.¹ Ёки Абдурахмон Саъдий Оврупа ва рус мусташирларининг «ҳассасига таяниб» иш юритгани,² А. Шалыгин, Д.Н. Овсяннико-Куликовский, А.А. Потенбня қарашлари адабиётшуносликка оид ишларига асос бўлгани ҳолда, унинг ягона позицияда тура олмагани ҳақидаги фикрлар айтилди.³

Умуман, бу давр илмий-адабий муҳити унда, ижодкор шахснинг ўрни масалалари хусусида шу ва шунга яқин фикрлар ўртага тушмоқда.

Дарҳақиқат, бундай талқинларда асос бор. Бироқ юқорида саналган ишларни эътироф этган ҳолда, 10-30- йиллар илмий-адабий муҳитида ижодкор шахснинг ўрни, аниқроғи, илмий-адабий муҳит ва ижодий индивидуаллик масалалари талқинига яна бир оз тўхталиш лозим кўринади.

Маълумки, асримизнинг биринчи чораги Туркистон халқи ҳаётида кутилмаган ҳодисаларга тўла давр бўлди. Жаҳон ва биродарқушлик урушлари, турли характердаги «инкилоблар», дунёнинг бошқа халқлари билан иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий алоқалар, руҳий ва жисмоний қатағонлар ҳамма-ҳаммаси шу қисқа вақт ичида бўлиб ўтди. Жаҳидчилик ҳам шу даврда шаклланди, ривожланди ва интиҳо топди. Адабиётшунос Шухрат Ризаев тўғри таъкидлаганидек: «Инсоният тарихи олдида бу муддат заррачалик эмас».⁴ Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркистон халқи ҳали бундай қисқа муддат ичида бу қадар зиддиятли ва хилма-хил воқеаларга гувоҳ бўлмаган эди.

¹ Шарафиддинов О. Истиклол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Хошим. - Тошкент: Шарқ, 1993. 130-136-бет.

² Иқтибос Б. Каримовнинг «Ўзбек ёш шоирлари» (А. Саъдий мақоласи)га ёзган сўзбошисидан олинди.

³ Дўстқораев Б.А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: ТошДУ, 1989. 64-81-бет.

⁴ Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. - Тошкент: Шарқ, 1997. 130-бет

10-30-йиллар илмий-адабий муҳитини ташкил этган ижодкорларнинг аксарияти ушбу воқеаларни бошдан кечирганлар. Ўз жамиятларининг вакили ўлароқ маълум маънода унинг иштирокчисига айланганлар. Ундан таъсирланганлар. Воқеликка нисбатан ё ижобий ё салбий ва ёки нейтрал муносабатда бўлганлар. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири тарбия топган оила, илм олган масканлари, ҳаётларида кечган турли муҳим ўзгаришлар, улар мансуб бўлган турли (ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий) гуруҳлар ҳам дунёқарашларнинг шаклланишида маълум роль ўйнаган. Бундай омилларни ҳали кўплаб келтириш мумкин. Бироқ бундай жиҳатларни қанчалик кўп санамайлик, ижодкорда эстетик идеалнинг, муайян бир қарашнинг вужудга келиши фақат шу билангина чекланмайди. Бизнигча, эстетик идеалнинг шаклланиши масалаларини фақат ижтимоий-тарихий аспектда эмас, психологик-эстетик аспектларда ҳам ўрганиш жоиз. Бу йўлда текшириш, бизга жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларидан маълум.

Адабиётшунос Ю.Г. Нигматуллина эстетик идеални ташкил этувчи уч жиҳатга эътибор қаратишни тавсия этади. Булар умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятлардир. Унинг фикрича ижод жараёнида бу уч хусусият муҳим аҳамият касб этади.¹ Ижодкор эстетик идеалида умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятлар зухуротини ҳар қандай даврда ёзилган бадиий асар мисолида кузатиш мумкин. Олима бунга ўз асарида ижтимоий-тарихий, психологик, эстетик аспектларда чуқур ўрганган ва юқори натижаларга эришган. Аммо худди шу методни илмий ижод турига татбиқ этишнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор.

Аввало, илмий асар ақл ва тафаккур маҳсулидир. Шоир ёки ёзувчи бадиий буёқлар ва образлар воситасида иш кўрса, олим

¹ Нигматуллина Ю.Г. Национальное своеобразие эстетического идеала. - Казань: Изд-во Казанского университета. 1970. - С. 20-76.

аник илмий далиллар ва мантикий исбот усулига суянади. Илмий асар олдига маълум техник талаблар (масалан, муаммоли ва долзарб мавзунини олиш, ушбу мавзунинг ўрганилиш тарихини маълум тартибда баён этиш /историография/, муайян методга суяниш, (библиография каби) талаблар қўйилса, бадиий асар муаллифи бу масалада нисбатан эркинрок. Шу ва шунга ўхшаш кўпгина муаммолар олим ижодини психологик ва эстетик аспектларда тадқиқ этиш имкониятини чеклайди. Кўпгина олимлар ижоди асосан ижтимоий-тарихий аспектда ўрганилаётганининг сабаби ҳам, эҳтимол шудир.

Бирок, шуларга қарамасдан, бу икки ижод тури орасида ғоят муҳим бўлган умумий жиҳатлар ҳам бор. Буларнинг баъзиларига эътиборингизни қаратамиз. Биринчидан, бадиий асардаги каби илмий асарда ҳам ижодкор шахси кўриниб туради. Бу, аввало, муаллифнинг услуби ва позициясида намоён бўлади. Масалан, Навоий ва Бобур, Фитрат ва А. Саъдий, И. Султон ва М. Қўшжонов, Н. Комилов ва Б. Қосимовларнинг илмий асарларини қиёсласак, бунга амин бўламиз. Иккинчидан, ҳар икки турдаги асарнинг ҳам ифода қуроли сўздир. Учунчидан, ҳар икки турдаги асар негизида инсон, жилла курса инсон манфаати ётади. Тўртинчидан, ўқувчига таъсир этиш нуқтани назардан ҳам улар бир-биридан қолишмайди. Тўртинчи хусусият илмий асарга фақат бир ҳолатдагина, яъни унинг асосини умуминсоний, умумэстетик, умумфалсафий муаммолар ечими ташкил этган бўлсагина хос бўлиши мумкин. Истеъдодли адабиётшунос Мирзааҳмад Олимов Гегель, Бахтин, Брюсов, Сент-Бёв каби дунё миқёсида танилган олимларнинг баъзи илмий тадқиқотларини шундай асарлар сирасига киритадики, бу фикрга тўла қўшилиш мумкин.¹

¹ Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. - Тошкент: 1994, 7-8-бет.

Олим шахси ва унинг ижодини психологик, эстетик аспектларда ўрганиш учун қисман бўлса-да имконият бор экан, буни биринчи навбатда ўзбек адабиётшунослиги тарихининг энг мураккаб даври – 10-30-йилларни ўрганишга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ижтимоий-тарихий аспектдагина ёндашиш мазкур давр адабий муҳити ҳақида бирёқлама талқинларни келтириб чиқариши мумкин. Негаки, бу давр илмий-адабий муҳитини, юқорида таъкидлаганимиздек, хилма-хил ва зиддиятли қарашдаги олимларнинг ижодий фаолиятлари ташкил этган.

Хўш, бу хилма-хиллик ва зиддиятлар нималарда кўринади?

10-30-йилларда ёзилган тадқиқотларни қиёсий ўрганганимизда айнан бир масаланинг ўзига турли олимларнинг турлича ёндашганларини кўрамиз. Масалан, биргина санъатнинг келиб чиқиши Фитрат томонидан моддиюнчилик, Абдулла Авлоний томонидан товушга тақлид, Абдраҳмон Саъдий томонидан эса ижтимоий-сиёсий аспектларда тушунтирилади.¹ Ёки адабий меросга муносабатда Фитрат соф миллатсевар, санъатсевар олим позициясида турган бўлса, Отажон Ҳошим бу меросга марксча,² Ж. Бойбўлатов-вульгар социологча³ позицияда ёндашадилар. Бундан ҳам мураккаби бир олимнинг ўз ижоди давомида юз берган ички зиддиятлардир. Мисол учун, В. Маҳмуд Сиддиқий-Ажзий ҳақидаги мақоласида шоир шеърятининг ижтимоий оҳангларига ички бир ҳайрихоглигини изҳор этса,⁴ Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини айнан

¹ Бу ерда Фитратнинг «Санъатнинг маншай», Авлонийнинг «Саное нафиса», Саъдийнинг «Гўзал санъат дунёсида» мақолаларида олдинга сурилган фикрлар назарда тутилмоқда.

² Ҳошим О. Сўзбоши//Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. Т.-С.: Ўзнашр, 1928, III-X бет.

³ Бойбулатов Дж. Чагатаизм – пантюркизм в узбекской литературе. - М.-Тошкент: Объединение государственных издательств, Среднеазиатское отделение. 1932. - С. 3-17; 17-39.

⁴ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий//Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. (Илмий мақолалар, адабий-танқидий матнлар). - Тошкент: Университет, 1993. 76-85-бет.

шунга яқин ўринлари учун танқид қилади.¹ Фитрат эса «Ўзбек шоири Турди» мақоласида шоир ижодининг А. Мажидий томонидан синфийлик позициясида қилинган талқинига қарши чиқса,² «Аҳмад Яссавий» мақоласида соф тасаввуфий шеърларни ижтимоий аспектда талқин этади.³ Бундай мисолларни ҳали кўплаб келтириш мумкин. Бироқ гап мисолларнинг кўп ёки озлигида эмас, балки бундай зиддиятларнинг сабабларидадир. Бунинг сабаблари эса, бизнингча, айнан эстетик идеал ва ижод психологияси тушунчаларига бориб тақалади.

Муаллиф эстетик идеали бадиий асарда бевосита образларда акс этса, илмий асарда маълум тадқиқот объектига муносабат шаклида намоён бўлади. Ижодкор эстетик идеалида умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятларнинг зоҳир бўлиш даражафсини ҳам айнан шу муносабат воситасида аниқлаш, бу орқали муаллиф илмий-эстетик тафаккури, ижод психологияси тўғрисида маълум хулосага келиш мумкин.

Умуминсоний ва миллий хусусиятлар ёхуд уларга муайян муносабат ҳеч бир ижодкорда яқка ҳолда учрамайди. Улар кўпроқ бири-бири билан қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, ҳар қандай умуминсоний хусусият миллий бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай миллий хусусиятни умуминсоний деб бўлмайди. Чунки, рус мутафаккири Н.Г. Чернишевский тўғри таъкидлаганидек: «ҳар қандай халқнинг истаклари ўзига хос. Масалан, немис учун қизиқ бўлган бирор нарса, француз ёки рус учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Нега деганимизда, немиснинг ҳаёт тарзи билан француз ёки руснинг ҳаёт тарзи доимо бир хил эмас».⁴ Индивидуал хусусият эса

¹ Махмудий В. «Ҳинд ихтилолчилари»//Туркистон. 1923. 17-20,21 окт.

² Фитрат А. Ўзбек шоири Турди//Маориф ва ўқитғувчи. 1928. 12-сон, 44-48-бет.

³ Фитрат А. Аҳмад Яссавий//Маориф ва ўқитғувчи. 1927. 6-сон, 29-35-бет.; 7-8 қ.сон. 39-44-бет.

⁴ Чернишевский Н.Г. ПСС. Т.3. - М.: Гослитиздат. 1948. - С. 225.

умуминсоний ё миллий хусусиятларнинг ичида бўлиши билан бир қаторда ўз номи билан ягоналик касб этади. Индивидуаллик фақат ягона шахсгагина хос бўлиб, умуминсоний ва миллий хусусиятлари ҳам ўзида жам этади. Яъни уларни ўзига сингдириб, ўзлаштириб олади. Ижодкорнинг маълум объектга муносабати ҳам айнан шу индивидуаллик ҳарактеридан келиб чиқади. Аниқроғи ижодкор эстетик идеалининг негизида унинг шахсий қарашлари ётади. Юқоридаги жараёнлар кечадиган майдон эса психоанализда ички «мен» деб аталади.

Юқоридаги каби ҳархилликларнинг ва зиддиятларнинг келиб-чиқиши ҳам айнан шу ички «мен» хусусиятлари билан боғлиқ. Агар ижодкор дунёқарашини ижтимоий муҳит белгилаганда юқорида номлари келтирилган олимларнинг қарашлари бир хил, лоақал яқин бўлиши лозим бўларди. Шу сабабли уларнинг аксарияти бир жамиятда яшагани, битта илмий-адабий ташкилотда фаолият кўрсатгани, бир маслак йўлида тарбияланганидан қатъи назар қарашлари турлича. Ҳатто ягона муаллиф ижоди мисолидаги ички зиддиятларни ҳам кузатдик.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси ижодий-индивидуаллик, яъни ижодкор ички «мен»и билан боғлиқ экан, қуйида келтириладиган мисолларимиз масалани янади равшанлаштиради, деб ўйлаймиз.

Адабиётшунос М. Олимов У. Фолькнер ва Ф. Фулом асарларни ижодий индивидуаллик нуқтаи назаридан таҳлил қилар экан, ижод табиатига хос муҳим бир ҳолатга эътиборимизни тортади. У Фолькнерга «такдир опа ёки сингил насиб қилмаган», Ф. Фулом қалбига эса ёшлигидан етимлик қисмати ўзининг машъум тамғасини босган. Ҳар икки ижодкорнинг энг қўл етмас ва буюк армонлари шу. У. Фолкнер «Сурон ва ғазаб» романида ғайришуурий тарзда ўзининг «йўқ опаси ёки йўқ сингисини яратишга, хазон бўлган қизчасини тирилтиришга уринган» бўлса, Ф.

Ғулом «Сен етим эмассан», «Феликс болалари» асарларида, ва, ҳатто етимлик мавзусига ҳеч бир алоқаси бўлмаган «илғор тўқувчи Мавжудага» бағишланган шеърида ҳам беихтиёр ўзининг етимлигини эслаб кетади.¹ Айнан шу мавзуларда ёзилган асарлар бу икки муаллиф ижодининг гултожи бўлиб қолгани эса, ижод жараёнида ички «мен»нинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб кўрсатади.

10-30-йиллар илмий-адабий муҳитини ташкил этган бир-икки олим ижодидан бунга мисол келтирайлик.

Абдурахмон Саъдий ижодида ўз даврининг етакчи услуби бўлган ғоявий-бадий таҳлил услубидан кўра, давр руҳидан анча йироқ бўлган шаклий-бадий таҳлил услуби етакчилик қилади. Буни биздан бошқа тадқиқотчилар ҳам эътироф этадилар.² Ёки Аҳмад Яссавий шахси ва ижодига нисбатан вульгар-социологик муносабатлар шаклланаётган бир пайтда А. Саъдий унинг ижодини ёқлаб чиққан, Фахр билан «умумтурк шоири» деб атаган эди.³ Юқорида В. Маҳмуднинг Сиддикий-Ажзий ижодига ва Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» пьесасига муносабати мисолида ҳам шунга яқин ҳолатни кузатган эдик.

Аслида А. Саъдий ўз объектига ғоявий-бадий таҳлил услубида ёндашганда, Яссавийни эса замонаси талаб қилган даражада тадқиқ этганда, у ўз замонага муносиброқ бўлмасмиди? Жадидчилик ҳаракатининг етакчи вакиллари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурийлар муҳитида тарбия топган В. Маҳмуд Фитрат асаридаги ўша «ижтимоийлашган ўринларни» ёқлаб чиқса, зоҳиран табиийроқ чиқмасмиди? Гўё бу саволларда мантиқ бордек. Аммо буни

¹ Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. - Тошкент: 1994. 89-95-бет.

² Дўстқораев Б. А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: ТошДУ, 1989. 64-81-бет.

³ Яссавий ким эди? Мақолалар ва «Ҳикматлар»дан парчалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Дўстқораев. - Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 1994. 10-бет.

маъқулласак, ички «мен» табиатига зид йўлдан борган, оқибатда ижод моҳиятини баҳолашда бирёқламаликка йўл қўйган бўламиз.

Агар ёзувчи У. Фолькнер қалбининг армони бўлиб қолган қизалоқни ўз романида беихтиёр акс эттирган, Ғ. Ғулум турли характердаги шеър, ҳикоя ва қиссаларида ғайришуурий тарзда ўзининг етимлик қисмати ҳақида сўйлаган бўлса, А. Саъдий ва В. Маҳмудлар ҳам ўз ишларида ички «мен»лари талабига ихтиёрсиз бўйинсунишган. Бунга на ижтимоий шароит, на улар тарбия топган муҳит тўсқинлик қила олган.

Кўринадики, 10-30-йиллар илмий-адабий муҳитига хос бўлган зиддияту хилма-хилликлар фақат объектив шароитнинг таъсири билан юзага чиққан эмас. Аксинча, бунда индивидуал хусусиятлар етакчилик қилган.

Хуллас, 10-30-йиллар илмий-адабий муҳитини хилма-хил ва ўзаро зид қарашлар ташкил этган. Бундай хилма-хилликларнинг сабаби кейинги ўн йилликда, асосан, ижтимоий-тарихий аспектда талқин этилиб, муайян ютуқларга эришилган. Лекин бу давр илмий-адабий муҳитини жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларидан маълум бўлган психологик, эстетик аспектларда ҳам ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Шундан келиб чиқсак, бадиий асарда бўлгани каби илмий асарда ҳам муаллиф эстетик идеали ижодининг бош асоси бўлиб хизмат қилади. Бадиий асарда муаллиф эстетик идеали бевосита образларда, тасвир услубида акс этса, илмий асарда муаллифнинг ўз тадқиқот объектига муносабати шаклида кўринади. Турли ижтимоий ҳодисалар, ҳар бир одамга хос умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятлар ижодкор ички «мен»ида қайта ишланади ва ички «мен» эстетик идеалнинг ифодаси» (М. Олимов таъбири) сифатида юзага чиқади.

Мазкур давр олимлари ўртасидаги ўзаро зид қарашлар, баъзан бир олим ижодидаги зиддиятлар ҳам шу – ички «мен» талабларидан келиб чиққан. Хусусан, Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Абдулла Авлони, Жалил Бойбўлатов каби олимлар ўртасидаги ўзаро фикрий зиддиятлар; Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Вадуд Маҳмудлар ижоди мисолида кузатганимиз ички зиддиятлар шу билан изоҳланади.

Ушбу фикрларга асосланиб, Фитрат яшаган давр илмий-адабий муҳитини ижтимоий шарт-шароит эмас, балки негизида ички «мен» бўлган индивидуал қарашлар ташкил этди, дейиш мумкин. Илмий-адабий муҳитнинг энг йирик вакилларида бири Фитрат эдики, бу унинг ижодини психологик ва эстетик аспектларда чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

2-Фасл. Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган асослар.

Фитрат ўз даврининг етук шахсларидан бири эди. Буни Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Садриддин Айний каби маслакдошларининг у ҳақда айтган илиқ фикрлари ҳам исботлайди. Қолаверса, у нафақат Туркистон, балки ётакчи Шарқ мамлакатлари ва баъзи бир Ғарб мамлакатлари миқёсида ҳам эътиборда бўлган. Бу ҳақда проф. Б.Қосимов шундай ёзади: "Унинг ақлу-заковатини Кавказ ва Волга бўйидаги ҳамкасбларигина эмас, Москва, Ленинграддаги шарқшунослар ҳам юксак кадрлаганлар. 1924 йилда у Москвада Шарқ тиллари институтида дарс берган, профессор бўлган. Афғонистон, Эрон, Туркия илмий-адабий доираларида ҳам унинг мавқе-мартабаси баланд эди"¹. Мана шундай етук шахснинг шаклланишида, унда муайян адабий-эстетиканинг қарор топишида

¹ Қосимов Б. Маслакдошлар . - Тошкент: "Шарқ", 1994, 69-бет.

қандай омиллар ҳал қилувчи роль ўйнади? Хусусан, унинг тадқиқотчилик фаолиятида бунинг инъикоси қандай бўлди?

Жаҳон руҳшунос олимлари инсон туғилгандан то умрининг охиригача кечадиган ҳаёт жараёнини турли даврларга бўлиб таҳлил этадилар. Бу борада кўплаб назариялар ишлаб чиқилган. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фаркланиб турса ҳам, бу фарқ унча катта эмас. Айтиш мумкинки, уларнинг йиғиндисидан нисбатан мукамалроқ фан майдонга келган.

Албатта, ҳар бир одам такрорланмас феъл-атворга эга. Унга хос хусусиятларни тўлиқ англаб етиш, у ҳақда сўнги хулосани айтиш яратгандан ўзганинг имкониятидан ташқарида. Шунга қарамай, кўплаб йирик олимлар томонидан ижод ҳақида айтилган фикрларни, баъзи ёш психологиясига оид тажрибаларни Фитрат адабий эстетикасини ўрганишга татбиқ этиб кўрамиз.

Рухшунос-олимлар бир неча факторларни шахснинг шаклланишида муҳим омил деб кўрсатадилар. Булар: ирсият (С.Холл, АҚШ, Ф.Гольтон, Англия), тақлид (Э.Дюркгейм, Франция), биологик-ижтимоий (П.Жане, Франция), таълим-тарбия (Дж.Брунер, АҚШ), биологик-сексуал (З.Фрейд, Венгрия) ва ҳ.к.¹

Мусулмон шарқида инсоннинг шаклланишида, асосан, таълим-тарбия муҳим ўрин тутади деган фундаментал қараш мавжуд. Бунда "Қуръон" ва "Ҳадис" асос қилиб олинади. Аждодларимиз Аҳмад Югнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоийлар ўз ижодий фаолиятларини исломий тарбияга йўналтирганлари ҳам шундан. Жадид педагоглари нафақат шахс камолотини, балки миллат ва жамият равнақини ҳам тарбияда деб билганлар. Ибн Сино, Беруний ва Форобийлар эса таълим-тарбия

¹ Қаранг: Ғозиев Э. Психология (ёш даврлари психологияси) - Тошкент: "Ўқитувчи", 1994, 35-40 бетлар; Умумий психология. - М.: "Издательство просвещение", 1986, Ўзбек тилига таржима, (таржимон Б.Юсупов) - Тошкент: "Ўқитувчи", 1992, 224-500 бетлар..

билан бирга ирсий-биологик жиҳатларнинг ҳам шахс ҳаётида муҳим аҳамияти бор, деб ҳисоблаганлар.

Ижоднинг юзага келиш жараёнлари ҳақида антик давр файласуфи Афлотун "илоҳий мўъжиза, ақлдан ташқари ҳолат" деган фикрларни билдирган.¹ XX асрда яшаб ижод этган Ғарб файласуфи, санъатшуноси Герберт Рид ҳам Афлотун фикрларини замонавий психоанализга асосланиб, такрорлайди.² Венгер психологи З.Фрейд ижодий фаолиятни баъзи руҳий жараёнлар билан боғлаб тушунтиради.³ Рус психологи Л.С.Выготский эса ижоднинг индивидуаллик хусусиятини инкор этмаган ҳолда, унинг жамиятдан ҳам кўпгина нарсаларни олишини таъкидлайди.⁴

Бундай салмоқли фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, ижодкор шахснинг шаклланишида, унга хос адабий эстетиканинг вужудга келишида, ҳам ижтимоий, ҳам биологик-индивидуал, ҳам руҳий-маънавий хусусиятлар роль ўйнар экан.

Фитрат маънавий хазинаси бой, жаҳон мусулмонлари томонидан ислом таянчи деб аталган Бухорои шарифда дунёга келди. Руҳшуносларнинг ирсият (генетик) назарияси асосида ёндашсак, унинг авлод-аждодлари эътиқод жиҳатдан мусулмон, ижтимоий келиб чиқиши томонидан савдогар-бойлар эди. Шунга таяниб, исломий эътиқод ва оқсуяклик унга ирсий мерос бўлган, дейиш мумкин. Биогенетик назарияга кўра боланинг шахсга айланишида, асосан мана шу фактор роль ўйнайди. Бироқ социогенетик назария вакиллари буни инкор этадилар. Ушбу инкорда асос борки, кейинроқ буни кўриб ўтамиз.

¹ Овсянников М.Ф. "Эстетика: в прошлом, настоящем и будущем". - М.: "Просвещение", 1988, 20-21.

² Буржуазная эстетика сегодня. (илмий мақолалар тўплами) - М.: "Наука", 1970, с. 106.

³ Райкрофт Ч. Критический словарь психоанализа, Санкт-Петербург, 1995, с. 195-196.

⁴ Выготский Л.С. Психология искусства. - М.: "Педагогика", 1987, с.18.

дейиш мумкин. Биогенетик назарияга кўра боланинг шахсга айланишида, асосан мана шу фактор роль ўйнайди. Бироқ социогенетик назария вакиллари буни инкор этадилар. Ушбу инкорда асос борки, кейинроқ буни кўриб ўтамиз.

Фитрат яшаган, тарбия топган муҳит ҳақида тўла тасаввур бериш учун, турли манбаларда, турли мақсадлар билан келтирилдиган,¹ қуйидаги далилга эътиборингизни тортамиз. XIX асрнинг охирларида Бухорода 217 масжид, 125 мадраса бўлган. Эски усул мактабларининг сони эса, жами масжиду маҳаллалар сони билан тенг эди. Мана шундай муҳитда туғилган Фитрат, аввал эски мактаблардан бирида, кейинчалик "Мир Араб" мадрасасида таълим олди. Агар у 1904 йилда хаж сафарига чиққан бўлса (проф.Б.Қосимов мазкур китобида айнан "ҳаж қилган" деб беради. 74-бет), 18 ёшгача Бухоро муҳитида тарбия топган. Кейин хаж сафари баробарида Арабистон каби мусулмон ўлкаларни кўриши билан бирга, Ҳиндистон, Туркия каби Оврупа таъсирида ўзгаришга юз тутаётган ислом давлатлари, Москва, Петербург каби Оврупа типидagi шаҳарлар билан ҳам танишди. Бухорога қайтганда эса жадиличлик ҳаракати кенг қулоқ ёйган, янги усулдаги мактаблар, турли ижтимоий-ташкilotлар фаолият бошлаган қайноқ муҳитнинг устидан чиқди. 1909 йилда (яъни 23 ёшида) Истанбулга ўқишга жўнатилди. У жойда Бухородагидан-да суронлироқ воқеаларга гувоҳ бўлди. Унда ўзи ҳам иштирок этди.

Рухшунос Э.Ғозиев америкалик С.Холл тажрибаларига асосланиб, 12-25 ёш орасини инсон руҳиятида ички ва ташқи зиддиятлар рўй бериши, индивидуаллик хусусиятларининг шаклланиши,

¹ Қаранг: Ишанов А. Бухарская народная советская республика, - Тошкент: 1962; Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе.- Тошкент: 1975; Қосимов Б. Маслакдошлар. - Тошкент: "Шарқ", 1994, 71-бет. (Хозир келтирилдиган иқтибос ва Фитрат таржимаи ҳолига оид барча маълумотлар проф. Б.Қосимовнинг юқоридаги асаридан олинади).

танқидий мулоҳазаларнинг вужудга келиши даври, деб белгилайди.¹

Лев Выготскийнинг аниқлашича, худди шу ёшларда ўспириннинг ҳиссий-хаёлий дунёси бой бўлади. Ичидаги ўй-фикрларни бошқаларга етказишга, бошқаларни бундай қарашлардан хабардор этишга сидқидилдан интилади.²

Шулардан келиб чиқсак, Фитрат ҳам 12-25 ёш орасида ўзи туғилиб ўсган муҳитдан узоқлашди. Бошқачароқ муҳитлар билан рўбарў келди. Бунинг ўз таъсири бўлди, албатта. Унинг ўзи яшаган муҳитдан норози бўлиши, бундай муҳитни танқид қилиши (руҳшунослик бўйича, танқидий мулоҳазаларнинг вужудга келиши) айниқса, "Мунозара" (Истанбул, 1909) асарида яққол кўринади. Рус мутахассисларининг таъкидлашича, худди мана шу ёшлар (18-25) инсонда ватанпарварлик туйғуларининг ҳам жўш урган даврики, бу Фитрат "Мунозара"сида ватан ва миллат мавзуи кўринишида акс этган. Унинг "Сайҳа" (Истанбул, 1911) шеърый тўпламида эса ватан "саждагоҳ" деб таърифланади. Кузатишимизча, бу руҳий жараёнлар оддий ўспиринларга қараганда Фитратда жўшқинроқ, кучлироқ намоён бўлган. Бунинг сабаби Фитратнинг шоирона табиати, шу билан бирга ҳаётида юз берган муҳим воқеалар билан ёшидаги руҳий босқичларнинг мос келиши бўлса керак. Ва бу ўринда Фитратнинг ўзи мансуб бўлган жамиятга муносабати, ижодкор ички "мен"идаги амбивалентлик³ кўринишида акс этган. (Мана шу ерда биогенетик назария билан социогенетик назария тўқнашади. Иккинчиси ҳукмрон факторга айланади).

¹ Ғозиев Э. Психология.- Тошкент: "Ўқитувчи", 1994, 38-бет.

² Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте, 3-издание. - М.: "Просвещение", 1991, с. 31.

³ Амбивалентность – (қисқартирилган изоҳи) истилоҳ воқеликка бир вақтнинг ўзида ҳам севги, ҳам нафрат маъносини беради//Критический словарь психоанализа, Санкт-Петербург, 1995, с.6.

Шу нуқтада Фитрат шахсиятида ва дунёқарашида маълум ўзгариш ҳам юз берди. Хусусан, унинг шаклланиб қолган ақидасига дарз кетди. Адабиётшунос Б.Дўстқораев Фитратнинг динга муносабатида Шарқ даҳрийлигининг таъсири борлигини таъкидлайди.¹ Бизнингча, бу таъсир айнан шу давр билан боғлиқ. Кейинчалик очиқ юзага чиқишининг ҳам илдизи шу ерда.

Фитратнинг "Мунозара" (1909), "Сайёҳ Ҳинди" (1912) асарларида исломни ширкдан, бидъат хурофотдан тозалаш хусусида сўз кетади. Баъзи ўринларда "Қуръон" оятларига зид фикрларни, "Ҳадис" маъноларининг маълум ғояга мослаб талқин этилганини кузатиш мумкин. Мисол келтирамиз: "Мунозара"да Фаранги мударрисни илмдан узокликда, ислом ақидаларидан хабарсизликда айблаётиб: "Магар ўн йил аввал саккиз ёшли бир бола шўхлик қилиб, китобнинг ҳошиясига *"мен офтобни туя сувратида кўрдим"* (таъкид бизники – У.Ж.) сўзларини ёзиб қўйгани туфайли бугун сизга офтобнинг ҳақиқий шаклини исбот қилиш мумкин бўлмай қолди" деган сўзларни айтади.² Бироқ булар саккиз ёшли бир боланинг сўзлари эмас, Аллоҳнинг ҳақ ояти эди. "Қуръон"нинг ўзбекча таржимасида бу шундай ифода топган (ас-х.) "(У кунда кофирларга дейилур): "Сизлар ҳаёти-дунёдалиқ пайтингизда) ёлғон дегувчи бўлган нарсага (ҳисоб-китоб ва дўзах азоби) боринглар: (Жаҳаннамда ёнаётган дўзахилардан кўтарилаётган бадбўй тутунлардан иборат, осмонга ўрлаган сари бўлиниб кетган) уч бўлакли, ҳеч қандай салқинлик бермайдиган ва (дўзах) алангасини тўсмайдиган "соя"га боринглар". Дарвоқе, у (жаҳаннам ҳар томонга ҳар бири) қасрдек, худди сарик туяларга

¹ Дўстқораев Б. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари//Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари, - Тошкент: Университет, 1993, 52-бет.

² Фитрат А. Ҳиндистонда бир Фаранги ила Бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилгон мунозараси. (Ҳ.Болтабоев форс тилидан таржима қилиб, нашрга тайёрлаган)//Ш.Ю., 1997, 1-сон, 131-бет.

ўхшаган учқунларни отиб туруп!" (Вал-мурсалат сураси, 29, 30-31-32-33 оятлар)¹. Бу ерда дўзах олови сариқ туяларга ўхшатишганки, "Мунозара"да кўплаб оятларни кўлаган Фитратнинг ушбу оятдан хабарсиз бўлгани мантикка тўғри келмайди. Ушбу оятнинг "Қуръон" мўъжизаларидан бири эканини, яъни куёшда юз берадиган водород реакциялари сариқ туялар шаклини беришини бугунги замонавий фан ҳам тасдиқлайди.² Орадан кўп ўтмай: "Фитрат ислом ақидаларининг сиёсий ва ғоявий жиҳатдан эскилик табиатини пайкаганда, уни ислоҳ этиш тарафдори бўлиб чиқади" (сўз "Раҳбари нажот" (1915) хақида кетмоқда)³.

Бу даврда Фитрат ўз эътиқодини тамоман йўқотди ёки даҳрий бўлди демаймиз. Фақат, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг эътиқодига дарз кетди. Албатта бу ҳолат ўз-ўзидан рўй бергани йўқ, балки ўзига хос ижтимоий илдишларга эга. Унинг турли киёфалари, турли йўналишлари бор. Масалан, Шарқ даҳрийлиги "Қуръон" оятларидан зиддияту тафовутлар излаш кўринишида акс этса, исломни бузиш учун олиб борилган системали ҳаракатлар "ислоҳ" шиори остида амалга оширилади. "Қуръон"да ислоҳчилар шундай таърифланади: (ас-х.) "Уларга: "Ер юзида бузғунчилик қилманглар", дейилса, "Биз ислоҳ қилгувчилармиз", дейдилар. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар". ("Бақара" сураси, 11-12 оятлар).

¹ "Қуръон"нинг Алоуддин Мансур қилган таржимасидан фойдаланаямиз. - Тошкент: Чўлпон, 1992, 29-жузъ, 599-бет.

² Қаранг: "Илоҳий мўъжизалар», иккинчи китоб, - Тошкент: "Чўлпон", 1996, 33-35 бетлар. (Китобда "Дарвоқе, у (жаҳаннам ҳар томонга ҳар бири) қасрдек, худди сариқ туяларга ўхшаган учқунларни отиб туруп" оятлари "Вал-мурсалот" сурасининг 31-32 оятлари деб хатога йўл қўйилган. Аслида бу "Вал-мурсалот" сурасининг 32-33 оятларидир).

³ Дўстқораев Б.//Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари,- Тошкент: "Университет", 1993, 52-бет.

Энди рухшунослик нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, инсонда юз берадиган бундай ҳолатнинг ҳам ёш психологияси билан боғлиқлигини кўрамиз. Ўспириндаги ижобий ва салбий томонга бўлган барча кескин ўзгаришлар шу (12-25) ёшларда рўй беради. Лев Толстой ўзининг рух таҳлилига бағишланган "Иқрорнома" асарида ёзади: "Болалигимда анчагина сингдирилган диний эътиқод бошқаларда қандай бўлса, менда ҳам шундай ғойиб бўлди. Фарқ шунда эдики, мен жуда эрта ўқиш ва фикрлашни бошлаганим туфайли (Фитратдаям шундай бўлган эди – У.Ж.) диндан қайтишим илк қадамлардаёқ, онгли равишда рўй берди. Ўн олти ёшимдан эътиборан ибодат қилмай қўйдим ва черковга қатнашни ўз ихтиёрим билан бас қилдим.»

Биз буни ёзувчининг ўзи айтмоқчи "диндан қайтиш"деб туншунмаслигимиз лозим. Негаки асар давомида Толстойнинг ўзи эътироф этганидек, "нимагадир ишонч бору, аммо унинг нималигини англаш мушкул"¹. Бу ҳолат айнан "дарз кетиш" бўлиб, баъзан ижтимоий шароит, баъзан биогенетик факторлар таъсирида ривожланиб бораверади.

Фитратнинг шахс сифатида шаклланишида ҳам шу "дарз кетиш" динамикасини кузатиш мумкин. Аввалига у "Қуръон" оятларидан тафовут излаш кўринишида, кейин "ислоҳчилик" ғояларини кўтариб чиқишда, яққол намуналари эса "Қиёмат" (1923), "Шайтоннинг тангрига исёни" (1924), "Зайд ва Зайнаб", "Меърож" каби бадий асарлари мисолида кўринади. Илмий фаолиятда эса Аҳмад Югнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийлар ижодининг ғоявий-бадий таҳлилида юз кўрсатди.

Фитрат дунёқарашидаги бундай ўзгаришлар унинг илмий асарларида қандай акс этганлигини ўзаро боғлиқ учта мисол билан кўрсатиш мумкин. **Биринчидан**, аруз вазнига муносабат кескин

¹ Толстой Л.Н. Иқрорнома//Тафаккур, 1997, 1(10)-сон, 94-95 бетлар.

ўзгарди. Бу айниқса "Шеър ва шоирлик" (1919) номли назарий асарида очик кўринади.¹ Кейинчалик эса Фитрат "Маркс, Ленин, Сталин методологиясига" асосланиб, арузни текширди.² Аммо буни олим шўролашуви деб қабул қилмаслик лозим. Чунки, у умрининг охиригача Туркияда эгаллаган позициясида муқим қолди.

Дарҳақиқат, Фитрат умрининг охиригача шўроларни тан олмади, "Аруз ҳақида" китобида акс этган баъзи ён беришларнинг сабабини эса қуйдагича тушуниш тўғри бўлади. Бу 1936 йил эди, яъни Фитратнинг 50 ёшдалик пайти. Буни рухшунослар қандай изоҳлайдилар деб сўралганда: "Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради. Унинг бошланиш нуқтаси 45-50 ёшдир... Мазкур ёш даврининг ўзгарувчанлигини инсоннинг биологик, ижтимоий ва тарбиявий амаллари (ирсий аломат, ижтимоий муҳит, узлуксиз тарбиявий таъсир) белгилайди», – деб жавоб беришади улар.³

Иккинчидан, бармоқ вазнини шеърятда асосий вазн деб кўрсатиш. Буни Фитратнинг ушбу сатрлари очик кўрсатади: "Ўзбек миллатчилиги бармоқ вазнини ёқлағонда панисломизм аруз тарафдори эди. Бу масалада пантуркизмнинг ўзбек миллатчилиги билан бир сафда турганини айтишига ҳожат йўқ. (Таъкид бизники – У. Ж.). Мен шу вақтларда ўзбек миллатчилиги нуқтаи назардан қарор топган эдим ва шу нуқтаи назардан бармоқ вазнини ёқладим".⁴

Учинчидан, бадий асар тили масаласида. У "Тилимиз" мақоласида туркий тилнинг қашшоқлашишига бош сабаб қилиб "араб босқини"ни кўрсатди. Яъни: "Мусулмонликнинг туби томи-

¹ Фитрат А. Шеър ва шоирлик, //Иштирокиюн, 1919, 24 июль.

² Батафсил қаранг: Фитрат. Аруз ҳақида (лотин ёзувида). ЎзССР Фанлар комитети нашриёти: - Тошкент: 1936, 13-20 бетлар.

³ Ғозиев Э. Психология, - Тошкент: "Ўқитувчи", 1994, 205-206 бетлар.

⁴ Фитрат А. Аруз ҳақида.- Тошкент: Ўз.ССР Фанлар комитети нашриёти, 1936, 20-бет.

ри Куръон билан Хадисидир. Шунинг учун, янги мусулмонлар арабча ўрганмакни ўзларига вожиб деб билдилар, ўкидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форсча ва туркча арабча бўғувга кириб қолдилар".¹ – деб ёзадики, буларнинг ҳаммаси Фитрат илмий тафаккурида юз берган ўзгаришларни очик ойдин намён килади.

Фитрат ҳаётининг Туркия даврида ўткир сиёсатчи сифатида ҳам шаклланди. Бу йўлдаги амалий фаолияти, айниқса Туркиядан қайтгандан сўнг кўринади. Хусусан, унинг жадидчилик ҳаракати ва "Ёш бухороликлар" фирқасининг ташкилотчиларидан, раҳбарларидан бири бўлгани маълум. "Фитрат адибгина эмас, Бухоро инқилобининг ғоявий-ташкилий раҳбарларидан, сўнграқ эса Бухоро халқ жумхуриятининг муассисларидан бири, инқилобчи, сиёсатчи арбоб сифатида ҳам шуҳрат топган эди", деб ёзади бу ҳақда проф. Б.Қосимов.²

Унинг маърифатчилик, матбаа, театрчилик ҳаракатлари эса нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон миқёсида бундай йўналишларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Кўринадики, Фитрат ҳаётининг Туркия даври унинг шоир, ёзувчи, сиёсатчи, олим сифатида шаклланишини таъминлаган. Бу эса ўз навбатида олимнинг кейинги фаолияти учун ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилган.

Фитрат ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қизгин даври 20-йилларнинг биринчи ярмигача давом этди. 1924 йилдан кейин биз уни сиёсат майдонида деярли учратмаймиз. Бу даврларга келиб бадий, публицистик асарларида ҳам ижтимоий-сиёсий руҳ анчайин сўниб қолган кўринади. Актив ҳаракатлари эса, асосан, илмий фаолиятида акс этади. Чунки бир неча асарларини ҳисобга

¹ Фитрат А. Тилимиз. (Х.Болтабоев нашрга тайёрлаган)//"Фитна санъати", 2-китоб.- Тошкент: "Фан", 1993, 76-бет.

² Қосимов Б. Маслақдошлар. - Тошкент: "Шарқ", 1994, 80-бет.

олмаганда, Фитрат илмий меросининг асосий қисми 20-йилларнинг ўрталарида, ва, асосан иккинчи ярмида ёзилган. Бунга сабаб нима?

Рухшунос Лев Выготский бунга ўхшаш ҳолатларни, ақлий фаолиятнинг юксалиши, ҳиссий фаолиятнинг пасайиши каби руҳий асосларга боғлаб тушунтирадики, ушбу фикрга тўлиғича қўшилиш мумкин.¹

Бу кўрганларимиз - Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган субъектив омиллар. Энди объектив таъсир масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Юқорида кўриб ўтганимиз омиллар Фитрат шахсиятида, унинг шаклланишида хусусий аҳамият касб этса, куйида тўхталмоқчи бўлганимиз жиҳатлар умумий аҳамият касб этади. Аниқроғи, унинг шахсига эмас, илмий салоҳиятининг ўсишига, руҳ ва дунёқарашининг шаклланишига эмас, билим савияси раванқига хизмат қилади.

Миллий уйғониш даври бўйича қилинган энг салмоқли ишларда давр эстетикаси маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга боғланади. Шу маънода Фитрат тадқиқотчилигига ёрдамчи асос бўлган бир неча жиҳатларни кўздан кечирайлик.

Унда шеър ва шоирлик ҳақидаги дастлабки қарашлар мумтоз Шарқ адабиёти таъсирида юзага чиққан. Бу адабиётни Фитрат чуқур ўргангани, нозик ҳис қилгани аниқ. Араб, форс, турк адабиёти бўйича қилинган ишларда ҳам бунинг самарасини кўриш мумкин. "Адабиёт қоидалари"даги эришилган ютуқлар яна бир исбот. Фитратшунос Х.Болтабоевнинг таъкидлашича, Фитрат тузган "намуналар" XX аср бошларида янги моҳият касб этган тазки-

¹ Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - М.: "Просвещение", 1991, с.26-30.

рачиликнинг қонуний давомидир.¹ Бу юқоридаги фикримизни янада ривожлантиради.

Проф. Б.Қосимов Фитратнинг сиёсий арбоб ва ижодкор бўлиб етишишини Туркия муҳити билан боғлайди. Шоир ва адабиётчилар Зиё Гўкалп, Меҳмед Акифлар таъсирини таъкидлаб кўрсатади.² Аммо бу ҳали бошланғич таъсир эди холос. Кейинчалик Фитратнинг кўплаб илмий мақолаларида турк олимлари Фуод Кўпрулу, Нажиб Осимбек номлари тез-тез учрайди. Масалан, "Энг эски турк адабиёти намуналари"га "Девону луғатит турк"нинг 1914 йилдаги Истанбул нашри асос қилиб олингани маълум.³ Бундан ташқари, Фитратнинг "Аҳмад Яссавий" мақоласида Фуод Кўпрулудан бир неча муҳим иқтибослар келтирилади.⁴ Булар Фитратнинг илмий-адабий фаолиятида турк адабиётшунослиги муҳим ўрин тутганини кўрсатади.

Миллий уйғониш даври адабий эстетикаси ҳам тасодифий шаклланиб қолган эмас. XIX аср маърифатпарварлик адабиёти маълум маънода унга замин ҳозирлаб берди. У анъанавий Шарк адабиёти ва жадиличлик ҳаракати ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Шу маънода янги эстетиканинг илдизи ҳам маърифатпарварлик давридан озуқа олди. Бу адабиётшунослик соҳасидаги янгича уринишларда ҳам намоён бўлди. Хусусан, Фурқат ижодида бунинг яққол мисолини кўриш мумкин. Йирик фурқатшунос, профессор Шариф Юсупов бу ҳақда шундай ёзади: "...унинг (Фурқатнинг – У.Ж.) "Шоир аҳволи ва шеър муболағаси" номли

¹ Болтабоев Х. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги, // Шарк юлдузи, 1995, 11-12 сон.

² Қосимов Б. Маслакдошлар. Тошкент: Шарк, 1994, 79-бет.

³ Болтабоев Х. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д... дис. авто-реф.- Тошкент: 1996, 29-бет.

⁴ Яссавий ким эди? (Мақолалар ва "Ҳикматлар"дан парчалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев).- Тошкент: "Халқ мероси", 1994, 21-бет.

ажойиб шеърида ...Шарқ классик шеъриятининг уч забардаст вакили – Фирдавсий, Ҳофиз ва Саъдий асарларидаги ҳаёт ҳодисаларининг акс эттириш усули ва бунда муболага санъатининг алоҳида аҳамият касб этиши тўғрисида адабиёт назарияси ва амалиётидан пухта хабардор йирик мутахассис сифатида мулоҳаза юритади. Сўнгра Шарқ классик шеърияти учун етакчи ҳисобланган бу жиҳатни рус классик шеъриятининг ифтихори бўлмиш Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларидаги ўзига хос томонлари, яъни уларнинг тимсол яратиш маҳорати билан қиёслайди».¹ Ш. Юсупов таъкидлаган жиҳатнинг оригиналиги ўзаро тубдан фарқ қилувчи икки миллат адабиёти вакиллари ижодининг қиёсида, ўхшаш жиҳатларини излашда кўринади.

Бундай ҳолат кейинчалик (20-йилларда) мунаққид Вадуд Маҳмуд тадқиқотларида намоён бўлган эди. У ҳам, икки маданият вакили – Амирий (Умархон) ва Эдгар По ижодининг баъзи жиҳатларини қиёс қилган эди.² Фитрат «Фарҳод ва Ширин» достони тўғрисида» деб номланган мақоласида эса бу жиҳат қиёсий-типологик метод кўринишда камолот касб этди. Демак, замонавий тадқиқотчиликка 20-йилларга келиб эмас, XIX асрнинг охиридаёқ илк қадамлар қўйилган, самарали уринишлар бўлган. Бу, ўз навбатида, Фитрат ва унинг авлодларига туртки вазифасини ўтаган.

Жадидчиликнинг илк даврида янги эстетиканинг шаклланиши Камий ва Анбар Отин, Васлий ва Мирмуҳсин Фикрий,³ Васлий ва Бехбудий⁴ ва бошқалар ўртасидаги баҳслар кўринишида акс этди. Бундан ташқари, адабиётшунослик, адабий танқид, адабиёт тари-

¹ Юсупов Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 13-бет.

² Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабиёт танқидчилигидаги ўрни, ф.ф.н...дис. - Тошкент: 1995, II боб, 38-39-бетлар.

³ Қосимов Б. Излай-излай топганим... - Тошкент: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 92-98 бетлар.

⁴ Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Тошкент: "Шарқ" нашриёт матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997, 96-97 бетлар.

хига оид илк мақолалар ҳам жадид матбуотида кўринди. Шунда шаклланди, ривож топди. Фитрат адабиётшунос бўлиб етишишида бунинг аҳамияти чексиз бўлган.

20-йиллар ўзбек профессионал адабиётшунослиги дейилганда, асосан, унда Оврупа ва рус адабиётшунослиги хусусиятларининг акс этиш даражаси кўзда тутилади. Ҳ. Болтабоевнинг таъкидлашича, «Фитрат тавсия этган бадий таҳлил тамойиллари кўпроқ рус «шаклшунослари»нинг қарашларига яқин келади». Бунинг сабаби, ОПОЯЗ номи билан машҳур бўлган рус тилшунослари ҳам Фитрат каби анъанавий Шарқ адабиётшунослиги тажрибаларига суянганлар¹. Санъат масалаларини ҳал этишда эса "ғарбда машҳур бўлган Спенсер" ва "Л.Толстой қарашларидан бохабар равишда" иш олиб борган.² Мумтоз адабиётга доир тадқиқотларида Радлов, Самойлович, Мартин Хортман каби рус Оврупа мусташирикларининг номлари турли муносабат билан учраб туради. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Фитрат илмий фаолиятида рус ва Оврупо адабиётшунослиги муайян аҳамият касб этган.

Фитратнинг тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларини узвий олиб бориш, бу борада маълум тартиб асосида китоблар нашр эттиришдаги фаолияти кўп жихатдан татар олими Олимжон Иброҳимов фаолиятига ўхшайди. Чунки, О. Иброҳимов Фитратдан олдин татар тили бўйича "Сарф", "Наҳв" асарларини, кейин, давом эттириб, "Адабиёт қонунлари»ни ёзган.³ Ҳ.Болтабоев таъкидлаганидек, Фитрат рус формал мактаби вакиллари билан ҳамфикр бўлган бўлса, Олимжон Иброҳимов ишларида рус олим-

¹ Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис. - Тошкент: 1996, 53-54-бет.

² Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис.авторреф. - Тошкент: 1996, 17-бет.

³ Иброҳимов Олимжон. Адабиёт қонунлари (араб ёзувида), Казан, Государственная типография, 1919 г. - С. 1-8.

лари Левинов, Овсяннико-Куликовскийларга суянилган. Фитрат бу китобдан хабарсиз бўлган бўлиши мумкин эмас.

Хуллас, Фитрат адабий-эстетик қарашлари икки асосда шаклланган дейиш мумкин. Буларнинг биринчиси субъектив асос бўлиб, у олим дунёқарашининг, илмий-адабий эстетикасининг юзага келишини таъминлаган. Бунинг негизида Фитрат ҳаёти жараёнида юз берган турли психологик ўзгаришлар ётади. Айниқса, ҳаётининг Туркия даври унинг шахс ва ижодкор бўлиб етишишида катта таъсир кўрсатган. Бу Фитратнинг ҳам бадиий, ҳам илмий асарларида яққол кўринади. Туркиядан ўзининг исломчилик, шарқчилик қарашларини туркчилик ғоялари билан алмаштириб қайтган Фитрат аруз вазнини туркий адабиётга мувофиқлаштиришга, бармоқ вазнини ўзбек адабиётининг етакчи вазни даражасига кўтаришга, адабий тилни форсча-арабча сўзлардан тозалашга бутун вужуди билан киришди. 20-йиллар бошида унинг томонидан «Чиғатой гурунги» ташкилотининг тузилиши ҳам шу ҳаракатларнинг натижаси эди.

1924 йилдан кейин биз Фитратни сиёсат майдонида очик кўрмасак ҳам, илмий ишларининг туб-тубида сиёсий бир мақсад яъни миллат манфаати ётганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто олимнинг катагон қилинишидан икки йил олдин (1936) нашр этилган «Аруз ҳақида» асарида ҳам миллатпарварлик позицияси сақланиб қолганки, бу Фитрат ички «мен»ида айни хусусиятларнинг етакчи ўрин тутганидан далолат беради.

Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган иккинчи асос – объектив асос ҳисобланади. Объектив асос сифатида Фитратнинг анъанавий Шарқ, турк, татар, рус ва Оврупа адабиётшунослигидан олган билим ва тажрибаларини кўрсатиш мумкин. Бунинг мисоли олимнинг барча тадқиқотларида учрайди. Аммо, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Фитратнинг шахс ва олим бўлиб

шаклланишида объектив асос иккинчи даражали. Субъектив асос эса асосий ўрин тутди. Фитрат илмий меросини, унинг адабий-назарий қарашларини ўз замондошлари ижоди билан қиёсий ўргансак, бунга янада кўпроқ амин бўламиз.

3-Фасл. Аср бошидаги эстетик тафаккур ва Фитратнинг адабий-назарий қарашлари.

Буюк мунаққид В.Г. Белинский рус адабиёти тарихи бўйича ёзган тадқиқотларидан бирида «ҳар нарсанинг қадри бир-бирига қиёс қилинганда яхши билинади», деган эди.¹ Шу маънода мазкур даврда ижод қилган бир неча йирик олимлар қарашларини қиёслаш, уларни санъат ва адабиётнинг турли масалаларига ёндашиш принципларини аниқлаш ва бундан келиб чиқиб, Фитрат тадқиқотчилигининг ўрнини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, асосан, Отажон Ҳошим,² Абдурахмон Саъдий,³ Вадуд Маҳмуд,⁴ қисман Чўлпон ва Абдулла Авлониёларнинг қуйида кўрсатилган мақолаларига таянилади. Ўрни-ўрни билан бошқа асарларига ҳам мурожаат қилиниши мумкин.

а) Адабиёт ва санъат тўғрисида мулоҳазалар

Фитратнинг адабиёт тўғрисидаги қарашлари 10-йилларнинг охиридаёқ тугал шаклга кирган эди. Кейинчалик назариётчи сифатида фаолият кўрсатганда ҳам шу фикрларга суянди.

Масалан, у "Шеър ва шоирлик" мақоласида "Шеърда кишиларнинг қонини қайнатғувчи, сингирларини ўйнатғувчи, миясини

¹ Белинский В.Г. Адабий орзулар. - Тошкент: Ф. Фулом, 1977, 68-бет.

² Ҳошимов О. Ўзбек адабиёти намуналарига сўзбоши//Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд, С - Тошкент: Ўзнашр, 1928, III-X бетлар.

³ Саъдий А.Чиғатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.//Инқилоб, 1922, 9-сон, 174-183 бетлар.

⁴ Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти//Маориф ва ўқитғувчи, 1926, 1(13)-сон, 48-50 бетлар.

титратғувчи, сезгисини кўзгатғувчи... бир маънавий куч бор",¹ деган бўлса, "Адабиёт қоидалари"да "...адабиёт фикр-туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар воситаси билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам шу тўлқунни яратмоқдир",² дея дастлабки тезисни тўлдириброк, конкретроқ ифодалади. Яъни биринчи тезисда шеърнинг ички тузилиши, уни ташкил этувчи маънавий-рухий асослар кўрсатилса, иккинчи тезисда, шулар билан биргаликда, сўз санъатининг умумэстетик вазифаси ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Бунинг умумий маъносини ҳар иккала фикр синтезидан келиб чиққан мантикий хулоса деб айтиш мумкин. Яна бунинг таркибида ижод моҳиятини белгиловчи рационал мағз ҳам бор.

Бу нималарда намоён бўлган? Олимнинг фикрича, ижодкор шахс сўзларни шундай тузсинки, у ҳар бир кишига эстетик завқ бера олсин ("қонини қайнатсин, сингирларини ўйнатсин"), шу билан бирга онгини юксалтирсин ("миясини титратсин, сезгисини кўзгатсин"). Том маънодаги адабиётнинг моҳияти шу. Ижодкор ҳам шундагина ўз номига муносиб бўла олади.

Шеърнинг шеър бўлиши учун шаклнинг ўзигина кифоя қилмайди. Яъни ў шаклга тушса-ю, мухлисига юқоридагидек таъсир этолмаса, у шеър эмас, назм парчасидир".³ «Адабиёт қоидалари» китобининг шу ўрнида Сўфи Оллоёрнинг «Ёзилди турки тил бирла мактуб...», деб бошланувчи олти мисраси билан Чўлпоннинг «Клеопатра» номли бир асари қиёсланиб Сўфи Оллоёр шеъри «шеър эмас, бир назм парчасидир» деган хулосага келинган эди.

«Адабиёт қоидалари» 1995 йилда қайта нашр этилганини ҳисобга олиб, бу фикрга озроқ изоҳ бериш лозим кўринади. Таас-

¹ "Иштирокиюн", 1919, 25 июл.

² Фитрат А. Адабиёт қоидалари. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1995, 21-22 бетлар.

³ Фитрат, шу асари, 22-бет.

суфки, Сўфи Оллоёр адабий мактаби бўйича докторлик ишини химоя қилган Иноятулла Сувонқулов тадқиқотларида ҳам бу масала ечим топмаган.

Бизнингча, бу ерда Фитрат шеърнинг истилоҳий моҳияти ва жанр хусусиятини аниқлашга асосий эътиборни қаратган. «Адабиёт қоидалари» китобидаги ушбу бўлимнинг «Шеър» деб номланишидан ҳам буни англаш мумкин. Фитратнинг Сўфи Оллоёрдан олинган мисраларни «шеър эмас, бир назм парчаси» дея баҳолаши унинг шоир ижодига ноҳолис муносабатини кўрсатмайди. Балки унинг зукко шеършунос эканидан далолат беради. 20-йилларда ҳатто, бугунги кунда ҳам ҳар қандай қофияли сўзларни шеър дейиш расмга кирганки, олимнинг юқоридаги фикрлари айнан шундай ноаниқликларга нукта қўйиш учун айтилган эди. Ушбу масалага бошқа асарларида ҳам тўхталгани маълум.¹

Фитратнинг нуктаи назарича, адабиётни ҳалокатга олиб борадиган, ўлдирадиган нарса – "тақлидир".² Бу инсонларнинг ҳар бир ишда ўзларидан юқорироқларга бемақсад "эргашувларидан келиб чиқади".³ Тақлид, яна: «сон-саноксиз шоирлар етиштирган даврнинг-да "ҳеч бир янгилик кўрсатмаслиги"га олиб келади.⁴ Мунаққид Белинский ҳам айнан шу тақлидчилиги учун, гениал рус санъаткори – Ломоносовни қаттиқ танқид этган эди.⁵ Чўлпон ҳам бутун мумтоз адабиётни "бир хил" деб нолиганда мана шу тақлидчиликни кўзда тутган эди.⁶

¹ Фитрат А. Кутадғу билик//Маориф ва ўқитғувчи. 1925. 2-сон, 69-бет.

² Фитрат А. Шеър ва шоирлик//Иштирокиюн, 1919, 25 июл.

³ Фитрат А. Бедил (бир мажлисда), 1923 й., 2-сон.

⁴ Фитрат А. XVI асрдан сўнгга ўзбек адабиётига умумий бир қараш//Аланга, 1929 й., 2-сон.

⁵ Белинский В.Г. Адабий орзулар.- Тошкент: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 18-бет.

⁶ Чўлпон. Адабиёт надири. - Тошкент: "Чўлпон" нашр., 1994, 57-58 бетлар. Бу ўринда «тақлид» деганда кўпроқ анъанавийлик кўзда тутилса ҳам янги

Хўш, олимнинг тақлидга муносабати қандай мезонлар асосида эди? Бизнингча, у "Шеър ва шоирлик" мақоласида фақат бадиият нуқтаи назаридан гапирган эди. "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш" мақоласида эса бош мезон мазмун эди, яъни мазмун талабларидан келиб чиқилган эди. Унинг бу қарашлари В.Г.Белинский ва Чўлпон қарашлари билан яқин келади.

Умуман, Фитратнинг адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари қуйидагиларда кўринади. Адабиёт – сўз санъатидир. Унинг асосини "Туйғулар тўлкини" (Ҳозирги термин билан -пафосга яқин тушунча) ташкил қилади. Адабиётнинг вазифаси: "Ўзгаларда ҳам шу туйғуларни уйғотмоқ; уларнинг қонини қайнатмоқ, сингирларини ўйнатмоқ" (эстетик завқ бермоқ), миясини титратмоқ, сезгиларини кўзғатмоқ" (яъни онгига таъсир этмоқ, тарбияламоқ)дир. Адабиётнинг бундай талабларга жавоб бериши учун шакл ва мазмун мослиги шарт. Адабиётни чин маънода ҳалок қиладиган нарса – бу тақлиддир. Ҳақиқий адабиёт тақлиддан холи бўлмоғи лозим.

Олимнинг ушбу қарашлари адабиётнинг умумэстетик талаблари билан мос келади. Бу албатта, Фитрат адабий-назарий қарашларининг бугунги кундаги аҳамиятини белгилайди.

Вадуд Махмуднинг бу масалада махсус асарлари бўлмаса ҳам, мавжуд асарлари умумий руҳидан келиб чиқиб, маълум хулоса ясаш мумкин. Масалан, у ҳам адабиётни сўз санъати деб қабул қилган. Санъат даражасидаги асарларнигина тан олган. Ҳатто ўзининг жаидча қарашларига ҳамоҳанг асарларда ҳам санъатий бир руҳ бўлишини истаган, шу мезонда ёндашган, талаб қўйган. У "Турк шоири Ажзий" мақоласида Сиддиқий –Ажзийнинг "ишқи

бир адабиётнинг вакили бўлган Чўлпон ва Фитратлар бу ҳолатни салбий баҳолаганлар.

миллат ва Ватан ишқи" эканини «такдир» этиш асносида, шоирнинг:

Банго қарорсиз ўлмакда бордур боис,

Қарори вермакда алдан қарордур боис, –

мисраларини келтириб, шундай ёзади: "...кўрунгиз қарор сўзи билан қандай ўйнайдир. Бу эса Шарқ шоирлигининг эски, мўътабар бир хусусиятидир. Бунинг "маъно" жиҳатидан ҳам қандай тўла экани оз мулоҳаза билан англашиладир".¹

Вадудшунос Б.Каримов унинг адабий-эстетикасини шундай баҳолайди: "В.Маҳмуд адабий-танқидий мақолаларида ғоя ва мазмундан кўра кўпроқ санъатнинг нафосатига, яъни бадиияти, шакли, услуби ва тилига эътиборни қаратди".² Агар "Турк шоири Ажзий" мақоласидаги умумий руҳ, шоирга бўлган хайрихоҳлик, шеърнинг маъно жиҳатига алоҳида эътиборни ҳисобга оладиган бўлсак, В.Маҳмудга ғоявийлик ва бадиийлик мезони бир хил бўлиб чиқади. Бунинг ижтимоий, руҳий асослари ҳам бор. У ёшлигидан жаидчилик руҳида тарбия топди.³ Маслаги эса миллат озодлиги эди.

Абдурахмон Саъдий «Гўзал санъат дунёсида» номли мақоласида: "санъат асари юракларда бир ажиб тўлқун, бир ажиб лаззат, таъмли бир таъсир туғдирса, мияда ҳам кўзғалиш ясаसा, бу асар ҳақиқий бир санъат асари бўлуб саналмоққа тамом ҳақли бўладир", деб ёзади.⁴ Унинг бу фикрлари Фитратники билан анча яқин. Фитратшунос Х.Болтабоев ёзганидек, у санъатни фақатгина

¹ Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий//Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Тошкент: "Университет", 1993, 78 бетлар.

² Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий-танқидчилигидаги ўрни. ф.ф.н....дис.автореф. - Тошкент: 1995, 9-бет.

³ Қаранг: Каримов Б. Вадуд маҳмуднинг 20-йиллар адабий-танқидчилигидаги ўрни. ф.ф.н....диссертация, - Тошкент:1995,1-боб.

⁴ Саъдий А. Гўзал санъат дунёсида//Инқилоб, 1922, 2-сон.

"ўзни овуток" ёки "руҳан ажиб бир лаззат кўзғатувчи восита"¹ деб билмаган. Санъатнинг "таъмли бир таъсир" (эстетик завк), "мияда ҳам кўзғолиш ясаш" (онг ва тарбияга таъсир этиш) жиҳатларини ҳам тўғри кўрсатиб берган, тўғри таъкидлаган. Шу хусусиятлар сабабли адабиётшунос Б.Дўстқораев А.Саъдийни "асарларни баҳолашдаги эстетик нуқтаи назари чекланганликда" айблайдики,² бунда марксча-ленинча методологияга асосланган эди.

Аmmo бу ерда бизни қизиқтирган нарса унга адабиётшуносларнинг берган турлича баҳоси эмас, балки ундаги фикрларнинг Фитрат ва Чўлпон³ фикрлари билан мос келишидир. Бунинг сабаби нима экан? Фикрлар турли йилларда айтилган. Уларнинг ёшларида ҳам анча тафовут бор. Муҳит масаласида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бу умумийликда қандай сир яширинган? Ёки бу ҳар бир санъатсевар инсоннинг адабиёт ҳақидаги стихияли тушунчасимикан? Ва ёки, ягона ҳукмрон назариянинг мавжуд бўлмаганиданмикан? Бизнингча, бу фикрий яқинлик ҳар учала олимнинг шарқона «илми бадеъ» руҳида тарбия топганларидан бўлса керак.

Аmmo А. Саъдий бундай қарашларида собит тура олмади. Бошқа асарларида адабиётни: "ижтимоий муҳит, сиёсий ва иқтисодий турмуш... ўзаро доимий курашда бўладиган фикрлар, манфаатлар"нинг кураш майдони деб тушунтиради.⁴

Демак, унда адабиётни соф санъат сифатида талқин этиш ҳам, ижтимоий ҳаётга боғлаш ҳам (яъни ижтимоий онг шаклларида)

¹ Болтабоев Х. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.н...дис.автореф. - Тошкент: 1996, 16-бет.

² Дўстқораев Б.А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: "ТошДУ", 1989, 63-бет.

³ Бу ерда Чўлпоннинг "Адабиёт надир" мақоласидаги фикрлар кўзда тутилмоқда. (Чўлпон, Адабиёт надир. - Тошкент: "Чўлпон", 1994, 35-36 бетлар.

⁴ Саъдий А. Чиғатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.//Инқилоб, 1922, 9-10 сон, 174-бет.

бири деб тушуниш ҳам) бор. Шу сабаб адабиётшуносликда унинг ижоди ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Замондошларининг уни танқид қилишларига ҳам шу сабаб.¹

Отажон Ҳошимнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари қандай? И.Ёқубовнинг ёзишича, у ўзига тўқ савдогарнинг ўғли (гарчи таржимаи ҳолида "синфий душман" деган тамгадан "деҳқон ўғлиман" деб ҳимояланган бўлса ҳам). Етти-саккиз ёшидан тарбиялаш учун рус оиласига асранди ўғил қилиб берилган. Хуллас, "бевосита шу тузум (шўролар тузуми У.Ж.) тарбиялаб вояга етказган" авлоднинг типик вакили.²

Унинг адабиётга қарашлари ҳам ҳаётнинг шундай томонлари билан боғланади. Яъники, у "истибдодга асосланган сиёсатнинг тобе жумхуриятдаги энг ишончли вакилларида, генерал мундиридаги содиқ солдатларидан ва айна замонда унинг қурбон"ларидан биридир.³ Бунинг билан бирга Отажон Ҳошим замон олдига қўйган муаммоларнинг илмий ечимидан ташқари, сиёсий ечимини топишга ҳам масъул бўлган шахс эди. Унинг таҳлил методи (ўзи айтмоқчи) "социал-сиёсий" эди.⁴

Отажон Ҳошим адабиёт ва санъатни баҳолаганда, ҳукмрон мафкура ишлаб чиққан принципларга асосландики, бу ҳам юқоридаги сабабларнинг оқибатидир.

Унингча, адабиёт ҳар қандай даврда ҳукмрон синф мафкурасини ташувчи қуролдир. "Адабиёт ҳоким синф қўлида маҳкум синфларни ташкил этиш учун катта синфий кучдир. Маълум иқтисодий-ижтимоий муносабатлар орқасида бир давр адабиёти, бу

¹ Қаранг: Ғози Олим "Адабиёт тўғрисида хато бир назар", //Маориф ва ўқитғувчи, 1925, 4-сон.

² Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти.-ф.ф.н.... дис. автореф. - Тошкент: 1993, 12-16 бетлар.

³ Шу манба-13-бет.

⁴ Шу манба - 16-бет.

муносабатда ҳукм сурган синф мафкурасини ташийди"¹. Афсуски, олим ўзининг бу қарашларини "бирдан-бир тўғри қараш деб ҳисоблаган".²

Шунга қарамасдан Отажон Ҳошим адабиётнинг "санъат ёғини"(О.Ҳошим) яхши ҳис қилган, тўғри баҳолаган. Унинг қарашларидаги бу қирра мумтоз адабиёт ҳамда жаид адабиёти вакилларига хусусан, Чўлпонга муносабатида яққол кўринади.³

Демак, Отажон Ҳошим адабиётнинг вазифасини синфлар манфаати билан боғлаган. Ўзи ҳам шу принципга асосан социал-сиёсий таҳлил йўлидан борган. Шу билан бирга адабиётни санъат сифатида яхши ҳис қилган, тушунган. Ушбу жиҳатлари учун кадрлаган. Мумтоз ва жаид адабиётига ижобий муносабати ҳам шундан келиб чиққан.

Кўриб ўтдикки, бу тўрт олимнинг адабиётга қарашда ўзаро яқин келадиган фикрлари ҳам, зид фикрлари ҳам мавжуд экан. "Соф санъат" тушунчаси (Ойбек ўз тақризида Фитратга нисбат берганидек) уларнинг бирортасида ҳам "соф" ҳолатда эмас. Фитратда адабиётни сўз санъати деб тушуниш билан бирга жаидчилик, туркчилик ғоялари билан синтез ҳолда акс этиши, В.Махмудда миллатни ғафлатдан уйғотувчи восита сифатида талқин этилиши, А.Саъдийда аниқ бир тўхтамнинг йўклиги, О. Ҳошимда адабиётни санъат сифатида ҳис этиш, кадрлаш баробарида синфийлик принципларидан ҳоли тушуна олмаслик ҳоллари юқоридаги фикримизни исботлайди.

¹ Ҳошимов О. Сўзбоши//Ўзбек адабиёти намуналари, С-Т. Ўз-нашр, 1928, VI-бет.

² Шарофиддинов О. Истиклол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. - Тошкент: "Шарқ", 1993, 132-бет.

³ Батафсил қаранг: Ҳошимов О. Адабий мерос ва Чигатой адабиёти//Қизил Ўзбекистон, 1929, 16 июл; Ҳошимов О. Жаид адабиёти тўғрисида - "Қизил қалам" мажмуаси, II-жилд, - Тошкент: 1929; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. ф. ф. н... диссертация, 1993, II боби.

Санъат ва санъат назариясига оид қарашлар Фитратнинг асосан иккита ишида ўз аксини топган. Буларнинг биринчиси "Адабиёт қоидалари" дарслиги.¹ Иккинчиси "Санъатнинг маншай" (келиб чиқиши) ҳақидаги мақоладир.²

Фитрат санъатга таъриф берганда, асосан унинг луғавий маъносидан келиб чиққан бўлса, санъат турларини белгилаш ва тасниф қилишда Оврупо назарийчилари билан ҳамфикр бўлган. "Адабиёт қоидалари"нинг услуб, адабий тур ва жанрлар; "эл адабиёти" каби бўлимлари кўп жиҳати билан татар адабиётшуноси О.Иброҳимов "Адабиёт қонунлари" (Қозон-1919)га яқин келадикки, бу икки асарни қиёсий ўрганмоқ керакка ўхшайди. Мавзуимиз кўпроқ Фитратнинг мумтоз адабиётга доир ишлари бўлгани учун ишда бунга ўрин беришга имкон йўқ. Бу фикрлар кўп жиҳатдан бугунги фан нуқтаи назарига ҳам мос келади. Ҳ.Болтабоев буни Г.Поспелов таҳрири остида чиққан "Адабиётшуносликка кириш" дарслигига қиёслаб, яхши кўрсатиб берган.³ Аммо Фитрат адабиётга бергани каби санъатга таъриф беришда ҳам ўта жўнлаштириш йўлидан борадими, оқибатда Ойбекнинг қатъий эътирозига учрайди.

Ойбек О.В. Трахтенбергнинг "Инқироз санъати – идеясиз, инқилоб санъати, аксинча – идеялидир" деган тезисига асосланиб, Фитрат таърифини ғоясизликда, санъатнинг "ижтимоий ҳодиса" (Луначарский) эканини тушунмасликда айблади. Шу ўринда Ойбек

¹ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Олдинги нашри: Фитрат А. Адабиёт қоидалари. (Адабиёт муаллимлари ҳам ҳавасмандлари учун қўлланма). - Тошкент: 1926 йил.; «Адабиёт қоидалари» китобининг «Санъат» деб номланган бўлими ҳақида Ҳ. Болтабоев диссертациясида батафсил тўхталганини назарда тутиб, асосан «Санъатнинг маншай» мақоласи устида фикр юритишни лозим топдик. Фақат баъзи керак ўринлардагина бу асарга мурожаат қилишимиз мумкин.

² Фитрат А. Санъатнинг маншай (келиб чиқиши)//Маъориф ва ўқитувчи, 1927, 5-сон.

³ Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиёти ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис., - Тошкент: 1996, 40-бет.

Фитратни бу таърифини "Муҳиддинбекнинг таърифта" ўхшатадики, бу турк адабиётшуноси, "Янги адабиёт" номли асар муаллифи – Муҳиддин афанди бўлса керак. Муҳиддинбек ҳақида О.Иброҳимовнинг "Адабиёт қонунлари"да (Қ.,1919,6-бет) маълумот бор.¹ Бизнингча, Ойбек Фитратнинг санъатга берган таърифини чуқурроқ таҳлил этганда, бу таърифда ижтимоийликдан том маънода узилиш ҳолати йўқлигига амин бўлган бўлар эди. Фақат Фитратда ижтимоийлик адабиёт ва санъатни ижтимоий онг шакли сифатида талқин этишда эмас, унинг ижтимоий муҳитда бажарадиган вазифаси (функцияси-«ўзгаларда ҳам шу тўлқунни яратмоқ»)га асосий эътиборни қаратиш шаклида акс этган. Бу, маълум маънода унинг жадидча қарашларининг ифодаси эди. Жадид адабиётининг ўзагида "ўзгаларга таъсир этиш" ётишини эслайлик. Акс ҳолда Фитрат ўз эътиқодига зид йўлдан борган бўлиб чиқар эди.

"Санъатнинг маншай" (келиб чиқиши) мақоласида санъат назариясига оид фикрлар ривожлантирилди. "Адабиёт қоидалари"да санъатга содда таъриф бериш билан чекланилган бўлса, бу мақола санъатшунослик таърихига экскурс қилиш, санъатнинг келиб чиқиши ҳақида мавжуд фикрларни ташхису таҳлил қилиш, баҳсларга киришиш ўлароқ илмийлик касб этди.

Фитрат санъатнинг ўта қадимий экани ҳақидаги мавжуд фикрларни, маълум (Франциядаги "Моделен" ғоридан топилган, мамонт расми туширилган тош, "Оврупа музаларида"ги турли осори-атиқа намуналари ҳақида) далилларни келтириб ўтгандан кейин: "Инсонлик тарихида бу қадар эски ўрун тутқон, санъатнинг пайдо бўлиши қандайдир? Бунга сабаб нима эмиш?", – деган савол қўяди.² Саволга жавоб тарзида бу масаланинг олимлар томонидан

¹ Ойбек.М.А.Т.ХIV том,- Тошкент: 1979,42-бет.

² Фитрат А. Санъатнинг маншай (келиб чиқиши)//Маориф ва ўқитувчи, 1927, 5-сон, 37-бет.

"турлича изоҳ этилиши, бундай қарашлардан бири – санъатнинг келиб чиқишини " диний туйғуларга боғлаб талқин этиш эканини таъкид этади. Экскурс мазмунидан ва баъзи очик эътирофлардан Фитратни баҳсга чорлаган бундай қарашлардан бири анимистик тушунчаларга асосланувчи Спенсер назарияси, иккинчиси психологик мактаб вакиллариининг қарашлари деган фикрга келиш мумкин.¹ Манбаларнинг гувоҳлик беришича, муайян даражада психологик мактаб билан боғлиқ бўлган Зигмунд Фрейд (1856-1939) асарлари 20-йилларнинг ўрталарига қадар рус адабиётшунослигининг эътибор марказида бўлган. Бу марксча назарияни фрейдизм билан мувофиқлаштиришга уринишларда кўринган. Жорий сиёсат эса психологик мактаб каби, фрейдизмни ҳам зарарли деб топган. Оқибатда бу назарияни марксизмга асосланиб, инкор этиш, танқид қилиш бошланган.² Ушбу ҳолат ўзининг барча зиддиятлари билан Фитрат мақоласида ҳам акс этган.

Фитрат санъатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги маълум назарияларни рад этиб, қуйидаги хулосаларни олдинга суради: "Шунинг учун буларнинг (санъат турлари ҳақида гап кетаяпти – У.Ж.) туғилишларини динга, маънавиятга эмас, моддий ҳаётга боғлаш мувофиқдир».³

¹ Маълумки, психологик мактабга немис олими Вильгелм Вундт (1832-1920) асос солган бўлиб, мазкур мактаб мифлар, туш кўриш ва галлюцинация каби психологик ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш негизида поэтик тадқиқнинг янги методини ишлаб чиққан. Рус адабиётшунослигида бу методнинг тадбиқ этилиши фольклоршунос-олим А.А.Потебня (1835-1891) номи билан боғлиқ. Унинг издошлари Д.Н.Овсянко-Куликовский, А.Г.Горифелдь, Б.А.Лезинлар бўлиб, ушбу метод, шўро сиёсати қатъий таъқиқлаган 20-йилларнинг ўрталаригача, рус адабиётшунослигида етакчи ўрин тутган. Фитратнинг шу йилларда Москвада ишлагани, шу кайфиятдаги олимлар (формал мактаб вакиллари) билан ҳамкорлик қилгани ҳисобга олинса, масала ойдинлашади.

² Фрейд З. Психология безсознательного, (Составитель, научный редактор, автор вступительной статьи М.Г.Ярошевский). М. Просвещение, 1989, с.3-4;9.

³ "Маориф ва ўқитғувчи", 1927, 5-сон, 40-бет.

Уни бу хулосага олиб келган омилларни кузатайлик. Мақолада мусиқа, тил ва сўз санъатининг келиб чиқиш сабаблари ҳақида сўз юритилаётиб, "инсонларнинг ҳайвонлик даври" (ибтидоий жамоа тузуми), "ўз-ўзни сақлаш" (яшаш учун кураш) "биргалашиб ов қилиш» (ибтидоий одамларнинг яшаш шарти) "диний туйғулардан йироқ бўлгон давр" (мифологик қарашлар пайдо бўлишидан бурун), "ритма" (меҳнат ритми асосида тил, адабиёт ва ҳ.к.ларнинг пайдо бўлиши)¹ каби сўз ва иборалар такрор-такрор учрайди. Буни марксча истилоҳлар билан солиштирганимизда фарқ фақат ифоданинг соддалигида эканини кўрамиз.

Эътирозлар туғилмаслиги учун далил келтирайлик. Фитрат мақоласида тилнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай ёзилади: "(Ибтидоий одамлар – У.Ж.) *ўз теграларида юргон ов ҳайвонларидан ёки турли йиртғувчи жониворлардан бир-бирига хабар бермак учун, бу товушлар бошда ниманинг, қайси ишнинг рамзи бўлгон эсалар, бора-бора, такрорлана-такрорлана шул нарсаларнинг мана шул ишнинг исми бўлдилар.*

Шундай бўлуб, одамларда энг биринчи сўзлар иш, меҳнат, ўзни сақлаш натижасида майдонга келган. *Бошда бу тилнинг сўзлари жуда оз бўлгон. Лекин бора-бора иқтисодий ҳаётнинг ўсуши билан бирга тилда ўсган, сўзлар кўпайган. Иштиқоқ йўллари кенгайган*».² Шу ўринда айтиб ўтиш керак: Фитрат адабиётнинг ("Халқ ашулалари" – Фитрат таъбири) вужудга келишини ҳам ушбу жараённинг давоми сифатида кўрсатади. Аммо унинг сўз санъатининг бошланишини фольклор билан боғлаши асосли бўлиб, дунё олимларининг фундаментал тадқиқотларида ўз исботини топгани билан изоҳланади.

¹ Қавс ичидаги сўзлар кўштирноқ ичидаги сўзларнинг марксча ифодаси.

² Фитрат А. Санъатнинг маншаи.//Маориф ва ўқитғувчи, 1927, 39-40 бетлар.

Энди юқоридаги фикрларга асос бўлган деб тахмин этилган жумлаларга эътибор қаратамиз: *"Уюшган кишилар шу даражага етдиларки, уларда бир-бирларига нималарнидир айтиш эҳтиёжи тугилди. Бу эҳтиёж ўзига керакли органни вужудга келтирди: Маймуннинг тараққий қилмаган ҳиққилдоги аста-секин, лекин тўхтовсиз модуляция йўли билан борган сари тараққий қилган модуляция учун ўзгариб турди. Оғиз органлари аста-секин аниқ-равшан товушлар чиқаришни ўрганди"*.¹ (Барча таъкидлар бизники – У.Ж.).

Ушбу назария тўлиқ амалда бўлган жамиятда бу қарашлар шундай аниқ тезисларда ифода топдики, бу айнан Фитрат адашган йўлнинг интиҳоси эди: *"...инсон нутқи ижтимоий меҳнат процессида ибтидоий одамларнинг ўзаро алоқа қилиши ва фикр алмашинувига бўлган эҳтиёж натижасида пайдо бўлди"*.²

Агар ушбу далиллар Фитрат марксизм назариясига мурожаат этган экан деган фикрнинг исботи учун етарли бўлса, энди масаланинг юқорида айтганимиз "зиддиятлар" билан боғлиқ иккинчи томонига ўтсак.

Юқорида ҳам кўрдикки, марксча адабиётшунослик ўз табиатида зид бўлган – инсон руҳиятини ижтимоийликдан ҳоли индивидуал хусусиятлардан келиб чиқиб таҳлил қилувчи назариялар билан келишолмайди. Яна бир мисол: ритмнинг табиий ҳодисалар билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар шўро адабиётшунослигида шундай баҳоланган эди: *"биологик ритм бўлган юрак фаолиятининг ҳаракати денгиз тўлқинларининг даврий ҳаракати билан ёки меҳнат жараёнидаги ритм билан боғлиқ (таъкид бизники – У.Ж.). (К.Бюхлер) деб ҳисобланади. Бу фикрлар, шеърий ритмнинг*

¹ Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар, II-том, - Тошкент: Ўздавнашр, 1959, 83-бет.

² Мирзаев М., Усмонов С., Расулов У. Ўзбек тили, Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 9-бет.

моҳиятини вульгар изоҳлашдан бошқа нарса эмас".¹ "Санъатнинг маншай" мақоласида ҳам ички мантикий зидликка йўл қўйиш, айнан шу – ритм масаласида содир бўлган, яъни Фитрат ҳам бу масалага К. Бюхлер каби ёндашган ва ўзи асосланган назарияга зид фикрни айтган эди. Кўчирмага диққат қилайлик: "*Хоҳ рақс чогида, хоҳ иш чогида "оҳ-ух", "хайт-хуйт" товушларининг ибтидоий бир оҳанг билан, ритма билан чиқиши маълумдир. Рақс замонида ёлғиз ҳалиги товушлар эмас, нафас олиш ҳам рақс ҳаракатларининг ритмасига тобе бўлуб қоладир*"² (таъкид бизники – У.Ж.).

Бу бир далил, иккинчи далил ҳам биогенетик назария билан боғлиқ. Мақолада рақс санъатининг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзилади: "Инсонларда, ҳатто ҳайвонларда энг катта бир шодликнинг бергани ҳаяжони, таъсири кўрунган бу сакраб-ўйнашлар, шубҳа йўқки, рақснинг илк бошланғич шаклидан бошқа нарса эмасдир. Мана шу тонуклар кўрсатадики, инсонлар ҳали ҳайвонлик даврида яшағонда, ҳайвонлик давридан инсонлик даврига ўтишнинг биринчи пайтларида, яъни диний туйғулардан жуда ҳам йироқ бўлгонларида рақснинг бошланғичи деганимиз, ҳалиги сакраб-ўйнашлар улар орасида бор эди".³ Мана шу келтирган кўчирманинг ўзида марксча назарияни ёқлаб туриб инкор этиш, номарксча назарияни эса инкор эта туриб ёқлаш ҳолатига, яъни фикрий зиддиятга йўл қўйилган.

Зигмунд Фрейд психоанализида, инсондаги кўчирмада келганга ўхшаш сакраб ўйнаш каби онгдан ташқари (ғайришуурий)

¹ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, - Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 273-бет.

² "Маориф ва ўқитғувчи", 1927, 5-сон, 39-бет.

³ Шу манба - 39 бет.

холоатлар "безсознательное", термини билан бериладики,¹ бунинг марксча назарияга ётлигини ва Фитратда юз берган фикр зиддиятини яна бир марта такрорлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ушбу фикрларимизни қуйидагича хулосалаш мумкин: а) Фитратнинг "Адабиёт қоидалари"да акс этган санъат ҳақидаги фикрлар жўнроқ (ноилмийроқ) моҳият касб этган. Бунинг бош сабаби санъатни асосан "соф санъат сифатида, ва, қисман жаидча позициядан талқин этиш бўлса, ёрдамчи сабаби қўлланманинг "адабиёт ҳавасмандлари"га мўлжалланганидир.

б) Шундан сўнг Ойбекнинг ўринли-ўринсиз эътирозларига учраган Фитрат кейинги ишида марксча назарияга асосланишга уринган, аммо ўзидаги шоирона таъб, жаидча дунёқараш, Москвада ўзлашган турли фикрларга қўшилиб, асосий масалаларда мантикий зидлик келиб чиқишига сабаб бўлган.

Фитратнинг замондошларидан А.Авлоний ҳам санъат ҳақида мақола ёзиб, қабила-уруғчилик даврида ғорларда яшаган инсонлар кўрган нарсаларининг шаклини тошларга ўйиб ишлашлари, турли ҳайвонлар шаклини чизишга интилишлари рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатини туғдирган деган фикрни олдинга сурган эди. Тил ва сўз санъатининг (кўшиқларнинг) келиб чиқишини эса турли табиий овозларга (қушларнинг сайраши, шаршараларнинг овозлари каби) таклид қилишдан келиб чиққан деб тушунтирган эди.²

Адабиётшунос Б.Дўстқораев Авлонийнинг бу қарашларини "соғда материалистик"³ деб талқин этадики, мазкур фикр соғда

¹ Фрейд З. Психология безсознательного, М.: Просвещение, 1989, с.440-442. "Рух таҳлилига" оид луғатда "безсознательное" қисқача ибора билан "ўзга номаълум ўзлик", деб изоҳланади. (Чарльз Ройкрафт "Критической словарь психоанализа", Санкт-Петербург, Восточно-Европейский институт психоанализа, 1995 г., с.13-14.

² Авлоний А. Саное нафиса//Инкилоб, 1922, 1-сон, 41-бет.

³ Дўстқораев Б. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи.- Тошкент: ТошДУ, 1989, 61-бет.

материалистик ва товушга таклид деб тўлдирилишга муҳтож.¹ Авлоний қарашлари маълум хусусиятлари билан Фитратга яқин келса ҳам, ўзига хос соддалиги ва фикрий бутунлиги томонидан ажралиб туради. Ушбу қарашлар баъзи жиҳатлари билан антик давр философи Демокрит қарашларига ҳам монандки, бу Авлонийнинг мазкур қарашлардан ҳам воқиф бўлганини кўрсатади.²

Абдурахмон Саъдий санъатнинг моҳиятини шундай тушунтиради: "Гўзал санъат оҳанглик сўзларни ҳаракат ва қилиқлар, товушлар, чизик ва ранглар, шакллар орқали бир куч, ҳаяжоннинг ташқарига чиқарилишидир".³ Бу содда таъриф кўп жиҳатлари билан Фитрат ва Авлонийлар фикрига монанд бўлса ҳам, бошқа томонлари билан Отажон Ҳошимга яқинлашади. Бу кишилик жамиятда турли, "мақсаду ғоялар"нинг мавжуд бўлиши ва санъатни шундай ғояларни акс эттирувчи восита сифатида баҳолашда кўринади.⁴

Бироқ олим орадан кўп ўтмай бу фикрига ҳам қарама-қарши тезисни илгари сурди. А.Авлоний ижоди санъат нуқтаи назаридан тафтиш этилган ушбу жумлаларга эътибор қилинг: "Унинг (Авлонийнинг – У.Ж.) тизмаларида сиз қанча шеър изласангиз, шунча фикр ҳам ваъзга учрарсиз, унда ҳамон бол ўрнига қора нон еярсиз".⁵

¹ Авлоний ўз қарашларида Оврупа ва Рус санъатшуносларининг фикрларига асосланган. "Товушга таклид" назарияси шу минтақаларда юзага келган. Ушбу назария адиб қарашига яқинроқ бўлгани учун, бунга асосланган бўлиши эҳтимол.

² Овсянников М.Ф. Эстетика: в прошлом, настоящем и будущем. - М.: "Просвещение", 1988, с. 15-16. (Демокрит ҳам санъатнинг пайдо бўлишини турли паррандалар ва ҳайвонларнинг фаолиятига таклиддан келиб чиққан деб тушунтиради).

³ Саъдий А. Гўзал санъат дунёсида//Инқилоб, 1922, 2-сон, 41-бет.

⁴ Саъдий А. Чигатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари//Инқилоб, 1922, 9-10-сон.

⁵ Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари (М. Бехбудий теграсида йиғилган ёзгучилар). Б. Каримов нашрга тайёрлаган. //Ватан. 1996, 5 декабр.

Ушбу фикрий зиддиятларни қуйидагича тушуниш мумкин. **Биринчидан**, А. Саъдий санъатнинг ҳар қандай турини инсоний туйғулар ("ҳаяжон" – А.С.)нинг ифода воситаси деб билди; **иккинчидан**, туйғулар табиатига зид равишда санъатни ижтимоий муҳит, синфий ғояларнинг қуроли сифатида кўрсатди; **учинчидан**, ўзининг бу фикрига ҳам қарши бориб, ижтимоий шеърлар (Авлоний)ни танқид қилди. Кўринадики, бу масалада ҳам Саъдий ягона позицияда тура олмаган.

Отажон Ҳошим қатъий суратда санъатни ҳукмрон мафкура-нинг ташувчиси деб билди. Бу тушунча олимнинг санъат ва адабиётга қарашларини белгилади. "...Эски маданий меросда, – кўб нарса феодализм, капитализм фикрига боб қилинган, бу жамиятда ҳукм сурган синфларнинг руҳи киритилган". Бундай фикрлар, айниқса, услуб масалаларининг баёнида яққолроқ зуҳур этган: "Ҳар бир услубнинг умумий характери, ҳар вақт маълум даврнинг ижтимоий ва руҳий хусусияти билан белигаланadi. Бир адабий услуб, асосий ғояси эътибори билан, маълум тарихий даврдаги жамиятнинг ижтимоий-руҳ турмушининг махсус (адабий) таъбиридир".¹ Бирок футуризмга муносабатда олим ички "мен"идаги санъатсеварлик балқиб чиққанки, бу унинг футурист шоир Олтой ижодини "пролетариат учун вақтинча бир адабиёт" деб баҳолашга олиб келган.²

Демак, олим санъатнинг келиб чиқиши, моҳияти, вазифасини белгилашда синфийлик позициясида туради. Аммо пролетариат адабиётининг қуруқ гудогу, "тарақа-турук"лардан иборат бўлишини

¹ Ҳошимов О. Сўзбоши//Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд С-Т., Ўзнашр, 1928, V-VII бетлар.

² Ҳошимов О. Сўзбоши//Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд , С-Т., Ўзнашр, 1928, V-VII бетлар.

ҳам инкор этади.¹ Бадииятда юксак бир адабиёт сифатида кўришни истайди, шуни талаб қилади.

Хуллас, санъат назарияси, унинг моҳияти, вазифаси ва келиб чиқиши масалаларини 20-йиллар илмий жамоатчилиги турлича талқин этганлар, турли нуқтаи назардан ёндашганлар. Бу борада умумий фикр яқинлиги ҳам йўқ эмас. Масалан, уларнинг барчасида санъатнинг моҳияти туйғуларга (бадий-эстетикага) боғланади. Ўзаро зид фикрлар эса уларнинг дунёқарашларини шакллантирган ички ва ташқи факторлар билан изоҳланади.

б) Адабий меросга муносабат

Фитрат ўзининг "Ўқу" (ўқи)², дарслигида тарихни "ибрат олмақ" воситаси деб таърифлаган эди. Ушбу ақидасига содик

¹ Футуризм асримизнинг 10-йилларида Россияда юзага келган адабий оқим бўлиб, икки тармоққа эга бўлган. Уларнинг бири эгофутуристчилар; иккинчиси, кубофутуристчилардир. Буларнинг фикрича, бадий асарда сўзнинг маъноси эмас, балки товушлар жарангдорлиги асосий роль ўйнайди. Рус шоири В.Маяковскийнинг маълум муддат шу оқимга эргашгани, шаклшунослик мактаби вакиллариининг қарашларида ҳам шунга яқин фикрларнинг борлиги бу оқимга юзаки ёндашмоқ нотўғри эканини, чуқур ўрганиш лозимлигини кўрсатади. 20-йиллар ўзбек шеъриятида эса бу оқим қарашлари тўла маълум бўлмаган. Олтой каби шоирлар ижодида эса юзаки бир тақлид сифатида намоён бўлгани учун ҳам О.Ҳошимни қониктирмаган бўлиши мумкин.

² Фитрат А. Ўқу (ўқи), Боку, 1917, 52-бет. Мазкур дарсликнинг асосий қисмларини "Ватан"газетаси (1996 йил, 19-20 сонлари)да эълон қилдирган эдик. Китобнинг "Ўқу" деб номланиши баъзи бир тушунмовчиликларга, эътирозларга сабаб бўлди. (Бу ерда шоир А.Орипов томонидан билдирилган мулоҳазаларни назарда тутаямиз. "Ватан" г., 1996 й., 21-сон). Бунинг изоҳи нашрга ёзилган сўзбошида акс этган бўлса ҳам, баъзи қўшимчалар қилиш зарур кўринади. Бизгача барча манбаларда дарслик "Ўқув" шаклида бериб келинди. Тилшунослик қоидаларига кўра эса ўқув ҳаракат номи бўлиб, ўқимоқ деган маънони беради, яъни иш-ҳаракатнинг маълум замонга ёки маконга муносабатини белгиламайди. Китоб бошдан-охир илмга, мактабга тарғиб руҳида бўлгани учун унинг сарлавҳаси ҳам бу руҳни ифодалаши табиий. Шу сабаб биз "Ўқу" (ўқи) буйруқ феъли дарслик характерини тўлиқроқ ифодалайди деб ҳисобладик. **Иккинчидан**, китоб рус тилига "Читай" деб таржима қилинган (манбанинг 62-саҳифаси). Таржима асар руҳини тўла қамрай олмаса-да, биз тўғри деб топган "ўқи"ига яқин маънони ифодалайди. **Учинчидан**, баъзи сўзлар таркибида "у"нинг ўрнида "и", "и"нинг ўрнида "у" қўлланиши 10-20 йиллар имлосига хос ходиса. (Масалан: Қарши-қаршу. ўқи-ўқу; ёмғир-ёмғур; надир-надур в.х.к.). Дарвоқе, ўқи сўзини ўқу шаклида А.Авлоний ҳам қўллаган экан.

қолиб, адабиёт тарихини ҳам ибрат манбаи деб билди. Мумтоз адабиётга муносабати ҳам шу негизда шаклланди. "Чигатой гурунги"даги амалий фаолият, илмий имкониятнинг деярли шу йўлда сарфланишининг ўзи ҳам бу фикрларни далиллайди, ривожлантиради, тўлдиради.

Фитратнинг адабий меросга муносабати "Шеър ва шоирлик" (1919) мақоласидаёқ кўзга ташланган эди. Бунда олим мумтоз адабиётга хос туркум хусусиятларни ижтимоий-адабий ҳодисаларга боғлаб тушунтиради. Хусусан, илк мусулмонлик даври адабиётини "иярув адабиёти" деб атаганда,¹ турк адабиётига араб-эрон шеър қоидаларининг истисносиз олиб кирилишини кўзда тутган, буни ёқламаган эди. У бундай хулосага араб, эрон, турк тиллари хусусиятларининг аруз вазни қоидаларига мос келиш даражасини ўрганиш, муқояса қилиш орқали келган эди.

"Адабиёт қоидалари"да эса бундай фикрлар ривожлантирилди. Буни олимнинг баъзи турк адабиётчилари билан баҳси мисолида кўриб ўтамиз.

Олимга усмонли шоири Тавфиқ Фикратнинг "Ёғмур" (ёмғир) шеъри вазни (мутақориб мусаммани максур) бу табиий ҳодиса билан уйғунлик қасб этади дейилган фикрлар мантиқсиз бўлиб туюлади. "Чунки, – деб эътироз билдиради Фитрат – Тавфиқ Фикратнинг ғафсатғувчи² вазнида форс шоири Фирдавсий ўзининг

Ўқуғон жоҳил ўлмазди,

Ўқу, эй хушфиғон булбул –

("Булбул" шеъридан, А.Авлоний. Ўсон миллат, (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: Б.Қосимов, Ш.Ризаев) - Тошкент: "Шарқ", 1993, 18-19 бетлар.

Ҳатто 20-йилларда ҳам "ўқи" феълини "ўқу" шаклида қўллаш давом этганини далиллар кўрсатмоқда. Саъдий "Гўзал санъат дунёсида"//Инкилоб - 1922, 2-сон, 39-бет). Айнан: "ўқиган" сўзи "ўқуғон" шаклида ёзилган.

¹ Фитрат А. Шеър ва шоирлик.//Иштирокиюн, 1919, 25 июл. Қайта нашри//Туркистон, 1993, 1 июл. (нашрга тайёрловчи: Ж. Худойбердиев).

² "Навоий луғати"да "ғавс"нинг икки маъноси берилган 1) Улуғ мадақкор; 2) шўнғиш; шўнғимок. Гарчи бу иккаласи ўзаро боғлиқ бўлса-да, Фитратдан келтирилган матнга иккинчиси мос келади.

"Шоҳнома"сини ёзгон... Навоий ҳам шул вазнда ўзининг "Искандарнома"сини ёзгон.¹ Онда буюк уруш майдонларини бутун фожеалари билан кўрсатғондир"лар. Шунинг учун "бизнинг тилимизни форсий-араб сўзлари билан тўлдирмагонча, бу вазндарни усталик билан ишлатиб бўлмайди"² (эътибор қилинг: етти йил олдинги ("Шеър ва шоирлик" – 1919) қараш деярли ўзгармаган). Кейинчалик Аруз ҳақида" китобида бу муносабат баъзи ён беришлар билан давом этди.³ Арузнинг туркийлаштирувчи "чирманда усули"нинг ишлаб чиқилиши билан эса яқун топди. Демак, Фитратнинг мумтоз адабиётга муносабати кўп ҳолларда арузга туркона ёндашиши билан боғлиқ. Бу биринчи томони.

Фитрат "Ўзбек адабиёти намуналари"да мумтоз адабиёт таркибидан: "Халқимизнинг, ўлкамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳоллариға оид хабарларни...истаб топиш жуда қийиндир", деб ёзди.⁴ Аммо шунга қарамасдан, бу адабиётни ўрганиш лозим. Чунки, биринчидан, уни ўрганиш орқали ўтган тарихимиз ҳақида тасаввур оламиз; иккинчидан, уларнинг "тарихий санъатларини текшириш", тажрибаларини ўрганиш орқали янги пролетар адабиётини вужудга келтириш мумкин. Бунда олимнинг ўта устамонлик билан адабий меросни ўрганишга йўл очаётганини англаб олиш қийин эмас. Шу маънода И.Ёқубовнинг⁵ "...Чигатой адабиётига муносабатда А.Фитратнинг бутун муросаю мадоралар ичида балқиб турган қарашлари масаласининг ўша пайтдаги энг тўғри

¹ Бу ерда А.Навоийнинг "Садди Искандарий" достони кўзда тутилмоқда.

² Фитрат А. Адабиёт қоидалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 47-48 бетлар.

³ Батафсил қаранг: Фитрат. Аруз ҳақида. - Тошкент: Фанлар комитети. нашр., 1936, 18-20 бетлар.

⁴ Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари, С - Тошкент: Ўздавнашр, 1928, XII-бет.

⁵ Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти, ф.ф.н....дис. автореф. - Тошкент: 1993, 16-бет.

ечими бўлган эди..." деган фикри юз фоиз ҳақ. Таассуфки,.. "муросаю мадора" йўли ҳам давр машинаси олдида дош беролмади. Янгидан-янги сиёсий танқидлар, асоссиз айбловларга йўл очди, холос.¹

Фитратнинг мумтоз меросга муносабати, **биринчидан**, арузга ёндашиш принципи билан боғлиқ; **иккинчидан**, замон мураккабликлари билан изоҳланадиган баъзи ён беришлар ҳам, унинг мумтоз меросга бўлган муҳаббатига, унга ижобий қарашига соя сола олмаган.

Мумтоз мерос намуналарини замонга мувофиқлаштириб сақлаб қолишда Отажон Ҳошимнинг ҳам маълум роли бор. Тадқиқотчиларнинг эътирофларидан, қолаверса, асарларидан фаҳмласа бўладики, кўпгина ижтимоий фанлар ҳамда сиёсий билимда (Ўзбекистон миқёсида) унга тенг иккинчи шахс бўлмаган. У ўз ишларида, асосан Фарб назариятчиларининг асарларига таянган. Мумтоз адабиёт масаласида Маркс, Энгельс, Ленинлар каторида Плеханов, Фриче, Луначарскийларга мурожаатини кўрамиз. Пролетариат адабиёти ўзигача бўлган адабиётнинг меросхўри бўлиши лозим, аммо адабий меросдан керакларини олиб, пролетариатга мос келмаган томонларини олмаслик керак деган фикрларда Лениннинг "адабий мерос" ҳақидаги қарашларига суянади. Унинг қарашларини тўғридан-тўғри адабиётга татбиқ этиш керак, деб билади. Аммо ўзи тўғри деб билган баъзи масалаларда Плехановдек устозлари билан ҳам баҳс этишдан тоймайди.

Масалан, Плеханов "соф санъат" ўзаро ички курашлар туйғули юзага келган деса, О.Ҳошим бу фикрнинг Чигатой адабиётининг ривожланиш тамойилларига мос эмаслигини исботлаб кўрсатди.²

¹ Бу ерда Ж.Бойбўлатовнинг "Ўзбек адабиётида чигатойчилик» мақоласи кўзда тутилмоқда//Қизил Ўзбекистон, 1929, 3-сон.

² "Ўзбек адабиёти намуналари". - Ўзнашр, 1927, VIII-бет.

Демак, у масалага вульгар-социологиянинг баъзи вакиллари каби кўр-кўрона ёндашмади. Бундан уни чуқур илми ва истеъдоди сақлаб қолди. Чигатой адабиёти намуналарини нашр эттириш ва асраб қолишда у "ўрта йўлни" топди. Бу ҳам унинг ақлзаковатидан далолат. "Ўзбек адабиёти намуналари"га ёзган сўзбошиси эса, адабиётимиз тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга.

20-йилларда А.Саъдийнинг имом Ғаззолий, Форобий, Аҳмад Яссавий каби буюк Шарқ мутафаккирларига бағишланган туркум мақолалари эълон этилган. "Чигатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари" мақоласида эса қадимги битиктошлардан "Кутадғу билик"кача бўлган даврни тадқиқ қилган. Мақола мундарижасида "Тукю даври, илк мусулмонлик, арабчилик даври" каби атамаларнинг учраши ҳам фикримизга далилдир.¹ (Ушбу мақоланинг биринчи қисми "Инқилоб"нинг 1922 йил, 7-8 сонларида нашр этилган бўлиб, унда асосан, Чигатой адабиёти, Темурийлар, Шайбонийлар даври адабиёти ҳақида гап кетади.)

Энди масаланинг ҳал этилиш даражасига келсак. А.Саъдий турк адабиётининг шаклланиши, ривожланиши босқичларини ижтимоий муҳит, иқтисодий шароит билан боғлайди. Яна бир шарт сифатида "фикрлар қарама-қаршилиғи" (синфий кураш)ни олади. У адабиётнинг тарихийлик тамойилига, тил ва услуб масалаларига ҳам эътибор қаратган. Масалан, Ўрхун-энасой тошбитиклари хусусида шундай ёзади: "Бу ҳайкалларда умуман туркларнинг футухоти, қаҳрамонлиқлари, ғалабалари, давлат идораси усуллари баён ва тасвир этиладир. Ҳам Кул Тегин, Билга Қооннинг ҳодимат ва ботурликлари тасвир қилинадир".²

¹ Саъдий А. Чигатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.//Инқилоб, 1922, 9-10 сон, 174-177 бетлар.

² Саъдий А. Чигатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.//Инқилоб, 1922, 9-10 сон, 174-177 бетлар.

Кўчирмадаги "баён" ва "тасвир" сўзларига эътибор қилайлик. Тадқиқотчи бу ерда "баён"нинг ўзи билан ҳам чекланиши мумкин эди. Нима учун "баён" сўзининг ёнига "тасвир" сўзини ҳам қўшиб ишлатди? Бизнингча, у "баён" сўзи билан битиктошни тарихий асар деб белгиласа, "тасвир" сўзи орқали унинг бадиий асар эканини таъкидлайди. Демак, у битиктошдаги бадиий хусусиятларни ҳам кўра билган. Асар жанрини эса, "Қаҳрамонлик достони" деб белгилайди. Бунинг кейинча профессионал тадқиқотчилар томонидан: "туркий халқларнинг қисқача сиёсий тарихи", "қаҳрамонлик, жанговарлик" қўшиқлари деб баҳоланиши,¹ Саъдий фикрларининг ҳақлигини кўрсатади.

Яна олим "Қутадғу билик" асарининг тилида арабчилик таъсирининг камлигини айтади. Бунинг исботи учун, асар таркибида ҳаммаси бўлиб тўқсон иккита арабча-форсча сўз кирганлигини кўрсатади. Ушбу асар эса жанр жиҳатдан "ахлоқий-таълимий" деб белгиланади.

А.Саъдий ўз ишига Г.Гельмут таҳрири остида чиққан "Кишилиқ тарихи", Н.Осимбекнинг "Турк адабиёти тарихи", В.О.Пановнинг "Ўрта Осиё халқлари тарихи" китобларидан методологик асос сифатида фойдаланган.

Хуллас, А.Саъдийнинг адабий меросга муносабатда бир неча принципларга амал қилганини кўриш мумкин:

- а) ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чикди;
- б) ташқи таъсирларни эътиборга олди;
- в) тил ва услуб масалаларини ҳам назардан қочирмади.

Адабий меросга 20-йиллардаги умумий муносабатни шундай кўрсатиш мумкин: **биринчидан**, бу муносабат 10-йиллардаёқ шаклланган; **иккинчидан**, мумтоз меросни оммалаштириш, тадқиқ этиш мақсадида "Чигатой гурунги" каби ташкилотлар самарали иш

¹ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I том. - Тошкент: "Фан", 1978, 74-бет.

олиб борганлар, учинчидан, 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб сиёсий муҳит ўзгарса ҳам, етакчи олимлар мумтоз адабиётни сақлаб қолиш йўлидан борганлар ва илмий-амалий фаолиятлари билан ўз қарашларини олдинга сурганлар.

в) Даврлаштириш масалалари

Адабиёт тарихини даврлаштириш масаласи бугунгача тўла ҳал бўлмаган. Бунга дастлабки уринишлар эса 20-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Биринчи бўлиб ушбу масалани Фитрат кўтариб чиққан эди. Бу табиий зарурат бўлиб, Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари"да ҳаминқадар ечимини топган.

Бу ҳаракат шу йилларда турк, татар, озарбайжон ва рус адабиётида ҳам бошланган эди. Фитратшунос Ҳ. Болтобоев ўз ишида буни алоҳида таъкидлаб, турк олими Фуод Кўпрулуниги қуйидаги даврлаштириш принципига эътиборимизни тортади.

1. Исломиятга қадар турк адабиёти;

2. Ислом маданияти ва таъсиридаги турк адабиёти.

3. Оврупа маданияти остида бўлган турк адабиёти.¹ Унингча, Фитрат бу даврлаштиришни ёқламаганига сабаб: "умумтурк адабиётининг ички таракқиёт қонунларидан кўра ташқи таъсирларга ўрин берилгани"дадир.²

Бизнингча, бу фақат масаланинг бир томони. Яъни, Фитратнинг турк олимидан бошқачароқ даврлаштиришга сабаб шугина эмас?

"Ўзбек адабиёти намуналари"да асосан, учта катта давр камраб олинган.³ Бироқ китобга ёзилган сўзбоши ва кейинги

¹ Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д...дис.авторереферати,- Тошкент: 1996,29-бет.

² Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д...дис.авторереферати,- Тошкент: 1996,29-бет.

³ "Ўзбек адабиёти намуналари" (С-Т.,Ўзнашр,1928) I жилдининг биринчи бўлими "Қабилавий адабиёт намуналари" деб номланиб, қуйидаги асарларни ўз ичига олади:1)"Чистоний Элигбекнинг ҳикояси"(20-25 бет); (Асарнинг бу вариантдан Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида фойдала-

тадқиқотлардан англаш мумкинки,¹ Фитрат адабиёт тарихини беш даврга ажратган:

1. Қабилавий адабиёт
2. Феодализм даври адабиёти
3. Савдо сармояси даври адабиёти
4. XVI асрдан кейинги давр адабиёти.
5. Жадиличлик даври ва инқилобдан кейинги давр адабиёти.

Фитрат сўзбошиси ("Ўзбек адабиёти намуналари")да таъкидланишича, бундай даврлаштириш қатъий эмас. Чунки "қабилавий", "феодализм", "савдо сармояси" каби ижтимоий формациялар туркий адабиёт ривожланган минтақаларда бир текисда ҳукм сурмаган. Шу сабабли бўлса керак, асарларни тақсимлашда, хронологик тартибга риоя қилинмасдан, асосан уларнинг мундарижасига, мазмунан қайси даврни акс эттиришга эътибор қилинган.² Масалан, "Девону луғатит турк"дан "ов" ва "қабилалараро уруш-

нилган. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1976, 46-47 бетлар); 2) "Девону луғатит туркдан: Ов урушлари" (25-33 бетлар); 3) "Алпомиш дстонидан парчалар" (33-43 бетлар). Иккинчи бўлим "Феодализм даври адабиётининг намуналари": 1) "Ўрхун ёзувларидан намуна" (50-58); 2) "Китоби Дадакўрқуддан" (58-68); "Девону луғат"дан таълимий парчалар" (68-70). Учинчи бўлим - "Савдо сармояси даври адабиётининг намуналари": 1) "Қудатқу билик"дан (79-87 Фитрат "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг 1925,2-сонидан (70-бет) ушбу асарнинг В.Радлов томонидан "Қудатқу билик" шаклида нотўғри ўқилганини исбот этган эди. Ушбу манбада китоб номининг яна шу тарзда берилиши нашриётнинг айби билан бўлса керак.); 2) "Айбатул ҳоқойиқ"дан (87-95) 3) "Аҳмад Яссавий ҳам Боқирғондан" (97-104); 4) Рабғузийнинг "Қиссасул анбиёсидан (104-112); 5) "Мифтоҳул адл"дан (112-124); 6) Дурбекнинг "Юсуф Зулайҳо"сидан (124-140); 7) Лутфийнинг "Девон"идан (140-149); 8) Отойи "Девон"идан (151-158); 9) Хусайн Бойқаро "Девон"идан (158-167); 10) Навоий асарларидан парчалар (170-276); 10) Бобирнинг шеърлари ва "Бобурнома"сидан парчалар (277-319).

¹ Бу ерда Фитратнинг "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш" мақоласидаги фикрлар кўзда тутилмоқда. // Аланга, 1929, 8-9 сон, 6-7-8 бетлар. (Ушбу мақолада салтанатининг парчаланиши, таназзул тафсилотлари, тарих сахнасига чиққан янги хон - Шайбоний давридан кейинги адабиётда юз берган турли ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади. Шайбонийхон, Умархон даври адабий муҳитидаги ижодкорлар Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва унинг атрофидаги шоирлар хусусида гап кетади.)

² Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. С-Т., Ўзнашр, 1928, 17-18 бетлар.

лар"ни акс эттирган парчалар "Қабилавий адабиёт намуналари" таркибига киритилгани ҳолда, мазкур манбадан исломий-маърифий асарлар "феодаллик даври адабиёти намуналари" сифатида тақдим этилади.¹ Бундай фикрни "Китоби Дадақўрқут", "Алпомиш" асарлари хусусида ҳам айтиш мумкин. Маълум бўладики, бу турли ноқулайликларга олиб келган. Шу сабабли Фитратга ҳам бундай даврлаштириш унча маъқул келмаган.

Ушбу масала нисбатан кейинги даврларда ҳам олимлар олдида қийинчиликлар туғдирган. Бу ҳақда проф. А.Хайитметов сўзларига эътибор қилинг: "Қарийиб икки минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек адабиётини даврларга бўлиш ҳали фанда қатъийлаштирилган эмас... Ўрта Осиёда феодал тузуми ҳукмронлиги энг узок даврни -VI асрдан XX асргача бўлган муддатни ўз ичига олганидан, ўтмиш ўзбек адабиёти тарихининг даврлари ҳам шу тузум доирасида, унинг турли даврлари – бу тузумнинг пайдо бўлиши даври, ривожланиш даври, кризисга учраган тузум даврлари, нисбатан жонланган даврлари ва, ниҳоят, ҳар томонлама таназзулга юз тутган даврларга тўғри келади ва маълум даражада ўзида шу давр хусусиятларини акс эттиради. Айни вақтда, ҳар давр айрим адабий ёдгорликларга қараб, уларни шу даврни белгилайдиган хусусиятларига қараб даврлардан фарқланган ва ажралган бўлиши керак. Мана шу маънода ушбу китобда адабиётимизнинг X асргача бўлган даври қадимий давр деб олинган».²

Натан Муродович Маллаев ҳам: "адабий оқимлар ўртасидаги кураш, адабий услуб, адабий хил (тур демоқчи – У.Ж.) ва жанрларни ўсиши» каби кўплаб факторларга суянган ҳолда қуйидагича даврлаштиришни тавсия этади:

¹ Шу китоб - 25-33; 68-70 бетлар.

² Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I том, Тошкент: "Фан": 1978, 16-17 бетлар.

1. Энг кадимий адабий ёдгорликлар.
2. X-XII асрлар адабиёти.
3. XIII-XIV аср бошларидаги адабиёт.
4. XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган адабиёт.
5. XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган адабиёт.
6. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиёт.¹

Демак, икки йирик олим ҳам даврлаштиришнинг хронологик йўлини маъқул топганлар. Бизнингча ҳам жорий даврда энг тўғри даврлаштириш шу эди. Бугунги кунга келиб, даврлаштириш борасида баъзи уринишлар бўлдики, бу ҳам айнан замон эврилиши билан боғлиқдир.²

Фитратнинг даврлаштириш муаммоларига дуч келишининг икки хил изоҳи бор. **Биринчидан**, бу масала илк бор қўйилгани. Маълум қонун қоидаларнинг мавжуд эмаслиги. **Иккинчидан**, ижтимоий шароит олдиға қўйган кескин талаблар. Бунға адабиёт-шунос ҳам амал қилиши шартлиги. Академик Иззат Султоннинг хотирлашича (Фитрат унинг илмий раҳбари бўлган), Фитрат уларға адабий-илмий билимларни бераркану, марксча талқин этишни ўзларига ҳавола этаркан.³ Бундан изоҳнинг учинчиси келиб чиқади. Бу Фитратнинг марксча методологияни эътибор қилиб ўрганмагани ёхуд адабиётға татбиқ этишни хохламаганидир. (Дарвоқе, олимнинг ўзи ҳам бунға "Марксизм адабиётидан" таржималар йўқлигини сабаб қилиб кўрсатган эди. Фитрат - "Чин севиш", - Тошкент: 1996, 250-бет).

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи, - Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 8-бет.

² Бу ерда проф. Б.Қосимов ва доц. А.Расуловларнинг уринишлари кўзда тутилмоқда. А.Расулов кейинги ишларида мумтоз адабиёт тарихини уч даврға бўлиб ўрганишни таклиф этадики, бу нисбатан, янғича ёндашувдир. Қаранг: "Ўзбек адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари", - Тошкент: Университет: 1997, 3-бет.

³ Тошкент, Навоий кутубхонаси, "Нодир китоблар бўлими", 1995, 27 март.

Шундай бўлишига қарамасдан, Фитрат даврлаштиришда нега ижтимоий формацияларга асосланди? Бу бизнингча, Отажон Ҳошимнинг маслаҳати билан юзага келган кўринади.

Отажон Ҳошим даврлаштириш масаласи билан махсус шуғулланмаган. Лекин унинг "Ўзбек адабиёти намуналари"га ёзган сўзбошисида Чигатой адабиётининг "савдо капитализми номи остида" экани таъкидланади.¹ Бундан олимнинг даврлаштиришда марксча методологияга асослангани ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Энди бунинг Фитратга алоқасига келсак, у икки ўринда намоён бўлган. **Биринчидан**, олим "намуналар"га ёзган "Бир-икки сўз"нинг даврлаштиришга оид қисми Отажон Ҳошим қарашларининг айнан такроридек тасаввур уйғотади.² Далил сифатида китобнинг бошқа тадқиқот қисмларида (М: феодализм; "савдо сармоёси", "қабилачилик даври" қабиларга ёзилган кириш сўзларда) бундай фикрлар учрамаслигини кўрсатиш мумкин. **Иккинчидан**, Отажон Ҳошим "савдо капитали" деб атаган давр "намуналар"нинг учинчи бўлимида айнан шу шаклда (савдо сармоёси - савдо капиталининг таржимаси) берилган.

Адабиётшунос Б. Дўстқораев Фитрат адабиёт тарихини даврлаштиришда Фричегга асосланган, деб ҳисоблайди. Х. Болтобоев эса бу ҳақда шундай ёзади: «Олим (даврлаштириш борасида – У. Ж.) бундай хулосага келишида муаррих Бўлот Солиевнинг «Ўрта Осиё тарихи» китобида илгари сурилган мулоҳазаларга суянган кўринади. Чунки муаллиф энг қадимги қабил (родовой)чилик даври ҳисобланган ибтидоий жамоа тузумидан то совет давргача бўлган тарихни марксча ижтимоий-иқтисодий формация асосида тақсим қилиб, тушунтурганди».³

¹ Ўзбек адабиёти намуналари, I-жилд, - Тошкент: Ўз.нашр, 1928, V-бет.

² Юқоридаги манбанинг V ва XII бетларини солиштириб ўқиб кўринг.

³ Болтобоев Х. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис.- Тошкент: 1996, 105-бет.

Ўйлаймизки, биз билан бу икки олим фикрлари ўртасида зиддият йўқ. Негаки, ҳар учала фикр ҳам Фитратнинг ижтимоий формация асосида даврлаштиришига бориб тақалаяпти. Фитрат Фричедан таъсирланганими, Б. Солиев ёки О. Ҳошимдан таъсирланганими бари-бир давр талабларидан келиб чиққан. Шу сабаб бу уч гипотезани бир тўғри фикрнинг уч ҳил варианты, деб қабул қилиш тўғрироқ бўлади.

Отажон Ҳошимдан бошқа олимлар ҳам (20-йилларда) бу масалага махсус ёндашмаганлар. Шунга қарамай, айрим асарлари асосида маълум хулоса чиқариш мумкин. Масалан, А.Саъдий Туркий адабиётининг ибтидоси деб "Хун"лар ва "Ўрхун-Энасой" даври адабиётини кўрсатди. Кейинги босқичлар сифатида "Қутадғу билик" (XII аср) даври ва Чиғатой адабиёти даврларини белгиллади.¹ Жадиличлик адабиётини ҳам махсус давр адабиёти сифатида талқин этди.²

Вадуд Маҳмуд эса "Навоийгача турк адабиёти" мақоласида Тури Южафнинг турк адабиёти тарихини "бўлуш" принципларини рад этар экан, ўзининг қуйидагича таснифини ўртага қўяди. Унингча, давр нуқтаи назаридан "Китоби Дадақўрқуд", "Ҳибатул ҳоқойик", "Девону луғотит турк" (олим шу ерда нимагадир "Қутадғу билик"ни санамай ўтган), "Муҳаббатнома", "Тузуқоти Темур", "Меърожнома", "Бахтиёрнома" тарзида "жадвал қилиш" лозим.³ Олимнинг бу ҳаракатини даврлаштириш йўлида жиддий уриниш тарзида баҳолаш ҳақиқатга зид бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Даврлаштириш 20-йиллар адабиётшунослигида долзарб масалалардан бўлган. Бунга биринчилардан бўлиб Фитрат қўл урган.

¹ Саъдий А. Чиғатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.//Инқилоб, 1922, 9-10 сон.

² Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари //Ватан, 1996, 5 декабрь.

³ Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти.//Маориф ва ўқитғувчи, 1926, I(13) сон, 49-50 бетлар.

Бошқа олимлар бу масала билан махсус шуғулланмаган бўлсалар ҳам, баъзи ишларида даврлаштиришга уринишларини кузатамиз.

Фитрат адабиёт тарихини даврлаштиришда ўзига маъқул бўлган соф илмий йўлдан эмас, замон талаб қилган йўлдан боришга мажбур бўлди. Шу сабабли у адабиёт тарихини ижтимоий формацияларга асосланиб, беш даврга ажратди. Шуларга қарамасдан олимнинг “Ўзбек адабиёти намуналар”ини тузиш, унда мумтоз асарларни жойлаштириш принциплари бугунги кундаги даврлаштиришлар учун қўл келиши табиий.

Умуман, ушбу бобни қуйдагича хулосалаш мумкин. Ўз даврининг кўзга кўринган олимлари бўлган Фитрат, А. Саъдий, В. Махмуд, О. Хошимларнинг адабиёт ва саънат назарияси, унинг моҳияти, вазифаси, келиб чиқиши борасидаги фикрлари турлича. Бу фикр баъзан бир-бирини инкор этса, баъзан сезиларли равишда ўзаро яқинлашади. Адабий меросга муносабат ва даврлаштириш масалаларида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бу биринчи фаслда таъкидлаганимиздек, уларнинг эстетик идеаллари шаклланган асосларга бориб боғланади. Ушбу олимларнинг адабиёт ва саънат ҳақидаги қарашлари, адабий меросга муносабатлари, даврлаштиришда тутган позициялари ўртасидаги зиддиятлар улар тарбия топган муҳит ва ижтимоий воқелик билан изоҳланади. Бази фикрий яқинликлар эса мумтоз Шарқ адабиётшунослигининг таъсирида юзага келган.

Фитрат адабий-назарий қарашлари ўз давридаги энг илғор қараш ҳисобланади. У олдинга сурган фикрларнинг жаҳон адабиётшунослигида мавжуд фикрлар билан мос келиши, яъни умум-эстетик талабларга жавоб бериши бунга далилдир. Фитратдан кейин ёзилган ишларга ҳам унинг кўпгина фикрлари асос қилиб олинганки, буни аксарият фитратшунослар эътироф этадилар.

Олим, санъатнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларида ва даврлаштиришда асосланган методида қисман давр талабларига бўйинсунишга мажбур бўлган. Бирок, шу ҳолатда ҳам у ички “мен” талабларидан узоқ кета олмаган. Натижада унинг ижодида ички зиддиятлар рўй берган.

А. Саъдий кўпгина масалаларда муқим позицияда тура олмаган бўлса, В. Маҳмуднинг адабий-эстетик тафаккурида жадидач ҳоялар таъсирини сезиш мумкин. О. Ҳошим эса адабиётни севиши нозик ҳис қилиши баробарида ўз асарларида, асосан, ижтимоий-сиёсий таҳлил усулига суянади.

Давр илмий-адабий муҳитида Фитрат тадқиқотларининг ўзига хослиги қуйидагиларда кўринади:

1. А. Саъдий, О. Ҳошим, Миёнбузрук, Ж. Бойбўлатов каби олимлардан фарқли ўлароқ Фитрат эстетик қарашларининг негизда миллат манфаатлари ётади. Бу унинг бадиий асарлари билан бир қаторда илмий асарларида ҳам ўз аксини топган. Сабаби, унинг дунёқараши шу асосда шаклланган. Бунда олим Туркияда яшаган даврнинг таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим.

2. Фитрат ўз замондошларидан фарқли ўлароқ Шарқ мумтоз адабиётшунослигини чуқур билган. Шу асосда унинг адабий-назарий фикрлари шаклланган. Санъат, адабиёт масалаларига ёндашганда ҳам олим шарқона принципларга асосланган. Бундай ёндашув бошқа олимларда қисман кўзга ташланса ҳам, Фитратдаги каби мукамал эмас.

3. Фитратнинг адабий меросга муносабати, даврлаштиришда тутган позицияси ҳам бошқа олимлардан фарқ қилади. Масалан, бунда А. Саъдий ва О. Ҳошимлар мумтоз мероснинг ижтимоий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратсалар, Фитрат, асосан адабиёт ва миллат манфаати учун муҳим томонларни ҳисобга олади.

4. Таҳлил методлари нуқтаи назардан қарасак, А. Саъдий шаклий ва ижтимоий методлар ўртасида беқарор юрса, О. Ҳошим ижтимоий-сиёсий методни асосий таҳлил усули сифатида қабул қилади. Фитрат эса Шарқ ва Ғарбда мавжуд методларни ўзаро синтез қилиб, ўзига хос бир йўл топган. В. Маҳмуднинг адабиёт ва санъат ҳақидаги қарашлари, бадиий асар таҳлилига ёндашув принциплари, адабий меросга муносабати кўп жиҳатдан Фитрат билан яқинки, бу ҳар икки олимдаги маслак бирлигидан бўлса керак.

II БОБ

ФИТРАТ - ПРОФЕССИОНАЛ ТАДҚИҚОТЧИ

1-Фасл. Ўзбек адабиёти тарихи фани методологик асосларининг ишлаб чиқилиши.

Биз профессионал тадқиқотчи деганда нимани тушунамиз? Умуман, профессионализмнинг ўзи нима?

"Изоҳли луғат"да профессионал сўзи – "бирор ишни ўзига касб қилиб олган", "бирор иш билан муттасил шуғулланган", "шу ишга жуда омил бўлиб кетган" деб изоҳланади.¹ Ҳар бир ишнинг ўз "профессионали" борлиги, касб профессионализи методлари ҳам ишлаб чиқилгани, шу маънода ижодкор профессионализи энг кўп ишлангани билан ажралиб туриши ҳам маълум.

Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Фитрат тадқиқотчилигидаги профессионализм нималарда намоён бўлади?

Адабиёт тарихи фани методологияси мутахассис олдига, умумий тарзда, бирор бир халқнинг адабиёти, унинг юзага келиш сабаблари; тараққиёт босқичлари; давр хусусиятлари масалаларини ўрганишни кўяди.² Шу билан бир қаторда бу фаннинг бошқа ёндош фанлар билан алоқадорлик масаласи ҳам бор. Булар адабиётшунослик, тилшунослик, тил тарихи, фольклоршунослик, тарих каби фанлар ҳисобланади.

Фитратнинг мумтоз адабиётга оид тадқиқотларининг деярли барчасида адабиётшунослик фани билан боғлиқлик бор. Бунинг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик, I том. - М.: Рус тили нашр. 1981, 605-бет.

² Қаранг: И.Султон. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи., 1980. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати - Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 142-143 бетлар.

намоён бўлиш даражаси эса, муайян ишнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалари, ҳажми, тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

"Навоийнинг форсий шоирлиғи ва унинг форсий девони" деб номланган ишда форс шоири Салмон Соважийнинг «тарсеъ» санъатида ёзилган бир байти Навоий байти билан шундай қиёсланади.

Салмон Соважий байти:

Сафои сафвати рўят бэрихт оби баҳор,

Ҳавоийи жаннати гўят: «бебахт мушки тотор» –

мазмун: Баҳорнинг хуш бўйи юзингни майин сийпалаб ўтганда, Жаннат ҳавоси айтадики: «бунинг олдида мушку тотор ҳам бебахтдир».

Навоий байти:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,

К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор, –

мазмун: Бўстон аро баҳор насими шундай эсдики,

Ундан дўстлар ёр васлидан таралувчи хушбўй ҳидни туйдилар.

Фитрат ушбу байтларнинг бадиийлик даражаси ҳақида шундай ёзади: "Салмоннинг байтида иккинчи мисраъдаги ҳар бир сўз бир фўрмада бўлгон: сафо-ҳаво, сафват-жаннат, рўят-гўят,.. каби. Бироқ иккинчи мисрадаги "мушк" сўзи билан биринчи мисраъдаги "об" сўзининг фўрмалари (форма – У.Ж.) бошқа-бошқадир"¹

Аслида Фитратни бу ишга ундаган нарса Салмон Соважий байтига Навоийнинг эътирози бўлган. Бироқ бу ерда диққат қаратадиган нарсамиз бу эмас, балки Фитратнинг моҳир шеършу-

¹ Фитрат А. Навоийнинг форсий шоирлиғи ва унинг форсий девони ҳақида // Маориф ва ўқитғувчи, 1927, 7(24) сон, 39-бет.

нослигидир. Унинг моҳирлиги шунда кўринадики, олим байт мисраларинигина қиёслаб қолмасдан, балки сўзлар ва ҳатто, сўзнинг морфологик, фонетик хусусиятларигача диққат қаратган. Бу ерда тил ва адабиётшунослик фанлари синтези орқали мукамал бир таҳлилга эришилган.

"Ўзбек шоири Турди" мақоласидаги "тарих"га оид изланишларни кузатганимизда бу санъат орқали тарих фанига тегишли муҳим маълумотга эга бўлинганига гувоҳ бўламиз. ("Адабиёт қоидалари" китобида тарих санъатига алоҳида бўлим ҳам ажратилган).¹

Шоир Турдининг Субҳонқулихонга бағишланган мухаммаси таркибига кирган бу тарих моддаси хусусида турли баҳс-мунозаралар бўлган эди. Аввалига адабиётшунос А.Мажидий ушбу тарих моддасини мухаммас (32)² бандининг бешинчи мисраси деб ўйлаб, абжад ҳисобини 1701 (1113 ҳ.) чиқаради.³ Кейин Фитрат айтганидек: "С.Айнийнинг ҳақли эътирозига"⁴ учрайди. Яъни, С. Айний Мажидийнинг тарих моддасини хато чиқариб, асли Аштархонийлар сулоласидан бўлган Субҳонқулихонни Манғитлар сулоласига нисбат берганини танқид этади.

Бунда С.Айний тарих китобларида келтирилган далилларга асосланган. Чунки мақолада Аштархонийлар сулоласи ҳақида батафсил маълумот бериши...бундай нарсаларга (тарих моддаларига - У.Ж.) таяниб тарих тайинлаш...унча тўғри эмас" деб фикр билдирилиши шунни кўрсатади.⁵

¹ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 79-80 бетлар.

² Бандлар сонини белгилашда "Ўзбек адабиёти" (10-синфлар учун)га суяндик - Тошкент: Ўқитувчи, 1993, 205-210 бетлар.

³ "Зарафшон" газетаси, 1925, 208 сон.

⁴ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди.//Маориф ва ўқитувчи, 1928, 12-сон.

⁵ Айний С. Субҳонқулихон манғит амирларидан эмас//Зарафшон, 1925, 1 январь.

Айнийнинг иккинчи эътирози А.Мажидий томонидан ёзилган "Ўзбек шоири Турди" мақоласига бўлди. Бунда ҳам айни масала устида баҳс кетди. Айний бу мақоласида ҳам олдинги фикрига собит қолиб, "тарих моддаси заиф"лигини айтса-да, ўзи ҳам "банд"нинг бешинчи мисраси билан тўртинчи мисрасини абжад ҳисобига солиб, кўради. Лекин айнан шу жойда хатога йўл қўяди. Яъни Турди кўзда тугган воқеага тўғри келмайдиган рақамни (1091 ҳижрий, бу санада Субҳонқулихон тахтга ўтирган. Шоир Турди эса исён бошланган йилни берган эди) чиқаради. Бу ишдан ўзининг ҳам кўнгли тўлмаган. Айний мақоласининг сўнгида "ё бу моддани ислоҳ қилиш" ёки "хатоликга ҳуқум қилиб ўтуш лозим" эканини ёзади.¹

Буларнинг орасида Фитрат тўғри йўл тутди. Буни қуйидаги кўчирмадан тўлиқроқ англаш мумкин: "Менинг фикримча, мундаги тарих моддаси бешинчи мисраъ эмас, тўртинчи мисрадаги "ислом заиф" ҳам, "дин" сўзларидир. "Ислом заиф" сўзи абжад ҳисоби билан 1092 бўлиб, шунга бош-оёғи кетган "дин"нинг "ё"сини (яъни 10) қўшилганда 1102 бўладир. Бу эса ҳақиқатдан Субҳонқулининг Бухоро хонлигида туруб, баъзи беклари билан англашилмовчилик чиқарган йилларига тўғри келади".² Сўнги жумлани Фитрат ишончли тарих китобларига суяниб айтадики, бу ҳам унинг олимлик даражасини яна бир поғона кўтаради.

Фольклорнинг баъзи назарий масалалари "Адабиёт қоидалари"да ишланган. Фитрат мунаққид Вадуд Маҳмуднинг "эл адабиёти"нинг келиб чиқишига оид фикрларини келтирар экан,³ уларнинг тўғри эканини тасдиқ этади. Аммо бу адабиётнинг ўзига

¹ Айний С. Тарихий изоҳ//Маориф ва ўқитғувчи, 1926, 2-сон, 83-бет.

² Фитрат А. Ўзбек шоири Турди // Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 45-бет. (Шу ўринда Фитрат мелодийга ўгиришда 10 йилга адашган, бу ҳақда бобнинг тўртинчи фаслида изоҳ берилади).

³ Бу ерда кўчирма В.Маҳмуднинг "Навоийча турк адабиёти" мақоласидан олинган//Маориф ва ўқитғувчи, 1926, 1-сон, 48-бет.

хос хусусиятлари ҳақидаги фикрларига қўшимча тарзда (В.Махмуд фольклорнинг асосий хусусияти деб "Эгасининг маълум эмаслиги" ва "оғзаки бўлиш"ини кўрсатган эди), унинг "самимийлиги", "содаллиги"ни кўрсатади. "Бунда ифода, услуб, ўхшатишлар, сифатлашлар, мажозлар, истиоралар, қайнашлар ҳаммаси элники, эл тушунишига мос туширилгандир",¹ дея халқ оғзаки ижодининг ўз бадиий жиҳатлари билан ҳам ёзма адабиётдан фарқланишини ифода этади.

Ёрдин айрилғон йигитнинг ёри мен бўлсаммукан?

Кўлида қирғий бўлуб² кўксида жон берсаммукан, – мирасидаги руҳни, бадииятни алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун: "...эл адабиётини "адабиёт"дан (тор санъаткорона адабиётдан – Фитрат) айирғон нарса, унинг ёзилмоғонлиги эмас, унинг рухидир", деб ёзади у.³ Бундан кўринадики, Фитрат халқ ижодиётининг келиб чиқиши, ёзма адабиётдан фарқи ва ўзига хос бадиияти, руҳини тўғри англаган, тўғри ҳал этган.

Бундан ташқари Фитратнинг "Энг эски турк адабиёти намуналари" (1927) китоби, унда қадим кўшиқларнинг луғат ва изоҳлари билан нашр этилиши ҳам ўзбек фольклоршунослиги таракқиётида катта ўрин тутаяди. Шу билан бир каторда бу китоб ўзбек мумтоз адабиётининг илк даври ҳақида тасаввур бериши билан ҳам эътиборга лойикдир. Бунда халқ кўшиқларининг шакл ва мазмун хусусиятлари Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларидаги шеърий мисралар билан қиёсланади. Улардаги ўхшаш томонларга урғу берилади.⁴

¹ Фитрат А. Адабиёт қоидалари - Тошкент: "Ўқитувчи", 1995, 48-бет.

² Китобнинг янги нашрида ушбу сўз бериб шаклида келган бўлиб, аслида бўлуб ёзганда тўғри ёзилади.

³ Фитрат А. Адабиёт қоидалари - Т. "Ўқитувчи", 1995, 48-бет.

⁴ Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари. С.-Тошкент: Ўздавнашр, 1927, 87, 88, 92, 97-бет.

Унинг "Фарҳод ва Ширин" достони тўғрисида" мақоласида эса халқ дostonларининг келиб чиқиши, сайёр сюжетлар ҳақида гап кетади. Халқ ижодиётининг ёзма адабиёт билан алоқадорлик жиҳатлари хусусидаги фикрлар ривожлантирилади. Хусусан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонига халқ ижодиётининг таъсири кўрсатилади. «Фарҳод ва Ширин» достонинг халқ орасидаги вариантлари, дoston қаҳрамонлари билан боғлиқ географик ҳудудларни ўрганиш асносида адабиёт тарихини ўрганишнинг қиёсий-типологик методи ишлаб чиқилади.¹ Қиёсий-типологик методнинг мумтоз адабиёт тарихини ўрганишда аҳамияти ниҳоятда каттаки, бу Фитрат тадқиқотлари қимматини янада оширади.

Демак, олим фольклорнинг назарий масалаларни ўрганиш билан бирга бунга доир илмларни мумтоз адабиёт тадқиқига ҳам татбиқ этди. Натижада ёзма адабиётда халқчиллик элементлари, унинг ёзма адабиётга таъсири каби кўплаб масалалар равшанлашди.

Фитрат ўз даврининг йирик тилшуноси эди. Буни олимнинг 10-йиллардаёқ тил дарсликлари ёзгани,² ўзбек тилининг назарий масалаларига бағишланган китоблари борлиги,³ шу билан бирга араб ва форс тиллари бўйича ҳам ишлари мавжудлиги тўла асослайди.⁴ Унинг тилшунослиги борасида китоблар ҳам эълон этилди.⁵ Олимнинг тилшунослик салоҳияти ҳам мумтоз адабиёт бўйича қилган тадқиқотларида ютуқларининг гарови бўлди.

¹ Фитрат А. «Фарҳод ва Ширин» достони тўғрисида//Аланга. 1930. 1-сон. 14-17; 2-сон, 9-14бет.

² Она тили. Дарслик. (Фитрат, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимийлар ҳаммуаллифигида ёзилган) - Тошкент: 1919 йил.

³ Фитрат А. Сарф, 1 китоб, Ўз.нашр - С-Тошкент: 1925; наҳв, 2 китоб, С-Т, 1925 й.

⁴ Фитрат А. Араб алифбосининг тарихи//Озод Бухоро; 1926; Сарфи Забони тожики, - С.; 1925 йил.

⁵ Курбонова М. Фитрат - тилшунос - Тошкент: "Университет", 1996 й.

Инсонлик тарихи жуда ҳам узун бўлганидан, миллатлар тарихи эса узунлиги қадар қадимий бўлганидан тилнинг маншайни аниқлаш, тасниф қилиш масаласи ҳам баҳсли бир муаммодир. Бугунги кунда муаммолар ҳал этилгандек, баҳсларга нуқта қўйилгандек туюлса ҳам, ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳали бор. Туркий тилларни тасниф қилиш 20-йиллардаёқ бошлангани маълум. Айниқса рус мусташириқлари – В.Радлов ва Самойловичларнинг бу борадаги ишлари машҳур. Ўзбек тилшунослиги кўпда шуларга асосланади.

В. Радлов туркий тилнинг маншаъ-манбаини тўртга бўлиб тасниф этган эди. Яъни: 1. Шарқ. 2. Ғарб. 3. Ўрта Осиё. 4. Жануб. Унинг фикрича, туркий тилларнинг барчаси шу тўрт асосдан бошланади. Радлов бу таснифида асосан ҳудудларнинг тил хусусиятларидан келиб чиқади. Профессор Самойлович эса бешга (1. Булғор. 2. Шимолий-Шарқ ёки Уйғур. 3. Шимолий Ғарб ёки Қипчок. 4. Жанубий Шарқ ёки Чигатой. 5. Ўрта ёки Қипчок-туркман)¹ бўлади. У ҳам маълум даражада ҳудудларга асосланади. Аммо бўлимларнинг шева хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Шундан келиб чиқилса, туркий тилларнинг барчаси юқоридаги таснифга келиб боғланиши лозим. Савол туғилади: агар барча туркий тиллар тўртга ёки бешта асосга бориб боғланадиган бўлса, уларнинг бошланиши қаерда? Ҳар қандай кўпликнинг ҳам бошланиш нуқтаси бирликдан-ку?

Шу ўринда Фитратга мурожаат қилиб кўрайлик. У туркий тилларнинг келиб чиқишини ягона асосдан деб билди. Бунда қадим манбалардан "Девону луғотит турк"ка, туркий тилнинг заргари Маҳмуд Қошғарийга суянди. Барча туркий тилларнинг асоси деб Ҳоқоний туркчасини кўрсатди. "Шунинг учун, – деб ёзади у –

¹ Ушбу таснифларни Фитрат берганича айнан келтирдик. («Энг эски турк адабиёти намуналари». - С.-Тошкент: 1927, III-бет.)

биз адабиётимизнинг тарихи учун материёллар олар экан(миз), Чигатойгача бориб тўхтаёлмаймиз, Чигатойчанинг онаси бўлгон ҳалиги адабий шевагача (ҳоконий туркчасигача-изоҳ Фитратники) боришга мажбурмиз"¹

Бундай фикрга у тасодифан келган эмас. Бунгача "Қутадғу билик" каби қадимий асарларни ўрганган,² "Девону луғатит турк"даги кўшиқларни бирма-бир тил жиҳатидан текширган, луғат тузиш жараёнида Қошғарий тажрибасини пухта ўзлаштирган эди. Бу ўринда яна бир ҳақиқат рўёбга чиқади. Бу Фитратнинг адабиёт-шуносликда тил элементларининг роли тўғрисидаги, яъниким: "адабиётнинг тарихи учун" тил тарихини билмоқ керак деган фикридир.

Бунинг исботини олимнинг бошқа асарларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, "Ҳибатул ҳақойиқ" тилининг изоҳида сезиларли хатоларга йўл қўйган турк олими Н.Осимбекнинг китоби³ Фитрат томонидан "янгидан тузатиб босишга"⁴ ҳукм қилинади. Гарчи, бунинг оқибати "тил ҳаваскорларини жуда ёмон янглишларга тушириши" деб⁵ кўрсатилган бўлса ҳам, танқиднинг умумий руҳи, матннинг тағ маъноси бизнинг фикримизга мос келади. Бир мисол, Фитрат ёзади: "24 бет, 15 сатрдаги "тўнға" сўзини"туғал" маъносида олиб, мажоз йўли билан "халқ, омма" учун ишлатиш янгилишдир. "Девону-луғат"да (ж.3,бет.272) бу сўз йўлбарс маъносида келган Афросиёбнинг лақаби "Олб эр тўнға бўлгон."⁶ Энди ҳаммага маълум "Алп эр тўнға марсияси"нинг: "Алп Эр Тўнға ўлдими?!"... деб бошланувчи биринчи мисрасини,

¹ Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари, С-Т, Ўзнашр, 1927, IV-бет.

² Бунгача Фитратнинг "Қутадғу билик" ҳақида йирик мақола эълон қилдиргани маълум. ("Маориф ва ўқитғувчи", 1925, 2-сон)

³ Бу ерда "Ҳибатул ҳақойиқ"нинг Н.Осимбек томонидан амалга оширилган танқидий нашри кўзда тутилмоқда (Истанбул - 1915).

⁴ Фитрат А. Айбатул ҳақойиқ, //Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 10-сон, 46-бет.

⁵ Шу манба. - 46-бет.

⁶ Шу манба - 46 бет. (Мақолада "Алп" сўзи "Олб" тарзида ёзилган).

Нажиб Осимбекка кўра, «халқ, омма» маъносида тушунишини тасаввур қилайлик... Демак, Фитрат Н. Осимбекни танқид қилганда нафақат тилшунос сифатида, балки зукко адабиётшунос, шеършунос сифатида ҳам намоён бўлади.

Демак, Фитрат адабиёт тарихига оид тадқиқотларида тил масалаларига ҳам чуқур эътибор қаратган. Энг қадимги адабий манбаларимизни, хусусан, «Девону луғотит турк», «Кутадғу билик», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби асарларни ўрганиш учун ўша даврнинг тил хусусиятларини, туркий тилнинг келиб чиқиш асосларини мукамал билиш лозим, деб ҳисоблаган. Буни мукамал илмий тадқиқотлар ёзиш учун зарур билган.

Адабиёт тарихи фанининг тарих фанига нақадар боғлиқ эканини таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу боғлиқлик ижодкор шахс фаолиятига ижтимоий таъсир масалаларини ўрганиш нуқтаи назаридангина аҳамиятли бўлмай, балки маълум даврга хос руҳий, табиий, географик ҳолатларни қамраб олиши билан ҳам характерлидир. Адабиётшуносликда "тарихий мактаблар"га асос солиниши, уларнинг таъсири ва такомилли натижасида мифологик ва психологик мактабларнинг вужудга келиши бунинг исботи учун етарли, деб ўйлаймиз. Бугунга келиб замонавий руҳий таҳлил асосчилари (Фрейд, Фромм)нинг ишлари адабий таҳлилларда етакчилик қилаётгани ҳам сир эмас.¹ Демак, адабиёт ва тарих бир бутун организм. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Албатта, Фитрат тадқиқотларининг тарихийлик даражасини бу куннинг мезонлари билан ўлчаб бўлмайди. Чунки у ўзининг юзага келиш ва давр хусусиятлари билан замонавий илмдан фарқланади. Содда тамойилларга асосланади.

¹ Оврупада, рус адабиётшунослигида бу ҳаракатнинг бошланиши анча олдин. Ўзбек адабиётшунослигига эса эндигина кириб келаяпти. Хусусан, М.Олимов Р. Қўчқор каби ёш олимларнинг тадқиқотларида буни кузатиш мумкин.

Фитратнинг "Қутадғу билик" номли тадқиқоти "Аббосий халифалари кучсизланиб, Бағдод шаҳри ислом дунёсининг адабий-илмий марказилигини йўқотган"лигини эслатиш билан бошланади.¹

Тарихдан бу лавҳани келтиришдан мақсад, бизнингча, мана шу ягона марказ таназзулидан кейинги воқеаларга диққатни қаратиш, яъни Хуросонда, Нишопурда, Туркистон, Марв, Самарқанд, Бухорода янги илмий-адабий марказлар вужудга келганини кўрсатиш эди. "Шарқий Туркистонда – Буғрохонлар теварагида"² эса айнан сўз юритиш назарда тутилган "Қутадғу билик" асари ёзилди. Токи гап "Қутадғу билик" ҳақида кетаётган экан, уни чўзиб ўтиришга нима ҳожат бор эди? Аббосий халифаларининг кучсизланиши билан бу асарнинг ёзилиши ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

Манбаларнинг кўрсатишича, "XI асрнинг иккинчи ярмига келиб қорахонийлар салатанати мустаҳкамланиб, бу давлатнинг маъмурий чегараси кенг майдонни ўз тасарруфига олган эди."³ Бу ҳолат айнан Аббосийлар халифалигининг кучсизланиши билан боғлиқ. Фитратнинг давом этиб ёзишига қараганда, "Қутадғу билик"нинг дунёга келишида шарт-шароит туғдирган тарихий муҳит ҳам Қорахонийлар давлатининг мустаҳкамланиши йўлидаги эҳтиёжлардан келиб чиққан. Маълум бўладики, Фитрат томонидан келтирилган қисқагина тарихий далил икки масалани ёритишга хизмат қилган. **Биринчидан**, асарнинг ёзилишига туртки бўлган шарт-шароитни кўрсатса, **иккинчидан**, асарнинг ёзилишдан мақсад нима эканига урғу бераяпти. Демак, кичик бир тарихий далил тадқиқотчи мақсадига моҳирона бўйсундирилиши орқали,

¹ Фитрат А.Қутадғу билик//Маориф ва ўқитғувчи, 1925, 2-сон, 68-бет.

² Фитрат А.Қутадғу билик//Маориф ва ўқитғувчи, 1925, 2-сон, 68-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I-том, - Тошкент: "Фан", 1978, 106-бет.

асарнинг илмий савияси ошаяпти, услуби ҳам ўқувчи учун тушунарли бўлаяпти.

Шоир Турди Фароғийга бағишлаб ёзилган мақолада эса, Субҳонқулихон саройидаги ички сиёсат батафсил очиб берилади.¹ Бунда Мир Муҳаммад Сиддикнинг "Тарихи Муқимхоний", Ҳакимхон Тўранинг "Мунтахабут таворих", Хожа Самандар Термизийнинг "Дастурул мулк" каби тарихий асарларига асосланади. Бундай тарихий маълумотларни келтиришдан мақсад, ўша даврда Субҳонқулихон билан нуфузли ўзбек уруғлари ўртасида юз берган муҳорабанинг сабабларини аниқлаш, бу орқали Турди яшаган ижтимоий-тарихий муҳитни кўрсатмоқ, шулардан келиб чиқиб Турдининг хон билан муносабатини билмоқ, ва, ниҳоят унинг хонга бағишлаб ҳажвий асар ёзгани сабабини кўрсатмоқ эди. Яъни, ушбу тарихий далил ҳам ижодкор шахсиятини аниқлаш, унинг ижодига хос баъзи хусусиятларни очиш учун хизмат қилдирилган. Асардан муҳим тарихий маълумотлар олиш билан бирга шоир ҳаёти ва ижод йўлини таҳлил этиш тамойилларидан ҳам воқиф бўлиш мумкинки, бу-да фитратона тафаккурнинг яна бир чўққисидир.

Олимнинг бир неча тарихий асарлар ёзгани ҳам маълум.^{2,3} Унинг бу тажрибалари адабиёт ва тарих фанининг муваффақиятли синтезига қўл келгани шубҳасиз.

Хуллас, Фитратнинг мумтоз адабиёт тарихига оид тадқиқотларида кўпгина ёрдамчи фанлар тажрибасига суянилган. Бу аксарият ҳолларда тадқиқотларнинг мукамал бўлишини таъминлаган. Олимнинг фольклор, адабиётшунослик, тилшунослик, тарих фанлари билан махсус шуғуллангани ютуқларининг гарови

¹ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди, // Маориф ва ўқитувчи, 1928, 12-сон.

² Фитрат А. Мухтасар ислом тарихи, // Сирли олам, 1992, 3-4; 5-6 сонлар.

³ Шу муаллиф. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, - Тошкент: Минҳож, 1992 й. ва ҳ.к.

бўлган. Буларнинг натижасида эса мумтоз адабиёт тарихини ўрганишнинг янги принциплари, мазкур фаннинг методологик асослари илк бор илмий шаклга кирган.

2-Фасл. Фитратнинг таржимаи ҳол устида ишлаш услуби.

Мумтоз адабиёт тадқиқида ижодкор таржимаи ҳолини ёритиш ўта маъсулият талаб, мураккаб масалалардан. Қадим адабиётимиз тарихида бетакрор истеъдод эгалари ҳам, ўртамиёналари ҳам, бу майдонга бир бош суқиб кетган ижодкорлар ҳам керагича топилади. Шу сабаб, маълум давр шоирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бериш, уларнинг хотираларини авлодларга етказиш мақсадида махсус «тазкира»лар тузилган. Тазкиралар тузишнинг бошланиши ҳам узок тарихга бориб тақалади.¹ Баъзи қадим ижодкорлар ўз таржимаи ҳолларини қисқача баён этиб кетганлари маълум.² Булардан ташқари у даврда шоирлар ижоди изчил тадқиқ этилмаса-да, айрим бадий асарлар таркибида, манокиб-ҳолатларда таржимаи ҳолга оид маълумотларни учратиш мумкин.³ Тарих шеърлари, тарих моддалари ҳам маълум маънода шундай вазифаларни бажарган ва ҳ.к.

Бирок, шуларга қарамасдан мумтоз адабиёт тадқиқотчилари бу борада қатор муаммоларга дуч келганлар, дуч келяптилар. Негаки,

¹ Б. Валихўжаев тазкирачиликнинг IX-X аср араб адабиётшунослигида бошланиб, уларда араб тилида ижод этган Ўрта Осиёлик шоирлар ҳам кирганини таъкидлайди. Турк тазкирачилигининг бошланишини эса Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Лобобул албоб» (1221) идан деб кўрсатади. («Ўзбек адабиётшунослиги тарихи»). - Тошкент: Ўзбекистон, 1993, 20-21-бет.

² Бунинг дастлабки намунасини Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ»ида учратиш мумкин.

³ Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибига кирган дostonлардаги Низомий, Дехлавий, Жомий ҳақидаги мухтасар маълумотлар ёки «Хамсатул мутахаййирин», «Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

ижодкор шахсияти, ҳаёт йўли ҳақида тасаввур ҳосил қилмасдан, унинг ижодини таҳлил этиб бўлмайди. Бу йўлдаги муаммолар нималарда кўринарди?

Маълумки, тазкиралар ўзида адабий-танқидий қарашларни акс эттириши, катта бир даврни (ёки даврларни) қамраб олиши, кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бериши билан характерланади. Бу тазкиранинг ҳар бир ижодкорга ўз таркибидан кенг ўрин бериш имкониятини чеклайди. Иккинчи томони, кўплаб ёш ёки машҳур бўлмаган шоирларга тазкирадан кам ўрин ажратилади ёки улар умуман тазкирага киритилмайди. Бу эса замонавий адабиётшуносларнинг тазкираларга суяниб талаб даражасидаги тадқиқотлар олиб боришларига кафолат бермайди. Манақиб ҳолатлар фақат машҳур шахслар ҳақида, бунинг устига жуда кам ёзилганки,¹ адабиёт тарихи фани фақат машҳур шоирларни ўрганиш билан чекланмайди. Қадим шоирларимиз ўзлари ҳақида маълумот берганларида эса ё камтарлик юзасидан ёки расм бўлмагани сабабли бир-икки оғиз сўз айтиш баъзан маълум ишоралар билан чекланадилар. Тарих шеърларидан фақат саналарнинг аниқлаш мумкин. Энг оғири баъзи ижодкорлар ҳақида умуман маълумот йўқлигидир.

Хуллас, булар ва буларга ўхшаган кўпгина муаммолар борки, тадқиқотчидан чуқур билимни, юксак олимлик истеъдодини, фикрлаш, таҳлил этиш қобилиятини талаб этади.

Мумтоз адабиёт тадқиқи жараёнида Фитрат олдида ҳам юқоридаги каби қатор муаммолар кўндаланг бўлди. Бунга қўшимча сифатида Фитрат тадқиқотларининг бирламчилигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

¹ Валихўжаев Б. ҳам бунни таъкидлаб ўтган (Ўзбек адабиётшунослиги тарихи - 30-б.)

Олдинги фаслда ҳам айтиб ўтдикки, шоир Турди Фароғий ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш анчайин баҳс – мунозаралар билан кечди. Шоирнинг кўлёмаларини дастлаб кўлга киритган ва у ҳақда маълумот берган («Зарафшон» газетаси, 217-219 сонлар) киши Абдулҳамид Мажидий эди. Кейин «Ўзбек шоири Турди» сарлавҳаси остида катта мақола билан чиқди.¹ Бу мақолага С. Айнийнинг жавоби бўлгани, аммо масалани тўлиқ ҳал қила олмагани ҳам маълум.² Шундан кейин барча баҳсли ўринларга нукта қўйиш ва аниқлик киритиш, хатоларни бартараф этиш мақсадида Фитрат мақоласи ёзилди.³

Мақолада асосан икки масалага кенг ўрин берилган. **Биринчиси**, шоир ижодининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, **иккинчиси**, ҳали ҳеч томони маълум бўлмаган, Турди таржимаи ҳолини ишлаб чиқиш, илмий муомалага киритиш. Мавзуимиз талабидан келиб чиқиб, ҳозир иккинчи масала хусусида тўхталамиз.

А. Мажидий ўз мақоласида Турдининг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч бир маълумот йўқлигини, бу катта қийинчиликларга сабаб бўлаётганини таъкидлаган эди.⁴

Фитрат эса барча эҳтимолларни чамалаб кўриб, буларнинг ичида энг ишончлиси Турдининг ўз асарлари деган қарорга келди. Уларнинг таркибидаги турли ишора ва бошқа йўллар билан келган «таржимаи ҳол» учун керакли моддаларни (Фитрат) ўз мақсадига хизмат қилдирди. Фитрат Турдининг «Бу мулк» радиофили газалидан:

Жойи исломуму мусулмонлиғ Фароғий истама,
Пойтахти кишвари Субхонкулихондур бу мулк,⁵

¹ Мажидий А. Ўзбек шоири Турди/Маориф ва ўқитувчи, 1925, 9-10 сон.

² Айний С. Тарихий изох//Маориф ва ўқитувчи, 1926. 2-сон.

³ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди//Маориф ва ўқитувчи. 1928, 12-сон.

⁴ Мажидий А. Юқоридаги мақола. 56-бет.

⁵ Ушбу мисралар 10-синф учун тузилган «Ўзбек адабиёти (мажмуаси)»дан олинди. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993, 209-бет.

мисраларини келтириб, унинг «... пойтахти Субхонқулихон бўлган бир кишвар (ўлка)да, яъни Бухорода туғилгон»¹ини аниқлади, Бухоро атрофида уруғлардан кўпи йўқ. Турди бу уруғларнинг қайси биридан бўлган экан? Энди бу савол тадқиқотчини ўйга толдиради. Шунда шоир Турди ўзи ҳақида сўзлай бошлайди:

Хукми жорий, сўз қабули бир дури даргўш эдим,
 Аҳли давлатлар била ёри хариф ҳамдўш эдим,
 Ҳойи-хуйи базмларда шахду нўшонўш эдим,
 Хуш замонлар юз қазони бошида сархуш эдим,²

Тадқиқотчи саволларидан яна бирига жавоб топилди. Демак Турди Бухоро хонлигида баланд нуфузли бўлган Юз қабиласидан. Юз қабиласининг ҳам оддий аъзоларидан эмас, обрўли кишилари-дан, йўқса у «Юз қазони бошида сархуш эдим», деб ёзмасди.

Шоир Турди эса давом этади:

Хешман дарвеш мискин мустаҳик девонадан,
 Баҳраманд эт илтифоту ҳиммату мардонадан,
 Сен туриб лойикмидур қилмоқ талаб бегонадан,
 Қиблагоҳо, мендин икроҳ этма, бир майхонадан,
 Жўш бархуш соф майсан, мен губору дурдиман,-

Бу сўзлар кимга қарата айтиляпти? Сарлавҳаси: "Мухаммаси туркий дар вилояти Хўжанди жубранди ва супранди нома дар асри Окбўтабий шаҳид таҳрир намуд"³. Бундан келиб чиқадики, ушбу хитоблар Окбўтабий деган кишига қарата айтиляётган экан. Окбўтабий ўзи ким? Нима сабабдан шоир унга "хешман" деб даъво қиляпти? Тарих китобларда унинг "Фарғона хонларидан бўлган Шохруҳ оталиқнинг набираси Хўжанд ва Ўратепа ҳокими

¹ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди//Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 12-сон. 44-бет.

² Бу ва қуйидаги шеърини парчалар Фитрат мақоласидан айнан келтирилди.

³ Ушбу сарлавҳа матни қуйидаги манбадан олинди - Турди,- Тошкент: Ф.Ғулом нашриёти, 1971,38-бет (нашрга А.Ҳайитметов тайёрлаган.)

Раҳимбой юзнинг ўғли", экани ёзилган.¹ Демак Турдининг Юз уруғидан, бу уруғнинг нуфузли бошлиқларидан экани рост. Раҳимбий юз, Оқбўтабий юзларга хеш экани ҳам буни тасдиқлаяпти.

Турдининг Бухорода туғилгани Юз уруғининг вакили экани аниқ бўлди. Энди унинг кейинги ҳаёти ҳақида қандай билиш мумкин? Дарвоқе, бир ғазалида Турди:

Бир сари азм айла жойи номусулмондур бу мулк,

Фитнаю авбошу зулму куфру туғёндур бу мулк, —

деб ёзмаганмиди? "Бу мулк"нинг Бухоро эканини олдинги мисрлардан билиб олдик. Бухоро хонининг бу даврда Субҳонқулихон эканини ҳам тарих манбалари айтиб турибди. Бироқ хон билан Турдининг ўртаси бузилишига нима сабаб? Уни бошқа бир томонга "азм айлаш"ига мажбур қилган нарса нима экан?

Фитрат бу саволнинг ечимини ушбу банднинг тўртинчи мисрасидан топди. Бу Турдининг ўзи келтирган тарих моддасида қуйидагича акс этади:

Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,

Зулмидан бўлди раиият эликим хору заиф,

Соли тарихини этдим чу, хирадин таклиф,

Деди: "дин", бошдин оёғин тушиб, "ислом заиф",

Даври Субҳонқули жабр умароси Япалоқ,² —

Олим бу тарих мисрасининг ҳижрий 1102 йил эканини белгилагач, яна тарихий манбаларга мурожаат қилади. Шу даврда Субҳонқулихон саройида қандай воқеалар юз бергани билан кизиқади. Бундан ўша пайтда аслзода беклар, уруғ оқсоқоллари билан Субҳонқулихон ўртасида келишмовчилик чиққани, натижада уруғ оқсоқолларининг исён кўтарганлари, шоир Турдининг ҳам

¹ Фитрат бу ўринда "Мунтахабут таворих", "Дастурул мулк" каби китобларда келган далилларни синтез қилиш йўлидан борган.

² Ушбу банд Фитрат мақоласидан айнан келтирилди.

ушбу исёнда иштирок этгани аниқланади. Исён сабаби эса шундай изоҳланади: "Хонларнинг саройларида қуллар билан бекларнинг рақобатлари ҳар вақт бор эди ва ҳар вақт катта воқеаларга сабаб бўлар эди. Ўзбек хонлари исёнчи қабила бошлиқларидан безган эдилар, уларга ишонишни янглиш санар эдилар. Шунинг учун, ўлкада ҳеч бир таянчлари бўлмагон, исён эҳтимолларидан узоқ тургон қулларни саройга киргизиб, ўлка ихтиёрини уларга топширар эдилар. Шу тадбир билан қабила бошлиқларининг ҳар турли ўсалликларидан ўзларини гўё сақлагон бўлар эдилар. Шунинг учун қуллар билан аслзода беклар орасида сарой нуфузи устида ҳар вақт жанжал, тортишма бўлиб турар эди".¹

Демак, Турдининг Субҳонқулихон билан бузилишмоғи"га (Фитрат таъбири) ушбу исён сабаб бўлган. Олимнинг таъкидлашича, Турдининг "Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари ҳақида ҳажвия" ёзишига ҳам шу сабабдир. Яъни исён кўтарилгандан кейин ҳажвия ёзилган². Чунки мухаммас таркибида Раҳимбий юзга бағишланган бир неча банд борки, буни тасдиқлайди:

Ҳакдин улдир талабим ўлса сенга ёр, Раҳим!

Икки оламда наби шафеъу ғамхор, Раҳим!

Ўлса то даври мадори бу жаҳон бор, Раҳим!

Айлагай сени худо барчага сардор, Раҳим!

Бегу бегзодасану юртқа тушқон бир ток,³

Яна бир банд:

Ўзбакни гули, сарсебади бегзодисан,

¹ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди.//Маориф ва ўқитғувчи., 1928, 12-сон, 47-бет.

² В.Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи"(Тошкент:"Ўқитувчи", 1980, 132-134 бетлар) китобида мухаммаснинг ёзилиш даври исён кўтарилгандан олдин деб белгиланган. Мухаммаснинг руҳи буни тасдиқламайди. Турдишунос Ҳомил Ёқубов ҳам мухаммаснинг ёзилишини исёндан кейин дейдики, бу фикр Фитратики билан мос келади. (Турди. Танланган асарлар, - Тошкент: "Фан", 1951, 9-бет. Сўзбоши қисми.)

³ Ушбу банд Фитрат мақоласидан айнан олинди.

Хама эҳсонингга...дурсан озодисан,
 Аҳли мухтожлари даргоҳи ижодисан,
 Ўлма кўп суст-ўшал Эрбоқи авлодисан,
 Бор кими ҳадди – урғай сенинг олдинга натоқ,¹-

Шоирнинг Раҳимбий юзга қарата: "айлағай сени худо барчага сардор, Раҳим!", деб хитоб қилишидан, уни исёнга бош бўлишига чақираётгани маълум бўлади. Чунки, Раҳимбий юз олдин ҳам бир неча исёнларга бошчилик қилган Эрбоқининг авлодидан.² ("Ўлма кўп суст – ўшал Эрбоқи авлодисан") Бунга маънан ҳам, нуфузи жиҳатидан ҳам ҳаққи бор. Ҳеч ким унга қаршилик қилолмайди. Қаршилик қилишга ҳадди ҳам сиғмайди. ("Бор киминг ҳади-урғай сенинг олдинга натоқ".) Раҳимбий юз Турдининг сўзини олмади. Исёнчиларга қўшилишга юраги бетламади. Исёнчилар Самарқанд яқинидаги Кониғил деган жойда енгилдилар.³

Модомики, шундай экан шоирнинг исёндан кейинги ҳаёти қандай кечди? Фитрат унинг исёндан кейин Раҳимбий Юзнинг ўғли Окбўтабий саройида турғун бўлиб қолганини, аммо кейинги ҳаёти қийинчиликда ўтганини айтади Бунинг исботи сифатида қуйидаги мисраларни кетиради:

Бошима юз кўҳи ғам бир от қоҳи емидин,
 Бир кўнгул юз пора йўқлик зафъи захми биймидин,
 Қад букуб, бўйним эгиб, тегди оёқларга бошим,

¹ Бу бандни, Фитратда тўлиқ бўлмагани сабабли қуйидаги манбадан олдик. Ўзбек адабиёти (мажмуа), 10-синфлар учун, - Тошкент: 1993, 208-209 бетлар.

² Манбалар Эрбоқи юзнинг бир неча кўзғолонларга бош бўлганини тасдиқлайди (Ўзб.адаб.тарихи, Штом, - Тошкент: 1978, 21-бет.)

³ Буни Турдига бағишланган барча манбалар тасдиқлайди. Қаранг: "Ўзбек адабиёти тарихи", беш томлик, III том - Тошкент: "Фан", 1978, 216-217 бетлар; Турди. Танланган асарлар, Тошкент: "Фан", 1959, 3-бет; Турди. Танланган асарлар, - Тошкент: "Ўздавнашр", 1960, 9-бет; "Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», XV-XIX асрлар. (Тузувчи Олим Шарофиддинов) II-том, - Тошкент: "Ўздавнашр", 1945, 100-101 бетлар.

Ахли дунё пойибўси хизмату таъзимидин,-

Шу тахлит изланишлардан кейин Фитрат Фароғий таржимаи холи хусусида куйидагича хулосага келади: "Турди хижрий 1100 йиллардан бурунроқ Бухорода Субҳонкули саройида эътиборли беклардан, юз қабиласининг бошлиқларидан бўлгон. Сўнгралари бу одам Субҳонкули билан бузулишгон. Бухородан чиқиб Ҳазора қалъаси орқали Ўратепа ва Хўжанд ҳокими "Раҳимбий Юз"га боргон, шунда Субҳонкулига қарши ҳалиги мухаммасини ёзиб, "Раҳимбий"ни махтаб унга такдим қилгон, ҳам уни (юқорида кўрганимиз сўзлар билан - Фитрат) қандайдир бир ишга ташвиқ қилгон. Сўнгра Раҳимбийни ўғли Окбўтабий замонида Хўжандда қолгон".¹

Хуллас, Фитрат бирор манбада маълумотлар бўлмагани ҳолда,² фақат Турдининг ўз асарларидаги айрим ишораларга, "тарих моддалари"ига асосланиб, у ҳақдаги муҳим далилларни адабиёт тарихи фани учун мерос қилиб қолдирди. Бундан олий ўқув юртлари ва мактаблар учун дарсликлар тайёрлашда, Турдининг илмий биографиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Фитратнинг шундай машаққатли изланишларидан бирини қадим турк адиби Аҳмад Югнакий таржимаи холи мисолида ҳам кўзатиш мумкин. Ушбу мақола "Айбатул ҳақойиқ" деб аталади.³

¹ Фитрат А.Ўзбек шоири Турди.//Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 12-сон, 46-бет.

² Олдинги бет уминчи тағхатда кўрсатилган барча манбаларда бу ҳақда сўз кетади.

³ Фитрат А.Айбатул ҳақойиқ.//Маориф ва ўқитғувчи.- 1928, 10-сон. Фитрат ўз мақоласини номлашда турк олими Нажиб Осимбекка асосланган кўринади. Чунки мақолада берилган тағхатда китоб сарлавҳасининг Н.Осимбек томонидан ўқилиши тафсилотлари ҳақида гап кетади. ("Маориф ва ўқитғувчи" - 1928, 10-сон, 41-бет).

Бизда бугунги кунгача китоб номининг "Ҳибатул ҳақойиқ" экани собитдир. (маъноси:Ҳақиқатлар тухфаси) Барча манбаларда китобнинг «Айбатул ҳақойиқ» "Атабатул ҳақойиқ","Атебатул ҳақойиқ" шаклида ўқилгани ҳам айтилади. Хусусан, Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида бундай хилма-хилликлар сабаби:"х"-нинг тушиб қолиш ҳодисаси (бўлиб) туркий тилларга хос экани ҳақида ёзилади.(Тошкент:Ўқитувчи,1976,138-

Тадқиқот учун асос матн бўлиб, Нажиб Осимбекнинг (Истанбулда) Айо-сўфия кутубхонасидан топиб (1915) нашр эттирган нусхаси хизмат қилган.

Ушбу асар қадимий бўлганидан унинг муаллифи ҳақида ҳам маълумотларнинг камлиги анча мушкулотлар туғдиради. Шу са-

бет). Бу фикрни тасдиқ этиш қийин. Негаки, асар арабча номланган. Н.Маллаев кўзда тутаётган нусхада эса (Истанбулда Шайхзода Абдураззоқ Бахши томонидан кўчирилган. Айо-Сўфия кутубхонасида 4757 инв рақами остида сақланади). Уйғур ёзувининг остида арабча ҳарфлар билан ҳам кўчирилганини манбалар тасдиқлайди. (Фитрат мазкур ишида - 41-бет; Қ.Содиқов "Аждодларимиз битиги - Тошкент: Фан, 1990, 17-бет). Шундай экан, бу китоб, асосан, мутахассислар томонидан ўқилгани, кўчирилгани туфайли уларнинг (турк бўлганлари тақдирда ҳам) бирор ҳарфини тушириб ўқишлари, кўчиришлари мантиққа тўғри келмайди. Бу ҳодиса кўпроқ жонли сўзлашувга (шеваларга) хос экани ҳам маълум.

Агар араб ёзувида унлиларнинг акс этмаслигини ҳисобга олсак, китоб сарлавҳасининг "Ҳибатул ҳоқойиқ" шаклида ёзилганига шубҳа уйғонади. Чунки унлидан кейин " " ҳарфи келганда, сарлавҳанинг биринчи сўзи ё "ҳайбатун" (هَيْبَةٌ), ё "хийбатун" (حَيْبَةٌ) ёки "хуйбатун" (حَيْبَةٌ) шаклида ўқилиши керак бўларди. Китоб сарлавҳасининг "Айбатул ҳоқойиқ", "Атебатул ҳақойиқ" ўқилиш вариантлари ҳам биринчи сўзнинг иккинчи ҳарфи " ح " ёки " ه " эканини кўрсатади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш муҳимга ўхшайди. М: а) Арабча " ح " ва " ه " ҳарфлари сўз ўртасида " ه " шаклида ёзилиб, фақат нуқталарнинг пастда ёки юқорида бўлиши билан ажралиб туради. б) « ه » ва « ح » ҳарфларининг ҳам сўз бошидаги ёзилишлари жуда ўхшаш. Ҳарфларнинг бирор жойи ўчиб ёки бир нарсанинг чапланиб кетишидан ушбу ҳарфлар осонгина бир-бирига ўхшаб қолиши мумкин. Китоб номининг "Айбатул ҳоқойиқ", "Атебатул ҳақойиқ", "Ҳибатул ҳоқойиқ" шаклида турлича ўқилишига шундай техник ҳолатлар сабаб эмасмикан? Мутахассисларнинг фикрига кўра, "Атебатул ҳоқойиқ", "Атабатул ҳоқойиқ" шакллари XV асрда Арслон Хўжа Тархон ёзган:

Китобининг оти эрур Ҳибатул-

Ҳоқойиқ - иборат арабдин ушул, - (Мисра Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (- Тошкент: Ўқит.1976,138-бет) китобидан олинди) мисралари вазнига тушмайди. "Айбатул ҳақойиқ", "Ҳайбатул ҳақойиқ" шакллари эса тушади. "Ҳайбатун" (هَيْبَةٌ) сўзи. "Арабча-русча луғат"да 1) боязн, почти-тельный страх; 2) уважение; почтение; 3) достоинство, престиж, авторитет, влияние; 4) величие, величественность, торжественность; "айбатун" (عَيْبَةٌ) сўзи эса 1) кожана сумка, чемодан; 2) перен. хранитель тайн, доверенное лицо шаклида таржима қилинган. (Арабско-русский словарь, Том 2,- Тошкент: Камалак, 1994, с.91- 405). Фитрат "айбатун" сўзининг "кути, идиш" маъносига урғу берар экан, давр талабларидан келиб чиққан кўринади. Ҳолбуки, унинг "сирларни сақловчи", "ишончли зот" маънолари асар руҳига монандрокдир.

баб бўлса керак, олимнинг биринчи бўлиб эътибор қаратгани Адиб Аҳмаднинг таржимаи ҳоли бўлди. Дастлаб унинг ўзи томонидан ёзилган:

Адиб Аҳмад отим, адаб панд сўзум,

Сўзим мунда қолур, борур був ўзум, —

мисралари сўнгра: "Китобнинг охирида китоб ҳақида ёзилгон уч тақриз" таҳлилга тортилади.¹ Бу машҳур "тақриз"лардан адибнинг отасининг оти Маҳмуд бўлиб ўзи Югнак деган жойда туғилгани, асари қашқар тилида ёзилгани ҳақида маълумот олинган.

Олим иккинчи ишончли манба сифатида Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" асарига мурожаат қилади. Адиб Аҳмад ижодининг кейинги замонлардаги аҳамиятини таъкидламоқ учун Навоийнинг ўз "Мактубот" ларида (Хусусан, Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга насиҳат қилиб ёзган мактубида) унинг асарларидан фойдаланганини айтади.²

Бундан ташқари, "Насойимул муҳаббат"да келтирилган Адиб Аҳмаднинг олти мисраси Нажиб Осимбек нашр эттирган нусхада "анча ўзгаришларга учрагани"ни, у фойдаланган қўлёзма нусхаси анча номукамал эканига мисол тариқасида кўрсатилади.³

Навоийдаги: "Ҳақ субҳанаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпук яратғондур, аммо кўнгул кўзин бағоят ёруқ қилғондур" деган машҳур жумлалар Фитратга Адиб Аҳмаднинг "туғо кўрмас"⁴ эканини яна бир бор тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилди.

¹ Фитрат А. Айбатул ҳоқойиқ, //Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 10-сон, 41-бет.

² Адабиётшунос С.Эркинов "Фитрат - Навоийшунос" номли мақоласида олим томонидан келтирилган ҳаммага маълум мисралар "Муншаот"нинг кейинги нашрларида хато кетгани, Фитратдаги вариант тўғри эканини таъкидлайди. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 3-сон, 4-5 бетлар.

³ Фитрат А. Айбатул ҳоқойиқ, //Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 10-сон, 42-бет.

⁴ Фитрат бу келтирилган маълумотни "биринчи тақриз" деб атайд.

Фаслнинг олдинги қисмларида ҳам кўрдикки, Фитрат ўз фикрининг ишончли бўлиши учун, иложи борича мавжуд манбаларнинг барчасидан далиллар келтиришга ҳаракат қилган.

"Насойимул муҳаббат"да келтирилган навбатдаги бир далил Фитратни унча қониқтирмади. Бу Адиб Аҳмаднинг "Бағдод шаҳридан тўрт ёғоч йирокда тургани ҳолда имом Аъзам (Абу Ханифа ан-Нуъмон ибни Собит (699-776) раҳматуллоҳи алайҳим)дан "Қуръон", "Ҳадис" ва "Фикҳ" сабоқларини олгани ҳақидаги маълумот эди. Буни олим "афсонавий хабар" деб талқин қилди. (Бунда у турк олими Ф.Кўпрулуға асосланган кўринади). Аниқроқ маълумотларга эга бўлмоқ учун бошқа манбаларга мурожаат этди.

Абулхусайн Боқир бин Маҳмуд Али (к.951)нинг "Тазкиратул авлиё"сидаги Адиб Аҳмад ҳақидаги маълумотлар ҳам унга маъқул келмади. Асар муаллифи: "Навоийнинг "Насойимул муҳаббат"даги афсонавий хабарни форсча таржима қилишдан бошқа бир иш кўра олмоғон", деб топилди. "Имоми Аъзамнинг ҳижрий 150нчи йилда ўлгани маълум.¹ "Айбатул ҳоқойиқ"нинг ҳижрий иккинчи асрда (яъни "Қутадғу билик"дан бир-икки аср сўнгра) ёзилғонин қабул қилишга имкони йўқдир. «Айбатул ҳоқойиқ»нинг тили, услуби «Қутадғу билик»дан бир-икки аср сўнгра ёзилғонин кўрсатмақдадир», деб ўз фикрини исботлайди².

Энди битта йўл, яъни Аҳмад Югнакий китобини бағишлаган Дод Сипоҳсоларбек кимлигини, қаерда яшаганини аниқлаш билангина масалага ечим топиш қолган эди.

Бу борада турк олими Нажиб Осимбек олиб борган изланишлар натижаси ҳам масалани ойдинлаштира олмайди. Чунки у тахмин қилган Хуросон ноибни Додбек ибни Хабаш ҳам, Маҳмуд

¹ Васлий Самарқандийнинг "Имоми Аъзам тарихи" китобида (Тошкент: Ёзувчи, 1995, 54-бет) ҳам бу сана 150 ҳ.кўрсатилган.

² Фитрат А. Айбатул ҳоқойиқ.//Маориф ва ўқитғвчи., 1928, 10-сон,42-бет.

Ғазнавийнинг жияни Соларғози ҳам ёки ҳижрий олтинчи асрда яшаган Тўғрул Қилич Исфаҳсоларбек¹ ҳам Адиб Аҳмад китобида зикр этилган ҳукмдор эмаслар. Уларнинг орасида айнан. "Дод Испоҳсоларбек дегани йўқ. Адиб Амад эса: «Дод Испоҳсоларбек учун був китоб...» деб ёзган.²

Фитрат тўлиғича Дод Сипоҳсоларбек номини форс шоири Саифи Исфрангий (1185-1268) нинг шеърий девонида учратади. Яъни шоирнинг бир қасидасида "Ғиёси давлат удин Додбек Сипоҳсолар", деб мазкур ҳукмдорнинг номи тўлиқ зикр этилган эди. Шу шоирнинг ўзи уни, яна: "Додбек мирлашқари Турон..." дея таърифлайди. "Фарғона ҳокими" эканини айтади. Фитрат юқоридаги далилларга суяниб, Адиб Аҳмад китоб бағишлаган ҳукмдор айнан – Сайфи Исфрангий девонида тилга олинган Додбек Сипоҳсолар эканига ҳукм қилади.

Бу масала ҳал бўлгандан кейин Аҳмад Югнакийнинг юрти "Югнак"ни қайси атрофдан излаш кераклиги ҳам аниқлашади. Бу борада Нажиб Осимбекнинг фикрига ҳам (У Югнак деган жойни "Қашқар атрофида", деб гумон қилган эди)³ ўз-ўзидан жавоб ҳозир бўлади.

Чамаси, олимнинг "Югнак" масаласида бир тўхтамга келишида проф. Ф.Купрулуниг тадқиқотлари туртки бўлган кўрилади. Негаки, турк олими асосланган "Муъжам ул булдон"(Ибни Ҳавқал) китобини Фитрат ҳам ишончли манба сифатида қабул этган ва Югнак шахрини Банокат атрофида деб кўрсатган. Жувайний отли бир тарихчининг Самарқанд атрофида Угноқ деган шаҳар борлиги ҳақидаги фикрини илова қилишни ҳам унутмаган.

¹ Ушбу номлар Фитрат мақоласидан айнан келтирилди.

² Фитрат А. Айбатул ҳоқойик//Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 10-сон, 41-бет.

³ Шу манба, 43-бет.

Хуллас, Фитрат ушбу манбаларга асосланиб, Адиб Аҳмаднинг XII-XIII аср орасида Туркистонда яшагани тўғрисидаги хулосага келади.

Адиб Аҳмад туғилган жой масаласида машҳур мусташириклар - Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд ҳам Фитрат билан ҳамфикрлар.¹ Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида Югнак номи жой Фарғона, Туркистон (шаҳри) ва Самарқанд атрофида мавжуд бўлиб, Адиб Аҳмад уларнинг қайси бирида яшагани номаълумлиги айтилса,² беш томлик "Ўзбек адабиёти тарихи"да Туркистон шаҳрининг жануби-шарқий томонида жойлашган Югнак тепа харобалари шоир туғилган жой бўлиши мумкин деб тахмин қилинади.³ М.Имомназаров эса бу номдаги жой Самарқанд, Фарғона, Сирдарё бўйларида мавжуд бўлганини таъкидлайди. Бироқ Адиб Аҳмад буларнинг қайси бирида туғилгани борасида аниқ фикр айтишдан ўзини тияди.⁴ Булардан кўринадики, 20-йиллардаёқ Фитрат фикрини банд этган бу масала бугунгача долзарблигича қолган.

Адиб Аҳмад туғилган давр ҳақида бугун ҳам бир тўхтамга келингани йўқ. Турли баҳс-мунозаралар давом этмокда.

Шу мавзудаги мақолалардан бири филология фанлари доктори М.Имомназаров томонидан эълон этилган бўлиб, "Адиб Аҳмад қачон яшаган?" деб номланади.⁵ Кейинчалик бу мақола тўлдирилиб, "Буюк сиймолар, алломалар" китобига ҳам киритил-

¹ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I-том. - Тошкент: "Фан", 1978, 132-бет.

² Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. - Тошкент: "Ўқит.", 1976, 139-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I-том., - Тошкент: "Фан", 1978, 132-бет.

⁴ Имомназаров М. "Адиб Аҳмад Югнакий", Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар ва донишмандлар) 1-китоб. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриёти, 1995, 21-бет.

⁵ Имомназаров М. Адиб Аҳмад қачон яшаган? // ЎзАС., 1995, 31 март.

ган.¹ Бунда Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" асаридаги (Юқоридаги Фитрат мурожаат қилган) маълумотга суяниб, Адиб Аҳмаднинг VIII асрда яшагани ҳақидаги фикр илгари сурилган. Қўшимча далиллар сифатида эса: 1) "Ҳибатул ҳақойик"да Анас ибн Муовия номли кишининг тилга олиниши; 2) асар тилининг, асосан, туркий арабий асосда қурилган бўлиб, форсий сўзларнинг кам учраши (олимнинг аниқлашича, асарда 650 туркий, 240 арабий, 60 форсий сўз ишлатилган); 3) асарнинг қофияланиш тизимида асосан араб қасида тури ва туркий шеърятга хос бўлган тўртликларнинг қўлланиши; 4) а) асар мазмунида сўфиёна оҳангларнинг йўқлиги; б) асосан ислом маърифатининг содда тарғиб этилиши; в) бунда "Қуръон" ва "Ҳадис"га асосланилиши; г) Адиб Аҳмаднинг шоир сифатида эмас, адиб - ислом маърифатини ёювчи сифатида танилуви ва ҳ.клар кўрсатилган.

Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул ҳақойик" асари ҳақида (Тошкент:1972) китоб эълон қилган, бу борада ўзбек адабиётшунослигида энг яхши мутахассислардан ҳисобланган – Қозоқбой Маҳмудов "Манбаларни қайтадан кўрмоқ керак" деб юқоридаги фикрларга ўз хайрихоҳлигини изҳор этди.² Йирик тилшунос олим, филология фанлари доктори Эргаш Умаров эса китобнинг "Тили ҳам қадимий" эканини исботлаб, М.Имомназаров фикрларини қўллаб чиқди³. Масаланинг баҳс қисми шундан кейин бошланди.

Тасаввуф тадқиқотчиси Иброҳим Ҳаққул, Алишер Навоийдан келтирилган, Адиб Аҳмадга оид маълумот кўп ҳам саҳиҳ эмаслигини, бу ҳолат сўфийлик характерида бор бўлиб, Югнакийдек зотларнинг ёшлари рамзий маънода катта қилиб кўрсатилиши, улуғ устозлар билан учрашуви ҳам рамзий маъно касб этишини

¹ Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: Халқ мероси, 1995, 21-25 бетлар.

² Маҳмудов Қ. Манбаларни қайтадан кўрмоқ керак, //Ўз.А. с.1995, 28 апрел.

³ Умаров Э. Тили ҳам қадимий//ЎзАС, 1995, 28 апр.

далиллар келтириб исбот этди.¹ Яна бир тадқиқотчи - Абдумалик Ёқубов эса "Ҳибатул ҳоқойиқ"нинг мазмун ва моҳияти илк ислом келган даврларга мос экани, унинг сўфийлик адабиётига яқин келмаслигини, шунинг учун бу асар VIII-IX аср маҳсули эканини таъкидлаб, "профессор" (М.Имомназаров)нинг фикрига қўшилди. Иброҳим Ҳаққулни инкор қилди.² Шу орада фитратшунос Ҳамидулла Болтабоев "Бутун эҳтимолларнинг кучлиси" (Фитрат таъбири) номли мақоласини эълон этди.³ Хуллас, баҳслар давом этмокда.

Билишимизча, баҳслар асосан, Фитрат ва М.Имомназаровларнинг, Адиб Аҳмад хусусида билдирган фикрлари доирасида кетаяпти. Шунинг учун бу икки олимнинг фикрлари билан ҳисоблашиш, бошқаларга ҳам муносабатни кўрсатади, деб ўйлаймиз. Дастлаб М. Имомназаров тадқиқотига тўхталайлик.

Олим кўтарган масала жуда муҳим. Ҳатто таҳсинга лойиқ иш. Негаки бу туркий халқларнинг қадим маданияти билан боғлиқ ва бутун туркий халқлар фахр этса арзигулик янгилик. Ушбу фикр ўз исботини топса, ўзбек филологияси фани салмоқли ютуқларга эришар эди. Биринчидан, тил тарихини ўрганиш учун энг қадимий, энг қимматли манбага эга бўлардик.; иккинчидан, озми-кўпми тарих ҳақида янги маълумотлар кириб келган бўларди; учинчидан, энг қадимги ёзма адабиётимизнинг бадиияти билан боғлиқ жиҳатлари: жанр хусусиятлари, шеър тузилиши, ифода услуби ва ҳоказоларни VIII асрнинг мукамал адабий намунаси асосида қайта белгилардик. Адабиёт тарихини даврлаштириш масаласида ҳам маълум ютуқларга эришардик. Адабий таъсир масалаларини ўрганиш мумкин бўларди.

¹ Ҳаққул Иброҳим. Аҳмад Югнакий Имоми Аъзамга замондош бўлганми. // ЎзАс, 1997, 17 январь.

² Ёқубов А. Профессор билмасдан сўзламаган // ЎзАс, 1996, 30 май.

³ Болтабоев Ҳ. «Бутун эҳтимолларнинг кучлиси» // ЎзАС, 1997, 13 июнь.

Хуллас, фанимиз равнақи учун катта ўзгаришлар юз бериши мумкин эди. Нима учун "мумкин эди" деяпмиз? Сабаб шуки, "Ҳибатул ҳақойиқ"нинг ёзилиши ва унинг муаллифи яшаган давр масаласида ҳали ҳам аниқ бир тўхтамга келинган эмас. Шу маънода М. Имомназаров тадқиқотларида ҳам айрим мулоҳазали ўринлар бор.

М. Имомназаров таянган биринчи далил – "Насойимул муҳаббат"да келтирилган, Адиб Аҳмаднинг Бағдодга бориб, Имоми Аъзам (р.а)дан дарс олгани ҳақидаги маълумотдир. Васлий Самарқандийнинг "Имоми Аъзам тарихи" китобида (изоҳ: Китобнинг асл номи "Ал-каломул афҳам фи маноқиби Имоми Аъзам" бўлиб, Шаҳобиддин Аҳмад ибн Хожарнинг "Ал-ҳайратул аҳсан" ва Алоуддин ал Хаскафийнинг "Ал-дурул мухтор фи шарҳи танвирул абсор" номли китобларидан таржима қилинган. Асар мазмунига қараганда муаллиф икки китобдан ҳам Имоми Аъзам (р.а)га оид қисмларини "иктибос" (Васлий) қилиб олган. Баъзи ўринларда Васлийнинг замондошларига қарата хитоби ҳам янграйдик, бу асарнинг оддий таржима эмас, эркин-ижодий таржима дейишга асос беради. Асардаги далилларнинг ишончли эканига шубҳа йўқ. Чунки ислом уламолари, шўро тарихчиларидан фарқ қилиб, ғалат гапиргани худодан кўрқадилар. Муаллифнинг "Тарих"ни ёзишда бир эмас, икки манбага асослангани ҳам буни исботлайди). Ҳазрат Абу Ҳанифа (р.а.)нинг Куфада туғилганлари, бутун умр шу жойда яшаганлари айтилади.¹

Агар М. Имомназаров тахмин қилганидек, Аҳмад Югнакий 750 йил атрофида туғилиб, 15-16 ёшларидан бошлаб Имоми Аъзам (р.а.)га шогирд тушган бўлса,² ушбу VIII асрнинг 60-йилларига

¹ Самарқандий Васлий. Имоми Аъзам тарихи, - Тошкент: "Ёзувчи", 1995, II-бет. Бошқа тафсилотларни китобнинг барча саҳифаларида учратиш мумкин.

² Имомназаров М. Адиб Аҳмад қачон яшаган?//ЎзАс, 1995, 31 март.

тўғри келади. Бу деганимиз имоми Аъзам (р.а) умрларининг охирги йиллари демакдир. У зот ҳаётларининг сўнгини Бағдодда ўтказдилар, Адиб Аҳмаднинг шогирдлик даври шунга тўғри келди десакчи...? Бу тахминимизни ҳам Васлий Самарқандий китобидаги бир далил йўққа чиқарди. Китобнинг "Вафотлари сабабининг баёни" деб номланган фаслида "Мансури макхур ва хулофайи марғуб...Имоми Аъзам ҳазратларини ўлдурмоқ хаёлига тушти. Бағдодга чақирди",¹ – деб ёзиладики, агар Имоми Аъзам (р.а) Бағдодда яшаганларида чақиришнинг хожати бўлмасди, деб ўйлаймиз.

Китобда "Мансури макхур" деб таърифланган киши Аббосий халифаларининг иккинчиси бўлиб, тўлиқ исми Абу Жаъфар Мансурдир. Унинг "Дажла соҳилида, эски Мадоин шаҳри ёнида, Салафқа шаҳри хасобаларининг устига Бағдод шаҳрини қурдирган"и ҳам маълум.² Бағдод шаҳрининг қурилиш тарихи 762 сана бўлса, шаҳар қурилгандан беш йил ўтиб (767), Имоми Аъзам (р.а) шу жойда қатл қилинганлар. Бу ҳар томонлама Васлий Самарқандий китобидаги далилни тасдиқлайди, тўлдирди.

Иккинчидан, Васлий Самарқандий китобида Абу Ханифа (р.а) шогирдлари ҳақида маълумот берилгани ҳолда, Адиб Аҳмад хусусида ҳеч гап айтилмайди. Агар бу гап бор бўлганда, Васлийдек шоир буни фахр билан зикр этган бўларди. Адиб Аҳмад Имоми Аъзам (р.а)нинг биринчи туркий шогирди сифатида ҳам тилга олинишга ҳақли эди.

Савол туғилади: Агар Имоми Аъзам (р.а) Куфада туғилиб, шу ерда яшаган бўлсалар, нега Навоий Бағдодда деди? Агар Куфа шаҳри Навоий даврида Бағдод деб юритилган бўлса

¹ Самарқандий В. Шу асари. - 54-бет.

² Кўнрапа З. Алвидо, дунё! Ассалом охираат! - Тошкент: Шарқ, 1996, 135-бет.

(уларнинг бошқа-бошқа шаҳарлар экани аниқ)¹, нима учун ундан кейин яшаган Васлий Самарқандий бу шаҳарни Куфа деб берди? Агар Алишер Навоий Адиб Аҳмадни Имоми Аъзам (р.а)нинг энг яхши шогирдларидан деган бўлса, нега "тарих"да бошқа шогирдлар номи тилга олинади-ю, Адиб Аҳмад тўғрисида лом-мим дейилмайди?

Энди айнан "Адиб Аҳмад қачон яшаган?" мақоласининг муаллифига тегишли мантикий ноизчилликларга эътибор қилинг. У ушбу мақоласида "Бағдодда VIII асрда туркий шеърийят туғилди" дейди.² Мақоланинг китобдаги вариантыда эса "Асар Хуросон ёки Мовароуннаҳрда ёзилган бўлса керак", деб тахмин қилади.³ Ёки газетада нашр қилинган мақолада туркийларнинг ялпи мусулмонлашувини (Сотуқ Бугроҳон 922) X асрда эканини, Адиб Аҳмаднинг "Қорахонийларга ҳам, салжуқийларга ҳам, хоразмийларга ҳам алоқаси йўқлиги"⁴ни айтиш билан, унинг булардан олдин яшаганини исбот этмоқчи бўлади-ю,"Адиб Аҳмад Югнакий" мақоласида асарнинг "Турк ва Ажам мамлакатларининг ҳукмдори" – Дод Сипоҳсоларбекка бағишланганини таъкидлайди.⁵ Агар "Ҳибатул ҳоқойиқ" ёзилган даврда ислом туркий ўлкаларда расмий дин ўлароқ қабул этилмаган, фақат қорахонийлар даврига келибгина бу иш амалга ошган бўлса, унда нега бир кичик амалдорга,⁶ ҳатто давлат кишисига (олимнинг тахминича, ҳали ислом

¹ Проф. З.Кўнрапанинг ёзишича, ислом халифалиги Уммавийларнинг айби билан иккига бўлинганда (Куфа ва Шом) Ҳазрат Али розияллоху анхунинг пойтахтлари, халифалик марказлари Куфа шаҳри бўлган экан.(Биринчи тагхатдаги манба - 127-135 бетлар).

² "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1995, 31 март.

³ Буюк сиймолар, алломалар.1-китоб.(М.Имомназаровнинг "Адиб Аҳмад Югнакий" мақоласи).- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриёти, 1995, 22-бет.

⁴ //ЎзАс, 1995, 31 март.

⁵ Буюк сиймолар, алломалар, 1-китоб, - Тошкент: 1995, 23-бет.

⁶ Сипоҳсолар сўзи кўпда подшоҳларнинг амалдорларига нисбатан ишлатилгани маълум. Қолаверса Фитрат ҳам уни "Фарғона ҳокими" деб кўрсатган эди.

нималигидан хабарсиз бўлган, йирик бир давлатнинг амалдорига) исломий характердаги китоб "бўлак" (Фитрат таъбири)¹ қилинган? Буни ғайриисломий сиёсат қандай қабул қилди экан? Ахир китобнинг тақдим этилиши, **биринчидан** муаллифнинг шу ҳукмдорга ишонч ва хайрихоҳлигини билдирса; **иккинчидан**, давлат сиёсати даражасидаги ҳаракат-ку!?

Энди Анас ибн Муовия масаласи ҳақида. М.Имомназаров унинг Уммавийлардан (Муовия ибн Абу Сўфённинг ўғилларидан) эканини таъкидлаш билан ҳам Адиб Аҳмаднинг VIII асрда яшаганига урғу бермоқчи бўлган. Аммо яна зиддиятга йўл қўйган. Аввало олим Уммавийлар таназзулининг бошланишини Имом Хусайн (роз.анҳ.Расулуллоҳ с.а.в.нинг кичик набиралари)нинг ўлдирилиш воқеаларига боғламоқчи бўлади. Ҳолбуки, Имом Хусайн (роз.анҳ.) 680 йилда ўлдирилган бўлиб,² Уммавийлар халифалиги бундан кейин яна 70 йил яшади. Яъни бу даҳшатли қатл орқали ўз мавқеини мустаҳкамлади. **Иккинчидан** Анас ибн Муовия Уммавийлардан дейилган ҳолда,³ "Ҳибатул ҳоқойик"да "Анас ибн Муовиянинг тилга олиниши, расман ҳали бу юртлар Аббосийлар халифалигига тобелигига ишора қилиб тургани" таъкидланади.⁴ Бу даврга келиб (яъни олим тахмин қилганидек, Адиб Аҳмад 750 йиллар атрофида туғилган, умрининг охирида ўз асарини ёзган бўлса) бутун ислом олами Аббосийларга тобе экани тўғри. Буни манбалар далиллайди.⁵ Аммо Уммавийлар билан Аббосийлар ўзаро сиёсий душман бўлатуриб, Уммавийларнинг сўнгги вакиллари гача Аббосийлар томонидан қириб ташлангани

¹ Бўлак-ҳадия, тортиқ демақдир.

² Кўнрапа Закои, Алвидо дунё! Ассалом охират! Тошкент: "Шарк", 1995, 129-бет.

³ //ЎзАс. 1995, 31 март.

⁴ Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: "Халқ мероси", 1995, 23-бет.

⁵ Кўнрапа Закои. Алвидо дунё! Ассалом охират! Тошкент: "Шарк", 1996, 138-139 бетлар.

(Буни муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлаган эди) собит бўлгани ҳолда Аббосийлар сиёсати ҳукм сурган мамлакатда Анас ибн Муовиянинг (Имомназаров фикрича, Муовия ибн Абу Сўфён авлодининг) номи тилга олинмишида қандай мантиқ бор?

Бундан ташқари, "Имоми Аъзам тарихи"да Уммавийлар билан Абу Ханифа (р.а)нинг ўзаро ёмон муносабатда бўлганларини кўрсатадиган далиллар бор.¹ Шу маънода, Адиб Аҳмад ўз устозига бешафқат муомалада бўлган Уммавийлар вакилини нега мадҳ этди экан?!

Проф. З. Кўнрапа Шом-Уммавий халифалиги тўқсон йил давом этганини (660-750), бу давр ичида ўн тўрт халифа келиб кетганини ёзади. Номларини санайди.² Аммо булар орасида Анас ибн Муовия номини учратмадик. Бундан келиб чиқадики, Анас ибн Муовиянинг Уммавийларга алоқаси йўқ.

Навбатдаги далиллар бевосита "Ҳибатул ҳоқойиқ" асари билан боғлиқ эди. Мақолада туркий ва арабий сўзлар асар таркибида кўп учраши, форсий сўзларнинг кам қўлланиши айтиладики, буни китобнинг исломий руҳда экани ва асосий қисмини ояту ҳадислар ташкил қилиши билан изоҳлаш мумкин. Асарнинг қофияланиш тизимида араб шеъриятининг таъсири бор деган фикрга эса қўшилиб бўлмайди. Чунки Фитрат туркийларга араб шеърияти форсийлар шеърияти орқали кириб келганини исбот этган.³ Хусусан, "Ҳибатул ҳоқойиқ"нинг тизими" ҳақида шундай ёзади:

¹ Самарқандий Васлий, Имоми Аъзам тарихи, Тошкент: "Ёзувчи", 1995, 50-52 бетлар.

² Кўнрапа З. Алвидо дунё! Асалом охират! 3-китоб, Тошкент: 1996, 127-135 бетлар.

³ Фитрат А. Аруз ҳақида. - Тошкент: "Фанлар комитети нашриёти", 1936, 13-22 бетлар (лотин ёзувида) ("Исбот этди" дейишимиз Фитратнинг бу борада чуқур билими борлигига ишончимиздан келиб чиқади).

"Китобнинг бу қисмини (асосий қисмини – У.Ж.) қасида, ғазал шаклида эмас, рубоий (тўртлик) шаклида давом эттирадир. Бу рубоийлар шакл ва услубча "Қутадғу билик"даги рубоийларнинг худди ўзи кабидир".¹ Яна бир жойда "Ҳибатул ҳоқойиқ"нинг "вазни аруздан "мунтақориби мусаммани мақсур (фаълун, фаълун, фаълун, фаул) бўлуб, "Шоҳнома" ва "Қутадғу билик" билан бир вазндадир", деб ёзадики,² булар ҳам форс-эрон шеърятининг Адиб Аҳмад ижодига таъсиридан далолат.

Хуллас, бундай зиддиятли, мантиқий исбот топмаган, илмий асосланмаган фикрлар олимнинг ҳар икки тадқиқотида ҳам керагича топилади. Юқорида бу йўлдаги ҳаракатнинг нақадар масъулиятли эканини айтган эдик. Шу маънода бугун адабиётшунослик илмига турли руҳий-таҳлил методларини, замонавий ЭҲМ ютуқларини олиб қираётган, ва айни пайтда, Шарқ маънавиятига паст назар билан қарашга ўрганган баъзи хорижлик мутахассисларнинг бу каби бўш тадқиқотларимизни йўққа чиқариши ҳеч гап эмас.

Шу маънода Фитрат мақоласида ҳам айрим жузъий ноаникликлар борки, буни қуйида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Олим Югнакий таржимаи ҳолини ўрганаётиб, у ҳақдаги Навоий берган маълумотга дуч келгани ва уни "афсонавий хабар" сифатида баҳолаб, қабул қилмаганини юқорида айтган эдик. Ўз фикрни эса: "Айбатул ҳоқойиқ"нинг ҳижрий иккинчи асрда (яъни "Қутадғу билик" билан "Девону луғат"дан уч аср бурун) ёзилганини қабул этишга имкон йўқдир. "Айбатул ҳоқойиқ"нинг тили, услуби унинг "Қутадғу билик"дан бир-икки аср сўнгра

¹ Фитрат А. Айбатул ҳоқойиқ//Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 10-сон, 44-бет.

² Шу манба -45- бет.(Асар вазнини Фитратдан айнан келтирдик. Бугунги кунда фаулун, фаулун,фаулун,фаул, шаклида қўлланилади).

ёзилгонин кўрсатмакдадир" (таъкид бизники – У.Ж.), деб исбот қилганини кўриб турибмиз.¹

Агар олимнинг Абдураззоқ Баҳши томонидан кўчирилган асар нусхасидан фойдаланганини ҳисобга олсак, бу 1480 йилдаги (В) нусха² бўлиб чиқади. "Қутадғу билик" билан "Девону луғатит турк"нинг XI аср адабий ёдгорлиги экани эса аниқ.³ Шу ўринда Фитратнинг асар тили ҳақидаги фикри тўғри. Е.Э.Бертельс, С.Е.Малов, Н.Маллаев, Қ.Маҳмудовлар ҳам буни тасдиқлаганлар⁴ ва шунга асосланиб, асар ёзилган йилини белгилаганлар. Энди барча фикрларнинг асар ёзилган (номаълум) санага эмас, айна асар кўчирилган (XV аср) санага келиб туташаётганига эътибор қилайлик.

Бундан кўринадики, юқоридаги барча олимлар далилий жиҳатдан ҳақлар. Яъни ҳақиқатдан ҳам "Ҳибатул ҳоқойик" мавжуд нусхаларининг тили XII-XIII асрлар тилидир.⁵ Аммо асар ёзилган даврни белгилашда ноҳақлар. Негаки, бу тил хусусиятлари асар ёзилган даврга эмас, айнан кўчирилган даврга яқин келади.

Бизга керакли жойи шуки, барча олимлар қатори Фитрат ҳам Адиб Аҳмад даврини белгилашда кўчирма нусханинг тилига асосланди. Ва тадқиқотининг бутун йўналишини шу билан белгилади. Оқибатда ноаниқлик келиб чикди.

Мумтоз адабиётимизнинг энг мўътабар вакиллардан бўлган Аҳмад Югнакий илмий биографиясини ишлаб чиқиш масаласи бугунгача ечимини топган эмас. Юқорида келтирилган баҳслар фикримизга далилдир. 20-йилларда бу масалага биринчилардан бўлиб Фитрат эътибор қаратди. Аҳмад Югнакий айнан илк адибларимиздан бўлгани учун ҳам, олим буни муҳим вазифалардан бири деб

¹ Фитрат А. Айбатул ҳоқойик.//Маориф ва ўқитувчи, 1928, 10-сон,42-бет.

² Содиков Қ. Аждодларимиз битиги. - Тошкент: Фан, 1990, 17-бет.

³ Ўзбек адаб. тарихи, беш томлик, I том, - Тошкент: Фан, 1978, 88-бет.

⁴ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи, - Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 140-бет.

⁵ Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, I том. - Тошкент: "Фан",1978, 133-бет.

ҳисоблади. Унинг «Айбатул ҳақойиқ» деб номланувчи мақоласи матбуотга мўлжаллаб ёзилган бўлса-да, йирик фундаментал тадқиқот даражасидаги ишдир.

Олим Югнакий таржимаи ҳолини ишлаб чиқиш учун қадим кўлёзма манбалардаги маълумотларни, турк ва рус адабиётшунослигида мавжуд фикрларни синтез қилиш билан бир қаторда, ўз услубига асосан адибнинг асарига ҳам мурожаат қилди. «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг тил ва услуб жиҳатларни ҳам эътибордан қочирмади. Натижада Югнакий яшаган давр, у туғилган жой, унинг оиласи ҳақида муҳим хулосаларни ўртага ташлади. Бироқ «Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг асл нусхаси олимнинг кўлида бўлмагани масалани ҳал қилишда маълум ноаниқликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Югнакий яшаган давр масаласи бугунги кунгача баҳсларга сабаб бўлаётгани ҳам, бизнингча, айнан асл нусханинг йўқлигидандир. Фақат асл нусхага суянибгина бу ҳақда сўнги фикрни айтиш мумкин бўлади, деб уйлаймиз.

3-фасл. Фитрат – тасаввуфшунос.

а) Тасаввуф мумтоз адабиётнинг негизи сифатида

Машҳур мустаҳрик – Е.Э.Бертельс "Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас" деган эди.¹ Бугунги кунда етти ёшдан етмиш ёшгача, тасаввуф тўғрисида гапирар экан, бу сўзларни албатта такрорлайди. Олимлар ишларида кўчирма қилиб келтирадилар. Муаллимлар талабаларга шундай деб сабоқ берадилар. Зеро, 20-йилларда бу гапларни нафақат оғизда, балки амалиётда ҳам қўллай бошлаган бир авлод борлиги ҳақида кўпчилик билмайди.

Шу давр илмий-адабий муҳитида юксак ўринлардан бирини эгаллаган, даврнинг бузуқ ҳавосига пок эътиқодини қалқон

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965, с.54.

килиб, қалбини сақлаб қола олган – мунаққид Вадуд Махмуд 20-йилларнинг ўрталарида "Алишер Навоий" мақоласини ёзди.¹ Унда Навоийнинг "муҳити", "таржимаи ҳоли", "илмий-адабий шахсияти" каби бўлимлар билан бир қаторда, шоирнинг сўфиёна қарашларини акс эттиришга мўлжалланган "мутасаввиғлиги" деган фасл ҳам бор эди. Унда мунаққид "Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким, ҳар асарининг ҳар ерида унинг таъсири кўринадир", деб қайд этади. Бу биз кўчирмалар олиб юрган ҳикматли сўзларнинг Шарқнинг мутафаккир бир ўғли томонидан сал бошқачароқ шаклда айтилиши эди.

Ёки, бугунги кунгача ижоди тўлиқ ўрганилмаган, 20-йилларда мумтоз адабиётга оид кўплаб тадқиқотлар ёзган Абдурахмон Саъдий ҳам сўфий шоир Аҳмад Яссавийни, фахр билан "умумтурк шоири" деб атаган эди. Ундаги шоирлик салоҳиятига: "Яссавийнинг илҳоми ўзининг арбоби юртида чачраб тушкан, ҳар уришда ёнғин чиқаратурғон даҳшатли бир ўт тошқинидир", деб баҳо берган эди.²

Ҳатто ҳийлакор тузум, ўз измига солмоқ учун, ёш вужудига шафқатсиз тўрини ташлаган – Отажон Ҳошим ҳам тўрларни йиртгудек ҳайрат билан Навоий, Лутфий, Бобур каби сўфий шоирларнинг "санъати"дан сўзлаган эди.³

Энди буларнинг барчасидан ҳам ёш, ҳам илму тафаккур, ҳам истеъдод жиҳатидан бир зина юқорида турган, буларга нисбатан устоз мақомида бўлган – Фитратнинг шу борадаги қарашларини кўриб ўтайлик.

Олимнинг тасаввуфга оид тадқиқотлари анчагина. Ва ўзининг таҳлил тамойили, кенг қамрови билан ҳам бошқа замондошлари-

¹ Махмуд Вадуд. Алишер Навоий (Нашрга тай. рловчи Б. Каримов) // Ёшлик, 1991, 5-сон.

² Яссавий ким эди, - Тошкент: Халқ мероси, 1994, 10-11 бетлар.

³ Ҳошимов О. Пролетар адабиёти ва адабий мерос, Қизил қалам мажмуаси. I китоб, Сам.: 1928.

нинг ишларидан ажралиб туради. Унинг тасаввуф тарихини ўрганишга доир маълум режалари бўлган кўринади. Хусусан, "Аҳмад Яссавий" мақоласида бунга ишора ҳам бор. Мақолада бу шундай акс этади: "Сўфийликдан бу яссавий ва нақшбандий тариқатларининг ҳаракатлари Ўрта Осиё тарихининг муҳим ҳам жуда қизиқ бир қисмидир. Шу кунгача жиддий сувратда текширилмаган бу мавзуга оид яқинда "Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари" унвони билан мақолалар эълон қилмоқчимиз".¹

Кўринадики, Фитрат тасаввуф вакилларининг ижоди билангина қизиқиб қолмаган, балки улар мансуб, шу билан бир қаторда бутун дунёга машхуру манзур бўлган тасаввуф оқимлари (тариқатлари)билан ҳам махсус шуғулланишни ният қилган. Ушбу эзгу ният тўла амалга ошмаган бўлса ҳам, турли тариқат вакиллари ижодини тадқиқ этиш шаклида намоён бўлган.

Нақшбандийлик тариқатининг буюк вакили – Алишер Навоий ижодининг таҳлили Фитрат тадқиқотларининг асосий қисмини ташкил этади. Фитратшунос Ҳ.Болтабоев тўғри таъкидлаганидек, у Навоийни ўттиздан ортиқ асарларида тилга олган.² Асосий ўринларда уни ўзига ибрат, ўзини унинг давомчиси деб билган. Хусусан, аруз ва тил тарихига оид масалаларни ҳал этишда бу яққол сезилади. Аммо буни тақлидга ёки кўзни юмиб эргашишга йўйиш хато бўлади.

Унинг баъзи масалаларда улуғ устози билан чиқиша олмаган ўринлари ҳам бор. Баъзан миллат ишқи билан лиммо-лим қалби жўшиб Ҳазрати Навоийга "турк мусиқаси тўғрисида китоб" ёзмаганини таъна қилса, баъзан назарий масалаларда хато кетган жойларини кўрсатади, ўз эътирозларини баён қилади.³ Ва, айни

¹ Яссавий ким эди, - Тошкент: Адабий мерос, 1994, 34-бет.

² Болтабоев Ҳ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д...дис.авторреф. - Тошкент: 1996, 35-бет.

³ Қаранг: Болтабоев Ҳ. Мир Алишер Навоий Фитрат талқинида//Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 1-сон, 13-21-бет.

пайтда Бобурнинг "Навоийнинг форсий шеърлари туркий шеърларига кўра кучсизроқдир", деган сўзларига эътирозан, унинг "форс тилида ҳам теран усто бир санъаткор" эканини эътироф этади.¹

Алишер Навоийнинг «Хайратул аброр»да олдинга сурган қарашлари масаласи Фитратнинг "Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри" деб номланувчи рисоласида акс этган. Шу пайтгача бу рисоланинг муаллифи номаълум деб келинар эди. Заҳматқаш олим Х.Болтабоев бу рисола Фитратга тегишли эканини аниқлади. Бунга далил сифатида Фитратнинг услуби, фикрий ўзига хослиги ва матн танлаш билан боғлиқ бир неча жиҳатлар келтиради.² Бу рисола нафақат Ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги қимматли тадқиқот бўлиши билан, балки Фитратни «Хайратул Аброр» дostonининг моҳиятига чуқур назар ташланган иши сифатида ҳам эътиборга молик. Шу билан бирга махсус тадқиқотларни талаб қиладиган даражада муҳим манбадир.³

Шоир Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг илк таҳлили ҳам Фитрат номи билан боғлиқ.⁴ Кейинчалик шўро даври адабиётшунослигида бу анъана давом этди. Унинг ижоди "кенг ўрганилди", "ҳаққоний талқин" этилди. "Буюк ижодкор", "исёнкор шоир" дея кўкларга кўтарилди. "Инқилобчи" даражасига кўтарилган ўринлар ҳам бўлди. Шунинг учун Машрабнинг дарсликларга кириши, машҳур бўлиши масаласи осон ҳал бўлди.

Замонлар ўзгарди, фикрлар равшанлашди. Кейинчалик билсак, Машрабнинг исёни олдин билганимиз каби фақат дин-

¹ Фитрат А. Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида.//Маориф ва ўқитғувчи. 1927, 12 (24)сон, 38-39 бет.

² Болтабоев ХХ. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис.автореф. - Тошкент: 1996, 35-бет.

³ Асарнинг тўлиқ матни кўлимзда бўлмагани сабабли бу ҳақдаги маълум фикрлари келтириш билан чекландик.

⁴ Фитрат А. Машраб.//Илмий фикр. 1930, 1-сон.

дорларга, бойларга қарши эмас, бутун жамиятга экан. Машраб каби исёнкорлар эса қаландарлик силсиласига мансуб экан.

Мутахассисларга мурожаат қиламиз. Профессор Нажмиддин Комилов бунини "тасаввуфнинг фано, тавҳид, ишқ ва васл каби" ғояларнинг бир вужуддаги мужассаами деб тушунтиради.¹ Абдумалик Ёқубов эса очикроқ қилиб, ошиқнинг васл кўйида девона бўлиши, васл илинжида гуноҳлардан ҳам тап тортмаслиги тарзида изоҳлайди.² Ж.С. Трёмингэмда қаландарлик бутун жамиятга, жамият урф-одатларига қарши ҳаракат деб ифодаланади. Бунга Шаҳобиддин Сухравардийдан далиллар келтирилади.³

Фитрат ўз мақоласида Машраб ижодининг ўрганилиш тарихи ва манбалари, унинг таржимаи ҳоли ва қаландарлиги, асарлари ва уларнинг адади каби масалаларга ўрин берган. Кўйилган масалаларни профессионал ҳал қилган. Айниқса, олимнинг Машраб таржимаи ҳоли ва ижодининг моҳияти хусусида рус мусташриқлари Н.С. Ликошин, П.В. Вяткин билан қилган баҳслари диққатга сазовор. Фитрат П. Вяткиннинг Машраб ижодини ўрганишда ниҳоятда кам манбага асосланганини, оқибатда шоир шахси ҳақида ноилмий хулосага келганини таъкидлайди.⁴ Вяткинга қарши ўларок олимнинг ўзи фақат таржимаи ҳолни ёритиш учун қуйидаги беш манбадан фойдаланган. Булар: Малехо Самарқандийнинг «Тазкиратул асҳоб», Абдулмутталиб Фаҳмийнинг «Мажмуаи Фаҳмий», Саийд Ҳакимхонтўранинг «Мунтаҳабут таворих», Мирзо Олимнинг «Ансабус салотин», Мажзуб Намангонийнинг «Тазкиратул авлиё» асарларидир.

¹ Комилов Н. Тасавуф. I китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996, 75-бет.

² Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Тошкент: Узбекситон, 1994, 28-бет.

³ Трёмингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. - М.: Наука, 1989, с. 276-277.

⁴ П.В. Вяткин, асосан, Машраб ҳақидаги «Маноқиб»га асосланиб шоирнинг тарихий шахс эканини инкор этган эди.

Фитратнинг Машраб таржимаи ҳолига оид изланишлардан жой олган бир маълумот диққатни тортади. Яъни, бирор тадқиқотда Машраб Офокхўжа даргохидан ҳайдалгандан сўнг, яна ўз пири хузурига қайтиб келгани ҳақидаги маълумот учрамайди. Фитрат эса шоирнинг «Яна Қашқарга қайтиб, Офокхўжага тавба қилгани, яна мурид бўлгани»ни айтади.¹ Афсуски, Фитрат ушбу маълумотни қайси манбадан олганини кўрсатмаган.

Фитрат Машраб асарларидан «Мабдаи нур»га асосий диққатини қаратади. Ўзигача айтилган фикрларни рад этиб, ушбу асар Машраб қаламига мансублигини исбот этади. Унинг далиллари қуйидагилар:

а) «Мабдаи нур» билан «Маноқиб»даги тил бирдир;

б) «Девонаи Машраб»даги маснавийлар услуби билан «Мабдаи нур»даги маснавийлар услуби ўхшаш;

в) Офокхўжа ўз шогирдларига Жалолиддин Румий маснавийлари шарҳи асосида дарс ўтган. Машраб унинг шогирдлардан ва асарларда Румийнинг таъсири очик кўринади;

г) «Мабдаи нур» муаллифи Офокхўжа шогирди экани асар хотимасида келтирилган.

Олим Машраб ижодини таҳлил этишда қаландарийликни асос қилиб олган ва шу йўл билан бу силсиланинг моҳиятига кириб борган. Бу ҳам ўзбек адабиётшунослигида биринчи тажриба эди.

Фитрат қаландарийлик силсиласининг уч жиҳати устида кенг тўхталади. Аввало, қаландарийлик моҳиятини очиб беради. Бунда у қаландар сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқади. Шаҳобиддин Сухравардийнинг қаландарликка берган таърифини, Урфий Шерозий, Мир Муҳаззинларнинг қаландарлик моҳиятини ифодаловчи байтларини ва бу хусусдаги халқ мақолаларни қўшимча

¹ Фитрат А. Машраб. (Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи: Б. Дўстқораев).//Ёш ленинчи, 1991, 29 июнь.

далил сифатида келтиради. Иккинчидан, қаландарийлик тарихи ҳақида сўз юритади. Бу силсиланинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиш даврини Жомийнинг «Нафоҳотул унс», «Мифтоҳут толибин» асарларига суяниб, XV аср деб белгилайди. Қаландарийликнинг яқин йилларгача давом этгани, аммо кейинги давр қаландарлари тиланчилик, қаландархоналарда яшаш, Яссавий ва Машраб шеърларини овоз чиқариб эл орасида ўқиш каби зоҳирий машғулотлар билан банд бўлганларини айтади.¹ Учинчидан, қаландарларнинг либоси, унинг тасаввуфий маънолари, қаландарлар махсус сўзлашадиган тил (абдал тили) ҳақида маълумот беради.

Энг муҳими Фитрат Машраб ижодининг асосини қаландарийликда деб тушунтирди. Қаландарийликни эса «мусулмон тасаввуфининг бир шуъбаси» деб талқин этди. Машраб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ғайриоддий ҳолатларни шу билан изоҳлади. Шоир асарларида зухур этган пантеистик (вахдати вужуд) қарашларни тўғри англади, ҳолис баҳолади.

Кўринадики, Фитратнинг ушбу мақоласи нафақат Машраб ижодини ўрганишда, балки тасаввуфнинг қаландарийлик силсиласи ҳақида тадқиқотлар олиб бориш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фитрат тасаввуфни тариқатлар, шоирлар ижодига боғлаб талқин этиш билангина чекланиб қолмади. Унинг турли даврлар адабиётига бўлган таъсирини ҳам ўрганди. Маълум адабий муҳитдаги инъикосини зукколарча англаб етди. Масалан, "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш" мақоласида Умархон атрофидаги Кўқон адабий муҳитнинг хос хусусияти си-

¹ Мўминжон Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин) Тошқиннинг «Тошкент шоирлари» тазкирасида Тошкентдаги қаландархоналар ва қаландарлар ҳақида келган маълумотлар Фитратнинг бу фикрларини тўла тасдиқлайди.

фатида тасаввуфий рамз ва тимсолларни мохирона кўллашни кўрсатади.¹

Мухтасар айтганда, Фитрат тасаввуф ва мумтоз адабиётнинг бир бутун организм эканини биринчилардан бўлиб эътироф этди. Тасаввуфни мумтоз адабиётнинг, сўфиёна руҳни бу адабиёт вакиллари ижодининг негизи сифатида талқин қилди.

Тасаввуфнинг нақшбандия тариқатига мансуб бўлган Навоий ижодини мукаммал ўрганилиши, Машраб воситасида қаландарийлик силсиласининг моҳиятига қириб борилиши, XVI асрдан кейинги давр адабиётида тасаввуфнинг ўрни масалалари ҳақида фикр билдирилиши Фитратни йирик тасаввуфшунос дейишимизга асос беради. Олимнинг Аҳмад Яссавий ижоди ва яссавия тариқати бўйича олиб борган изланишлари фикримизни янада тўлдириши аниқ.

б) Тасаввуф ва сўфиёна адабиётга муносабат масаласи

Юқорида Фитрат тасаввуфни мумтоз адабиётнинг негизи деб тушунди дедик. Бу фикримизни баҳоли қудрат исботлашга ҳам ҳаракат қилдик. Далиллар келтирдик. Шу сабабли, Фитратнинг тасаввуф адабиётига муносабати ҳақида гапиришдан олдин бир нарсага изоҳ бериб кетиш лозим кўринади. Йўқса турли англашилмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Бу Фитрат илмий тафаккури, идроки, эстетик қарашлари, қолаверса, уларни шакллантирган омиллар билан боғлиқ масала. Нафақат Фитратда, балки жамийки одамзотда бир хусусият бор. Бу идрок, дунёқараш ва муносабат ўртасидаги инсон табиати билан боғлиқ зиддиятлардир. Тушуниб етмоқ ва муносабат билдир-

¹ Фитрат А. XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш//Аланга, 1929, 8-9-сон.

моқ. Бу иккаласи доим ҳам мос келавермайди. Яъни инсон бирор нарсани тушуниб туриб, унга фақат ижобий муносабатда бўлолмайди. Баъзан бу инсоннинг ўз зарарига ҳам бўлиши мумкин. Унга хос бундай хусусият халқ мақолларида «Ўзингга ўзинг қилдинг», «Ўз бошига ўзи етди» тарзида содда ифодалангани. Рухшунослик, эстетика, адабиётшунослик фанларида бунинг илмий исботига оид фикрларни учратамиз. Ўзбек адабиётшунослигида етук намунаси деб эса, истеъдодли олим М. Олимовнинг «Ички «мен» қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг кураш майдони сифатида», «Инсон табиатидаги бир емирувчи куч ҳақида» каби мақолаларини кўрсатиш мумкин.¹ Зеро, сарлавҳанинг ўзи ҳам ниманидир англатиб турибди. Хуллас, бу жуда мураккаб масала.

Фитратга нисбатан эса масалани бу қадар чуқур қўйиб бўлмайди. Айни пайтда юзаки ёндошиш ҳам хато талқинларга олиб келиши мумкин. Бизнингча, Фитратнинг тасаввуфга муносабатини дунёқарашлар тўқнашуви деб тушунмоқ тўғри бўлади.

Фитратнинг тасаввуфга муносабати, ҳаммасидан кўпроқ «Аҳмад Яссавий» мақоласида ўз аксини топган. Бунинг сўфиёна адабиётга нисбатан кўриниши эса Яссавий ижодига муносабатда юзага чиқади. Буларнинг ўртасига айирма қўйиб бўлмайди. Чунки иккаласи бир маънони ифодалайди.

Фитратнинг Яссавий ижодига ноҳолисроқ ёндошуви хусусида адабиётшуносларимиз турли фикрларни билдирадilar. Проф. Б. Қосимов ўзининг «Шайхул машойих» деб номланувчи мақоласида буни: «ўша йиллар (20-йилларнинг иккинчи ярми – У.Ж) томир ота бошлаган партиявий монополистик нуқтаи назарнинг исканжасидан узоқ кета олмаслик» деб талқин қилади.² Б. Дўстқораев эса бунинг сабабини Яссавий шеърятининг бадий савияси билан

¹ Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. - Тошкент: 1994, 77-82-бетлар.

² Қосимов Б. Шайхул машойих/ЎзАС, 1993, 5 март.

боғлаб изоҳлайди.¹ Ушбу мулоҳазаларга аниқ муносабат билдиришга шошилмаймизки, услуб шуни талаб қилапти.

Фитратнинг Яссавийга муносабати адабиётшунос Х. Болтабоев томонидан сал ўзгачароқ талқин этилган. У олимга бевосита тазйиқ бўлган деб тахмин қилади. Исбот сифатида мақоланинг биринчи қисми билан кейинги чиққан қисми (мақола «Маориф ва ўқитғувчи» нинг к^етма-кет икки сонида босилиб чиққан)ни қиёслаб кўрсатади: «Англашимизча, Фитратга Аҳмад Яссавий ижодини «синфий ёқдан текшириш» топшириғи бўлган, бироқ олим мақолани бу топшириқни унчалик уддаламай тугатганки, натижада унинг қўлига яна қалам тутқазиб, Яссавийни ўзи тушунганчалик эмас, балки атрофдаги жоҳил муҳит талаб этганчалик талқин қилиш юклатилган. Олим бу ишдан бўйин тортишни уддалай олмаган», – деб ёзади бу ҳақда фитратшунос.²

Бизнингча, бу фақат масаланинг бир томони. Негаки, фитратшунос айтгандек, фақат кейинги сонда эмас, мақоланинг дастлабки қисмида ҳам муносабат иккинчидаги каби эди. Бироқ бошланғич кўринишида, умуман тасаввуфга муносабат сифатида намоён бўлган эди.

Проф. Н. Комилов тасаввуфнинг пайдо бўлиши сабабини тавҳид эътиқодини, охират тадоригини дунё зеб-зийнатларига алмашган катта бир жамиятга қарши, шу жамиятдан чиққан, пок иймонли, мустаҳкам эътиқодли кишилар гуруҳининг норозилик белгиси, исёни деб тушунтиради. Бошланишини ҳазрати Усмон (р.а.)нинг халифалик даври деб белгилайди.³ Ж.С. Тримингэм бу хусусда сал бошқачароқ фикрда. У қўпроқ ягона шахс эътиқоди, ишончига эътиборни қаратади. Бизнингча, унинг бундай

¹ Яссавий ким эди? - Тошкент: Халқ мероси, 1994, 8-бет.

² Болтабоев Х. XX аср боши ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси, ф.ф.д....дис. - Тошкент: 1996, 144-145-бет.

³ Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Ёзувчи, 1996, 5-бет.

қарашлари мистицизм тушунчаларига асосланишидан келиб чиққан. Чунончи, у исломий тасаввуфнинг келиб чиқишини ҳам «шарқ христианлиги»га боғлайди.¹ Тасаввуф бўйича бу икки йирик мутахассиснинг фикрлари бир хил эмас. Негаки, уларнинг бири тасаввуфнинг келиб чиқиш сабабияти ва маконини ислом муҳити билан боғласа, иккинчиси унинг негизда христианлик амалиётини кўрапти.

Гарчи, бу олимлар даври илмий тафаккури билан Фитрат яшаган давр тафаккур даражаси ўртасида муайян тафовут бўлса ҳам, уларнинг бу борадаги қарашларини ўзаро қиёслаб кўрайлик.

Фитрат тасаввуфнинг пайдо бўлишини ислом номидан «маҳаллий дин, маҳаллий маданият»ларга кўрсатилган зўравонликлар, араб бўлмаган миллатларга қилинган зуғумларнинг натижаси деб қарайди. Бундай ноҳақликларнинг, айниқса, Уммавийлар даврида кучайганини таъкидлайди.² Ҳақиқатан ҳам, Уммавийлар даврида шундай ҳолатлар бўлганини, ислом тарихи бўйича мутахассислар тасдиқлайдилар.³ Хуросонлик Або Муслим кўзгўлонининг сабаби тафсилотлари ҳам шунга боғланади.

Бу фикрлар Н. Комилов фикрига яқиндек. Фақат Н. Комилов тасаввуфнинг келиб чиқишини исломият олами нуқтаи назаридан олиб кўрсатса, Фитратда бу сал торроқ миқёс касб этган. Туркистон, Ўрта Осиё миқёсида олинган. Аммо бу зоҳирий яқинлик ҳолос. Моҳиятига назар ташласак, айирмаси борлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Н. Комилов кўзда тутган «норозилик»ка нима сабаб эди: «бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош уруғларни сийлаш...сарой ҳашамлари, дабдабали безак-

¹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. - М.: Наука, 1989, с. 16.

² Фитрат. Аҳмад Яссавий/Яссавий ким эди. 18-бет.

³ Кўнрапа З. Алвидо, дунё! Ассалом охираг. - Тошкент: Шарқ, 1996, 128-135-бетлар.

ларга, олтин кумушга берилиш... Хуллас, худо йўлига тоат-ибодат ўрнини, дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат» эгаллаши.¹

Фитратда бунинг сабаби қандай кўрсатилган? «...Арабларнинг диний ҳам миллий таассублари, маҳаллий дин, маҳаллий маданиятга қаршу ... қаттиқ курашлари ... Уммавийлар саройининг оғир, исрофли чиқимлари ...» ва х.к.²

Энди солиштирамиз. Шунда Н. Комилов фикридан «Демак ислом бузилгани, тавҳидга хиёнат қилингани учун тасаввуф келиб чиққан экан-да», деган хулосага келамиз. Фитрат таърифидан эса, арабларнинг ўзга миллатларни шафқатсиз эзгани, ноисломий динларга ёмон муносабатда бўлгани туфайли бу оқим вужудга келган экан деб ўйлаймиз. Диққат қилсак, буларнинг биринчиси умуминсоний мазмун касб этса (Н. Комилов), иккинчиси, миллатлар манфаати ўртага тушиб тораяди. Бу фарқни давр билан ёки муҳит билан изоҳлаш мумкин бўлади-ю, аммо таърифларнинг давоми бунга имкон бермаяпти.

Фитратнинг фикрича, сўфийликнинг моҳияти ислом ва ислом мутаассиблигига, «муҳолифатни сездирмай кураш олиб бориш»дир. Бу қандай амалга оширилади? «Тасаввуф маслагига кирганлар, – деб жавоб беради Фитрат, – биринчи босқичда исломнинг бутун ҳукмларига, ахлоқ, ибодат эътиқодиға оид бўлгон бутун дастурларини қабул қилиб кирганлари ҳолда, сўнг босқичларга тўғри буларнинг ҳаммасидан, ҳеч нарса сезмасдан узоқлашиб қоладилар. Қиёмат, меърож, жаннат, жаҳаннам, таҳорат, намоз каби ислом дастурларини таъвил қиладилар, уларга ўзларича маъно берадилар. Бу ишлар шунча усталик билан олиб бориладиким, мурид охирги манзилга етганда қаяққа бориб тургонини сезмай қоладир.»³ (Таъкид бизники – У.Ж.). Ахир тасаввуфдан мақсад му-

¹ Комилов Н. Тасаввуф., - Тошкент: Ёзувчи, 1996, 5-бет.

² Яссавий ким эди. - Тошкент: Халқ мероси. 1994. 18-бет.

³ Яссавий ким эди. 19-бет.

таассибликка қарши курашми ёки исломгами? Агар тасаввуф му-таассибликка қарши «оқим» бўлса, нега мурид «усталик билан» шариат арконларидан узоқлаштирилади? ... Келинг, яхшиси Н. Комилов тасаввуфнинг моҳияти ҳақида нима дейишини эшитиб кўрайлик. Балки шу йўл билан саволимизга жавоб топармиз.

Бу олимнинг фикрича, сўфийлар шариатдан узоқлашмайдилар, балки унга (авомдан кўра) чуқурроқ амал қиладилар. Шариатни инкор этмайдилар, балки ривожлантирадилар. Бундан мақсад ни-ма? «Асосий мақсад илоҳий оламига бориб кўшилмоқ,» – жавоб беради олим.¹ Мана шу жойда икки олимнинг фикрлари ўзаро тўқнашади. Фитрат дейдики: тасаввуфнинг мақсади зоҳирий бир кураш, алал-оқибат, шариату диндан чиқиш, ўзига эргашганларни ҳам (юқоридаги мурид сўзига эътибор қаратайлик) диндан, хусу-сан, ислом динидан чиқариш, шу йўл билан кураш олиб бориш.

Аmmo бу Фитратнинг тасаввуфга муносабати аниқ бўлди дега-ни эмас. Фақат олим тасаввуфнинг моҳиятини очишда би-рёлқамаликка йўл кўйди, холос. Бу нималарда кўринади? **Бирин-чидан**, тасаввуфнинг пайдо бўлиш маконини нотўғри танлашда, яъни Ўрта Осиё ҳудуди билан чекланишда; **Иккинчидан**, сўфийлик ҳаракатининг негизида миллат манфаатини кўришда; **учинчидан**, суфий ёки солиқнинг мақсадини алал-оқибат ислом-дан чиқиш деб кўрсатишда ва бунинг негизида ҳам зоҳирий бир кураш (миллат маданияти, маҳаллий дин учун)ни кўришда. Фитрат мақоласининг кейинги қисмларида тасаввуфга муносабат очик кўринадики, юқоридагиларни аниқламасдан туриб, унга тўғри баҳо бериб бўлмайди. Чунки, муносабат айнан шу нуқтадан шакллана боради.

Фитратнинг фикрича, Яссавийнинг «мафкуриси» XI-XII аср-ларда Туркистонда юз берган сиёсий-ижтимоий воқеаларга боғлиқ

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: Ёзувчи, 1996, 6-бет.

холда шакланган. Хукмдорларнинг ўзаро урушлари халқни иқтисодий-маънавий жиҳатдан қийинчиликларга олиб келган. Халқнинг камбағал табақаси (йўқсул синф – Фитрат) жуда ночор аҳволда қолган. Яссавий эса шу эзилганлар манфаатини ҳимоя қилган. Шунинг учун: «у замоннинг ҳоким синфини айрим гуруҳ унвонлари билан атаб, ҳар бир гуруҳнинг адресига қаттиғ сукушлар такдим қилғон.»¹ Бу гуруҳларнинг ичида подшодан ҳокимгача, қозидан олимгача, муфтидан мулло-эшонгача бор. (Бу ўринда Фитрат келтирган шеърий парчаларга асосландик.).

Яссавий шеърлари ичида юқоридаги золимларни «сўкуб» ёзилган намуналардан ташқари, қуйидаги келтирадиганимизга ўхшаш «самимий, ёник фиғонлар ҳам бор»²:

Ғариб, фақир, етимларнинг бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ ҳалойикдан қочтим маъно...

Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлар ул бандадан парвордигор ...

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Етимларга аччиғланиб сўз қотмангиз ...³ ва ҳ.к.

Бу каби шеърлар учун уни: «йўқсуллар шоири каби қабул қилиш мумкин». Аммо Яссавий «уларга (йўқсулларга – У.Ж.) қутулиш учун бир дастур кўрсатганми? Албатта кўрсатган! Кошки кўрсатмаган бўлса эди!...»⁴. (Шу сўзлар билан мақоланинг биринчи қисми тугаган эди.)

«Яссавийнинг кўрсатган дастури нимадан иборат?» деб савол қўяди Фитрат ва қуйидагича жавоб беради: «Яссавийнинг золим-

¹ Яссавий ким эди? - 24-бет.

² Шу манба, - 25-бет.

³ Шеърий парчалар мақоладан айнан олинди.

⁴ Шу манба. - 26-бет.

ларга қарши камбағалларга берадиган насихатлари мана шу йўлдадир»:

Золим агар жафо қилса, Аллоҳ дегил,
Илкин очиб, дуо айлаб бўюн сунғил ,

Ҳақ додингга етмас бўлса, гина қилгил,
Ҳақдин эшитиб, бу сўзларни айтдим мано...¹

Бундан кўзда тутилган мақсад нима? Мақсад: «камбағалларнинг шу чокдаги руҳий ҳолларидан фойдаланмоқ, ... ўзига мурид қилиб олмоқ ...» . Бу сўзларнинг таъсирли бўлиши учун у қандай усул қўллайди? Бу усул шуки, Яссавий Аллоҳ номидан сўзлайди. (Яъни, «Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айтдим мано», «Золимларни илкин узун қилдим мано...» каби). Ва шу ўринда Яссавий «чуқур мантиқсизликка» (Фитрат) йўл қўяди. Яъни Аллоҳ номидан гапиради. «У йўқсилларга яна бир йўл кўрсатади». Бу:

Ошиқларнинг суннатидир тирик ўлмоқ,
Оқил бўлсанг, гўристондан хабар олғил,
«Мен ҳам шундоғ бўлурман», деб ибрат олғил,
«Мавту қабла, анта мавту»га амал қилғил.

«Мавту қабла, анта мавту» нима дегани? «Ўлмасдан бурун – ўлинг» дегани. Шоирнинг ўзи бунга амал қилаётганини кўрсатмоқ, «эътибор орттирмоқ учун» ер остига кирди. Лекин, унинг муридлари шу қадар кўплигидан, моддий ҳаёти таъминланган, шунинг учун «бу унинг таъмин этилган ҳаётига зарра қадар ҳалал бермайди».² Шундай экан, унга эргашганларнинг оқибати нима бўлади? Нима бўларди: «Унинг таълимотиға чин кўнгулдан ишониб, самимий бир суратда эргашган бир миллат топилса эди, у миллатнинг

¹ Шеърый парчалар мақоладан айнан олинди. - 26-бет.

² Шу манба. - 29-бет.

дунёда «тирик экан» ўзига гўр қазмоқдан бошқа бир вазифаси қолмагон бўлур эди!»¹ Аммо «яхшики, Яссавийга ишонгонлар бу жинниликни қилмагонлар».²

Мана Фитратнинг Яссавий ижодига нисбатан ижобий муносабатига нима, салбий муносабатига нима асос бўлган.

Кўрдикки, Фитратнинг Яссавийга ижобий муносабатда бўлиши шоир йўқсулларнинг ёнини олиши билан боғлиқ.³ Салбий муносабатига эса унинг таркидунёчилиги сабаб бўлган. Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, Фитрат Яссавийдан "мантиқсизлик" топган жойда (юқорида буни кўрдик) ўзи биринчи ноаниқликка йўл қўяди. Чунки, Яссавий "мурид тўплаш "ҳирсига берилиб" (Фитрат) Аллоҳ номидан гапирганда "Қуръон"га асосланган эди, холос. Бунинг устига, унинг ҳирси дунёвий мазмунда бўлса, нимага шу орттирган обрў-эътиборидан фойдаланиб, фаровон яшамади? Нега ернинг остидаги тор бир хужра ҳаётини ихтиёр этди? Гарчи у, Фитрат айтган каби моддий жиҳатдан таъминланган бўлса ҳам, ернинг устида яшаш унинг учун қулайроқ эди-ку! Унда нега ўзи дунёвий ҳирс билан эргаштирган жамиятдан қочди?

Иккинчиси, таркидунёчилик билан пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадислари ("ўлмасдан бурун ўлинглар")ни боғлашга уринишида кўринган. Ахир бу ҳадис таркидунёчилик қилинг деган маънони бермаслиги аниқ-ку!

Яна олим Яссавийдаги "тангри ишқи" масаласи ҳақида гапираётиб, "нувий платонизм"⁴ фалсафасидан бизнинг тасаввуфга ўтган бу ишқ масаласи Яссавий ҳикматларида жуда катта ўрин ту-

¹ Шу манба. - 26-бет.

² Шу манба. - 29-бет.

³ Бу ўринда Фитратнинг "йўқсул синф" ҳақидаги гапларини пролетариатга нисбат бериш ярамайди. Атама мақолада бир никоб вазифасини бажарганки, ишнинг давомида исботи бўлади.

⁴ Нувий платонизм – мақолада шундай келган. Аслида неоплатонизм бўлиб, маъноси янги платонизмдир.

тадир"¹, дейдики, неоплатонизм мистицизмнинг бир кўриниши экани адабиётларда қайд этилган.² Иккинчидан, Яссавий ижодининг мазмун моҳияти ва аҳамияти тўғрисида: «Унинг (Яссавий – У.Ж.) фикрлари, тирикчилик учун, тўғриси тирик ўлмак учун... халққа кўрсатган йўллари, буддизмдан олиб бизга ютдирмоқ истагидаги дастурлар қатъиян, айниқса, йигирманчи асрда зарарлидир» дейилади.³ (Мана шу икки ўринда олим, юқорида кўрганимиз Тримингэм қарашларига яқин келадики, бу Оврупа, рус ва турк адабиётшунослигини ўрганишдан келиб чикқан фикр бўлса керак).

Энди савол туғилади: Агар Яссавий зоҳид бўлса-ю,⁴ (олимнинг тушуниши бўйича, ислом шариатига амал қилувчи) пайғамбаримиз суннатларига амал қилиб ер остига кирган бўлса, унинг "нувий платонизм" (неоплатонизм – янги платонизм), "буддизм билан қандай алоқаси бор? Агар "буддизм"дан "тирик ўлмак"ни олиб, халққа дастур қилиб бериш, халқни шу йўлга эргаштириш шоирнинг мақсади бўлса, унда "зоҳидлик"ни қандай изохламоқ керак? Агар Яссавийда иккаласи ҳам бор эди, қоришиқ ҳолда намоён бўлган эди, десак, Н.Комиловнинг: "Зоҳидлик даври"да "сўфийлар шариат талабларига қатъий амал қилганлар" ... "Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди", деган фикрига тўқнаш келамиз.⁵

Агар Яссавий даврига келибгина бу икки тушунча қоришиб кетган, Н.Комилов илк зоҳидлар ҳақида гапираяпти десак, яссавийшунос И.Ҳаққулнинг: "Яссавий ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий илдизлари тўғридан-тўғри "Қуръон" ғоялари ва Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) ҳадисларига бориб тақалади"...Агар

¹ Ўша манба - 28-бет.

² Фалсафа (ўқув қўлланма), 1-қисм, - Тошкент: "Университет", 1992, 52-бет.

³ Ўша манба - 30-бет.

⁴ Ўша манба - 32-бет.

⁵ Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Ёзувчи, 1996, 6-77 бетлар.

биз масаланинг бу жиҳатини тушунмасак, – Яссавий ижодиёти-ни ҳам холис тушуна олмаймиз" деган эътирозига дуч келамиз.¹

Яссавий таркидунёчилигини, бизнингча, кўпам чуқурлаштиравериш тўғри бўлмайди. Яъни бу, биз тушунганчалик христианча таркидунёчилик эмас, узлатга чекиниш деб аталса, тўғрироқ бўлади. Этнографларнинг аниқлашларича, Яссавий хилватгоҳида: «Мачит, тўртта ётоқхона, тўртта таҳоратхона, омбор, ўтинхона» бўлган.² Бундан келиб чиқадики, "хилватхона" христианларникидек бир кишига эмас, кўпчиликка, маълум жамоага мўлжаллаб қурилган. Зикру-самоъ мажлисларига келсак, у ҳам Яссавий даврида жамоа бўлиб "Қуръон" тиловатини тинглаш, жамоа бўлиб Аллоҳ зикрини қилишдан нарига ўтмаган. Этнографлар хикоя қилиб берган зикру самоъ мажлислари эса фақат оғиздан эшитиб ёзилгани учун, ўзини оқламайди.³ Оқлаган тақдирда ҳам кейинчалик бидъат бўлиб кирган бўлиши мумкин.

Хуллас, шулардан келиб чиқилса, Фитрат Яссавий фаолияти ва ижодини баҳолашда куйидаги ноаниқликларга йўл қўйгани маълум бўлади: **биринчидан**, у шоир ижодининг айри-айри хусусиятлари деб талқин этган – золимларни сўқиш, мазлумларга ачиниш билан сабру қаноатга чорлаш, Аллоҳга муҳаббатсизликни қоралаш, "мавту қабла анта мавту"ни тарғиб этиш, фақирликни ёқлаш ва ҳоказоларнинг асоси аслида битта (тавҳид ва суннат амали) эканлиги; **иккинчидан**, Яссавий тариқатининг асосини белгилашда мистика ва буддизмга хос тушунчаларни янглиш ҳолда бу йўлга татбиқ этилиши.

Кўрдикки, Фитрат Яссавий ижодининг асл моҳиятини "зарарли" деб топди. Бу том маънода олимнинг тасаввуфга ҳам

¹ Ҳаққул И.Тасаввуф ва шеърят.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 35-бет.

² Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар, - Тошкент: "Ўзбекистон", 1994, 150-бет.

³ Шу манба. 154-156 бетлар.

муносабатини белгилайди. Сўфийлик ва тасаввуфга тескари муносабат иккита. Уларнинг бири – соф шариат, соф тавҳид нуқтаи назаридан тасаввуфни қоралаш; иккинчиси, шўроча эътиқод юзасидан қоралаш. (Биз бу ерда фақат ўзбек адабиётшунослиги ва муслмон ўлкаларидаги мавжуд фикрларни назарда тутаяпмиз). Фитрат буларнинг қайси бирига мансуб эди?

Маълумки, сўфийлар шариатнинг ўзи билангина чекланмайдилар, улар: "ишқ ва ботиний тараққиёт орқали ғайбий-ладуний билимлар соҳиби" бўлишга ва шу орқали мақсадга (яъни илоҳий жамолга) интиладилар.¹

Шариат аҳли эса буни инкор қилар экан."Қуръон"даги ушбу (ва бошқа шунга ўхшаш) оятга асосланади: "(У зот) ғайбни билгувчидир. Бас ўз ғайбидан ҳеч кимни огоҳ қилмас". ("Жин" сураси, 26-оят). Ва шундай ақидадан келиб чиқиб уларнинг (сўфийларнинг) баъзи ғайриоддий ишларини шайтони лайъин ва кофир жинларга эргашиш деб ҳисоблайди. Бу ҳолат Н.Комиловнинг "Тасаввуф" китобида Ибн Жавзийнинг "Талбис иблис" (иблис васвасаси) асари мисолида кўрсатилган.²

Демак, Фитрат бу йўлга мансуб эмас. У тасаввуфни шариатга тўғри келмайдиган ўринлари учун қораламайди.

Энди шўроча эътиқод нега тасаввуфни инкор этишини аниқлайлик. Шўро даврида нашр этилган адабиётларда ёзилишича: "Ислом дини ҳам, Яссавий тариқати ҳам (ўзига хос айрим хусусиятларидан қатъи назар) бир синфнинг – хукмрон феодалларининг дунёқараши ва манфаатини ифодалайди".³ Демак, шўроча эътиқод сўфийликни (дин билан биргаликда) пролетариат манфаатига мухолифатда кўради. Шунинг учун ўзига ёт деб билади.

¹ Комилов Н. Тасаввуф.- Тошкент: Ёзувчи, 1996, 77-бет.

² Шу манба - 76-77 бетлар.

³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 155-бет.

Аммо бу қараш ҳам Фитратга ётдир. Чунки у сўфий-Яссавийни "йўқсуллар шоири" деб атаган эди.¹

Унда Фитрат нимага, қайси эътиқодга асосланиб сўфийликни, жумладан Яссавийни ёқламади? Ёки, ҳақиқатдан ҳам, унинг сўфийликка муҳаббати кучли эди-ю, тазйиқлар, буйруквозликлар шундай қилишга мажбур этдими? Йўқ, деб жавоб берамиз. Унинг сўфийлик билан чиқишолмаслиги исломий эътиқоди туфайли ҳам, шўроча эътиқод ёки алданиш туфайли ҳам, тазйиқу кўрқитишлар туфайли ҳам, қолаверса, Яссавий шеъриятидаги "халқона сажия" (Б.Дўстқораев) туфайли ҳам эмас, балки ўзининг жадидча эътиқоди туфайлидир. Нимага асосланиб бундай деяпмиз?

Эслаб кўрсак, Фитрат тасаввуфнинг келиб чиқишини ҳам "*араб бўлмагон миллатлар*"нинг эзилишидан, *маҳаллий дин, маҳаллий* (бу ерда маҳаллий сўзини миллий деб ҳисоб қилиш мумкин) *маданиятни* топталишидан чиққан акс таъсир», деб тушунтирган² эди. Энди Яссавийга салбий муносабтига нима асос бўлганини кўрайлик: Унга "*самимий суръатда эргашган бир миллат* топилса эди, у миллатнинг дунёда "тирик экан" ўзига гўр қазимокдан бошқа бир вазифаси қолмоғон бўлур эди!"³.

(Барча таъкидлар бизники - У.Ж.).

Кўраяпмизки, Фитратнинг ҳар бир нарсага муносабати миллат манфаатидан келиб чиқмоқда. Миллат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш борасида эса ҳали дунёда жадидларга тенг келадиган бошқа бир ҳаракат бўлмаса керак. Биз биринчи бобда Фитрат дунёқарашининг асосини миллатпарварлик, юртсеварлик ташкил этади деб (Туркия ҳаётига боғлаб), исботлашга уриндикки, бунинг ҳам илдизи ўшанга бориб тақалади.

¹ Яссавий ким эди. - Тошкент: 1994, 25-бет.

² Шу манба - 18-19 бетлар.

³ Шу манба - 26-бет.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фитрат мумтоз адабиёт тадқиқини тасаввуф тадқиқи билан биргаликда олиб борган, бусиз муваффақиятга эришиб бўлмаслигини чуқур англаб етган эди. Шу сабабли ҳам туркий адабиётнинг энг йирик сўфий шоири Аҳмад Яссавий ижодини жиддий ўрганди. Бу билан чекланмасдан яссавия мактабининг – Сулаймон Боқирғоний, Қул Убайдий, Камол шайх (Иқоний), Шамс Ўзгандий, Худойдод каби машхур шоирлари ва, ҳатто бу мактабнинг сўнгги вакиллари билан бўлган Азим Хўжа Эшонлар ҳаёти ва ижодини ҳам таҳлил доирасига тортди. "Девони ҳикмат" тили, адабий таъсир билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтарди.

Олимнинг тасаввуфга, суфиёна адабиётга муносабатини келтириб чиқарган омиллар фақат ижтимоий ёки илмий-адабий муҳит билан боғлиқ эмас. Бу Фитрат қарашлари билан сўфийлик қарашларининг, Фитрат мақсади билан сўфийлар мақсадининг мос келмаслигидан юзага чиққан. Сўфийлар инсониятни яратганига муҳаббат воситасида камолотга олиб боришга интиланган бўлсалар, Фитрат ва жадиждар бу йўлни ишончсиз деб билдиллар. Илм-фан ва дунёвий маърифат воситасида нажот топиш йўлини танладилар. Фитрат қарашлари, эстетик идеали шу асосда шаклланганлигини эътиборга олсак, масала янада ойдинлашади.

4-фасл. Далиллаш санъати.

Мумтоз адабиётшунослигимизда танқид, танқидчи сўзларининг ўрнига – "маслаҳат", "машварат", "жавохирсанж", "нукқод" каби атамалар қўлланган бўлиб,¹ буларнинг маъноси баҳолаш, муносабат билдириш, муҳокама қилиш каби тушунчаларга тўғри келади.² Жаид мутафаккирлари эса танқидга янаям масъулиятлироқ ва-

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. - Тошкент: Ўзбекистон., 1993, 3-бет.

² Арабско-русский словарь.- Тошкент: Камалак, 1994, с. 361-362.

зифа юклаб, "танқид – сараламоқдир" (М.Бехбудий) дедилар. Оврупа адабиётшунослиги эса грекча критике (kritike) сўзидан келиб чиқиб, танқидни "ҳукм қилмоқ" деб тушунтиради.¹

Мулоҳаза қилинса, буларнинг ҳаммаси бир моҳиятга бориб тақалади, бир мақсад йўлида хизмат қилади. Аммо мақсадга эришиш учун, бир нарса зарур – бу далиллашдир. Баҳолаш, муносабат билдириш учун ҳам, сараламоқ, ҳукм қилмоқ учун ҳам аввало далиллаш санъатини эгаллаш зарур бўлади. Фитрат, мана шундай далиллаш санъатини эгаллаган олим эдики, қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Фитратнинг "Ўзбек шоири Турди"² мақоласи А. Мажидий мақоласига жавоб тарзида ёзилгани маълум.³ Бироқ ушбунинг фақат жавоб-мақола ёки баҳс-мақола деб аташнинг ўзи тўғри бўлмайди. Чунки мақолани ёзишдан мақсад фақат ёш олимга эътироз билдиришдан иборат эмас, балки янги кашф қилинаётган бир шоир ижоди моҳиятини тўғри ҳал этиш ҳам эди.

Ёш олим Абдулҳамид Мажидий шоир Турди Фароғий ижодини баҳолашда ўз даври ҳокими мутлоқи бўлган синфийлик мезонидан келиб чиқди. Бунда, албатта, Турди шеърлятидаги ҳажвий оҳанг ҳам маълум аҳамият касб этди. Яъни, муайян маънода, ёш олимнинг шошма-шошарликка йўл қўйишида, Турди ижодининг ижтимоий характери ҳам сабаб бўлди. Оқибатда у Фитратни қониқтирмаган ушбу уч хулосани чиқарди:

1. Хон деган сўз ўлум билан бир маънода юрғон қаттиғ бир вақтда Турди хонга исён қилди...

¹ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, - Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 167-бет.

² Фитрат. Ўзбек шоири Турди. - Тошкент://Маориф ва ўқитғувчи, 1928, 12-сон, (Кейинда келтириладиган барча иқтибослар шу манбадан олинади).

³ Мажидий А. Ўзбек шоири Турди.//Маориф ва ўқитғувчи, 1925, 9-10 сон.

2. Турди башарият орасида давом этган ҳақсизликлар, қон тўқушлар тўғрисида виждонан ёза билган...

3. У йўл устида қон солиб кетган бекларга: "манманлик қилмангизлар, халқ ишини тўғри йўл билан олиб боришга сизда куч йўқми? Фақат сиз сарватнинг (бойлик) қулисиз, қачон сарват йўқолса, сизнинг ҳокимлигингиз, бошқаларнинг маҳкумлиги билан бирга йўқолур", деган...

Фитрат бу хусусда шундай ёзади: "ўртоқ Мажидий томонидан Турди ҳақида берилган шу уч моддалиқ ҳукми – айниқса учунчи моддасини, сал шошиброқ берилганини айтиб ўтишга мажбур-миз".¹

Олимнинг фикрича, шоир Турди яшаган замонда Аштархонийлар сулоласининг доимий ички урушлари бўлиб турган. Субҳонқулихон ва Абдулазизхонларнинг оталари Нодир Муҳаммад (1640 йилда тахтга ўтирган) қўшни Хева хони устига юриш қилган пайтида Хўжандда Эрбоқи томонидан исён кўтарилади. Бу исённи бостириш учун ўғли Абдулазизни юборган Нодир Муҳаммад катта хатога йўл қўйганини кейин англаб етади. Чунки исёнчилар Абдулазизни хон кўтариб, уни Бухоро тахтидан маҳрум қиладилар.

Нодир Муҳаммад иккинчи ўғли Субҳонқулихон билан биргалашиб, Абдулазизга қарши юриш қилади. Аммо бу ўғли билан ҳам ораси бузилади. Адабиётшунос Н.Жумаевнинг кўрсатишича, бунга сабаб Субҳонқулихон ўз акаси Қутлуғ Султонни ўлдириши бўлган.² Бунинг натижаси Субҳонқули ва Абдулазиз бирлашиб оталарига қарши урушлари бўлди. Бундан ҳам жисман, ҳам руҳан эзилган Нодир Муҳаммад "осий ўғилларига" (Фитрат) тожи тахтни ташлаб, Маккага кетади ва умрининг охиригача ўша ерда тоат-

¹ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди.//Маориф ва ўқитғувчи, 1928; 12-сон, 44-бет.

² Жумаев Н. Турдининг ҳаёти ва ижоди.//Маърифат, 1994, 12-январ.

ибодат билан машғул бўлади. Бу воқеани Фитрат 1645 йил деб кўрсатган.

Шундан кейин Аштархонийлар салтанати икки ҳукуматга бўлинади, икки хукмдор томонидан бошқарила бошлайди. Бухорода Абдулазизхон, Балхда эса Субҳонқулихон давлати хукм суради. Ўз оталаригаки қўл кўтаришдан қайтмаган бу "безори шахзодалар" (Фитрат) ўзаро урушни авж олдириб юборадилар. Бухоро ва Балх ўртаси доимий жанггоҳга айланади. Бундай курашлар 36-37 йил давом этади. Урушлардан бирида Субҳонқулининг қўли баланд келади. У акаси Абдулазиз устидан ғолиб бўлади (1681).

Фитратнинг "Тарихи Муқимхоний" ва "Дастурул Мулк" китобларидан олиб берган бу маълумотларни таҳлил қилиб кўрсак, маълум бўладики, Субҳонқулихоннинг бутун салтанатни эгаллашига ҳам Юз уруғининг қўллаб-қувватлаши сабаб бўлган.

1681 йил Бухоро тахтини эгаллаган Субҳонқулихон яна йигирма йил хонликни ўз қўлида сақлаб туради. Агар унинг хукмдорлик даврини ҳисоблаб кўрсак, жами элик олти йилни (1645-1681 Балх, 1681-1701 Бухоро-Балх) ташкил этади. Фитрат бу орада иккита йирик воқеа юз берганини айтиб ўтади. **Буларнинг биринчиси**, 1685-1686-1687 йилларда Хева хони Анушахоннинг Субҳонқули сарҳадига ҳужум уюштириши бўлиб, 1685 йилдагиси муваффақиятсиз якунланади. 1686 йилда қайта ҳужум қилганда Самарқанд, Шаҳрисабз, Даббус қалъани қўлга киритишга муваффақ бўлади. Уруш уч-тўрт ой давом этгач, яна Юз уруғининг бошлиғи Раҳимбийнинг ёрдами билан Субҳонқулихон ғалабага эришади. 1687 йилда Хева хони учинчи марта ҳужум уюштира ҳам, бу юриши ўта муваффақиятсиз тугади. Фитратнинг таъбири билан айтсак "енгилиб қочти". Шу йили Субҳонқули Балхда ҳокимлик вазифасини бажараётган ўз ўғли Муҳаммад Сид-

дикни ўлдиртиради.¹ **Иккинчиси**, қабила бошлиқлари кўтарган исёнлардир.² Бу исённинг бошида ҳам юз уруғи бошлиқлари туриб, сабаби саройда куллар нуфузининг ошиб кетиши, уларнинг катта мансабларни эгаллаб олишлари бўлган. Аниқроқ қилиб айтсак, Субҳонқулихон томонидан сарой мансабдорларига насл-насабсиз, кул-чўриларнинг қўйилиши бўлган эди...

Шу ерда мавзудан бир оз мозийга қайтиб, туғилган баъзи мулоҳазаларни баён қилиб кетсак. Гапни Нодир Муҳаммад давридан бошлайлик. Кўрдикки, Нодир Муҳаммаднинг тахтдан тушишига Эрбоқи Юзнинг исёни ва унинг Абдулазиз билан ҳамкорлиги сабаб бўлди. Натижада Юзлар қўллаган Абдулазиз Бухоро тахтига ўтирди.(1645)Шу даврдан бошлаб Юз уруғи Абдулазиз саройида энг эътиборли уруғ бўлиб қолгани аниқ. Чунки Абдулазизни хон кўтарган юзлар эди-да. Турдининг Абдулазизга мадҳ айтиши ҳам ("Шоҳ Абдулазиза бўлди жаҳонбонлиғ хатм...") шу давру давронлари учун бўлган деб тахмин этиш мумкин.

¹ Шу ўринда бир аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Бошқа кўплаб манбаларда (жумладан, В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, - Тошкент: "Ўқит.", 1980, 130-бет. Н.Жумаев. Турдининг ҳаёти ва ижоди; Маърифат, 1994, 12 январ) XVII асрнинг 80-йилларида Субҳонқули ўз жияни, шоир Қосим Султонни ўлдиртирди дейилади. Фитрат эса "тарихи Муқимхоний" ва "Дастурул мулк" китобларига суяниб, худди шу йилларда ўғли Муҳаммад Сиддикни ўлдирганини сўзлайди. Қосим Султон ҳақида оғиз очмайди.

² Фитрат А. Бу исёнларнинг бошланиш саналарини "Тарихи Муқимхоний"да 1097 (1686), "Дастурул мулк"да эса 1106 (1695) тарзида тарзида икки хил берилагинни ҳисобга олиб 1097-1106 деб кўрсатади. Агар исённинг бошланиши 1686 бўлса, Турдининг мухаммасидаги "Деди: "дин" бошдин оёғин тушиб: "ислом" заиф мисраси 1691 бўлади, 10-синфлар учун тузилган "Ўзбек адабиёти" китобида бу 1681 деб нотўғри кўрсатилган.(Тошкент: "Ўқитувчи", 1993, 210-бет). В.Абдуллаевнинг китобида эса тўғри кўрсатилган (Ўзб.ад.тарихи. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1980, 133-бет). Аммо унда исён бошланган саналар 1681-1686 деб кўрсатилганки, бу хато (иш давомида исботи келади). А.Ҳайитметов бошланишини 1685-86 деб тўғри кўрсатган.(Турди. Шеърлар. - Тошкент: Ғ.Ғулом нашр., 1971, 6-бет): Олим Шарофиддинов эса 1685-1690-1694 деганда ҳақ эди. (Ўзб. ад. тарихи: Хрестоматия. - Тошкент:, 1995, 100-бет)иккинчи том.

Орадан ўттиз йил ўтиб (1681-82) Абдулазизнинг тахтдан тушиши ва Субҳонқулининг Бухорони эгаллашида ҳам шу Юз уруғининг кўли бор. Бунга сабаб, ё Абдулазиз Юзларнинг йўлига юрмаган, ёки Субҳонқули Юзлар билан махфий тил топишган. (Икки ўртада мурасасиз урушлар бўлиб турганини эсланг). Не бўлганда ҳам Юзлар Абдулазизни кўлламагани унинг мағлубиятига сабаб бўлган. Бунинг далилини 1685-86-87 йилги Анушахон урушидан топамиз. Бу маҳораба Раҳимбий Юзнинг кўллаши билан Субҳонқулихон фойдасига ҳал бўлганини кўрдик. (Эътибор қилинг: Яна Юз уруғи тарих сахнасида ҳал қилувчи роль ўйнапти). Агар Субҳонқулихоннинг Абдулазизхон устидан ғалабасига Юзлар сабаб бўлмаганларида, Раҳимбий Анушахон билан Субҳонқулихон ўртасидаги ҳал қилувчи дақиқаларда, унга ёрдам бериш учун етиб келмаган, аксинча пайтдан фойдаланиб, Субҳонқулихонни тахтдан қулатган бўларди.

Шундан кейин, ўзининг энг йирик рақиблари – Абдулазиз ва Хева хонидан қутулган Субҳонқулихон Аштархонийлар даври сиёсатини бошқариб турган Юз уруғидан ҳам биратўла қутулмоқни режалаштиради. Чунки бу даврга келиб, хоннинг энг катта рақиблари Юзлар бўлиб қолган эди. Бунинг тадбири эса уруғ вакиллари бирин-кетин сарой мансабларидан четлаштириш, уларнинг ўрнига (Фитрат айтмоқчи)"исён қилиш эҳтимолларидан узоқ" бўлган, насл-насаби паст, мамлакатда таянчи бўлмаган қулларни тайинлаш бўлган.

Бу ерда Субҳонқулихоннинг ўттиз етти йил Балх тахтини бошқариб (ундан олдин ҳам отаси Нодир Муҳаммад даври сиёсатига аралашиб), салтанатда ҳукм сураётган сиёсий вазиятни обдан кузатгани ва тўғри баҳолагани, ўз салтанатини мустаҳкамлаш учун энг қулай тадбирни кўлагани маълум бўлади. Хоннинг бундай ақлу заковатига беихтиёр қойил қоласиз. Қойил қолмай иложингиз

ҳам йўқ. Чунки эллик етти йил салтанат бошқариш учун айнан мана шундай ақл керак эди. Салтанат эгаларининг энг олий мақсади кўпроқ тахтда ўтириш эканини тан олсак, Субҳонқулини ҳам тўғри тушунамиз. Қолаверса, унинг шундай сиёсати туфайли ўзаро урушлар барҳам топган. Мамлакат ободлиги тинчлик туфайли экани Субҳонқулига бир "офарин" олиб келади. Марказлашган давлат чет душманларнинг истилочилик йўлига тўсик экани эса унга яна бир "офарин" олиб келади. Ва ҳоказо бунинг ижобий томонлари кўп.

Субҳонқулихон шахс сифатида ҳам етук бўлганини унинг шеър ижод қилгани, "Тибби Субҳоний", "Иҳё ут тибби Субҳоний" каби тиббиётга оид асарлар ёзгани, бундан ташқари инсон ҳуқуқлари хусусида (ислом шариатига асосланган) "Фатвойи Субҳоний" номли китоб тартиб берганини манбалар кўрсатади.¹ Бу ўзбек адабиётшунослигида шу пайтгача кўрсатилмай келинган ёки кўрсатишга имконият бўлмаган - нишоннинг тескари томони. Энди шу томондан Турдининг ижодига назар солайлик.

Фараз қилайлик, ҳали исён бошланмаган. Аммо қуллар аста-секин катта мансабларни эгалляпти. Нуфузли Юз уруғи ва бошқа асилзодалар саройдан бирин-кетин четлаштириляпти. Юз уруғининг вакили – шоир Турдининг кечинмаларига эътибор қилайлик:

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун дутди,²
 Хўблар маснадини сифла била дун дутди,
 Таҳбатаҳ кўнглимни бу фикр била хун дутди,
 Жойи шахбозлари қарғаву кузгун дутди...

¹ Жумахўжа Нусратилла. Субҳонқулихон шеър ёзганми? //Ўзбекситон овози, 1994, 1 феврал.

² Турди шеърларидан намуналарни 10-синфлар учун тузилган Ўзбек адабиёти (мажмуаси)дан оламиз. (- Тошкент: Ўқитувчи, 1993 йил).

"Иш бу аҳволда кетадиган бўлса, саройда асилзодалардан ҳеч ким қолмаса буёғи нима бўлади" - деб фикр юрита бошлайди оқсуяк Турди.

Ихтиёрин борининг қўлига қуллар олғай,
 Ҳар бири айш ила қонуни тонаъум чолғай,
 Мулкнинг неку бади маслаҳатини қилғай,

(Саройдаги барча расмий-норасмий ишлардан хабардор бўлмаган одам бундай фикр юритиши қийин, албатта).

"Хонку буларни юқори мансабларга қўйди, - фикрини давом эттиради оқсуяк Турди, - аммо оқибати: "Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас" мақолидагидек бўлмасмикан.

Ахир:

Одамизодалари кадрина қайдин билғай,
 Бири нокас, бириси етиму Идрис тўкмоқ...

"Бу нокаслар бир-иккита бўлсаям майли эди Бухоро салтанатида":

Бу шоҳи саройда кўп сифлаву бангилар бек,
 Турку,аймоқу араб, ғалчову тоқчилар бек,
 Ҳаямол, қайдию қулликчию сўзчилар бек.
 Бегу бегзода қолиб, илқичию қўйчилар бек,
 Дутди тўпор ҳама, кетди эшикдин тўбичок...

"Мана улар бутун мамлакатни ўз қўлига олиб ҳам бўлди, - давом этади шоир. - Оқибатини кўринг, худди ман ўйлагандек":

Ҳамдами шоҳ ўлуб, аҳли таҳаккум қуллар,
 Фуқаро бошина етди, бу қалин шум қуллар...
 Едингиз барчангиз итдек фуқарони этини,
 Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,
 Қамчилар дағи солиб бўйни, қонатиб бетини,
 Едингиз захрасини, (ич)идин олиб ўтини,
 Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёк...

(Бу уч аср олдинги манзара XX аср бошларидаги манзарага нақадар яқин. Аммо бунинг учун Субҳонқулини айблаш керакми? Авало, бу биринчи тажриба. Иккинчидан, бу иш ўзининг, салтанатининг, қолаверса, юрт манфаатини ўйлаб қилинганку! Унинг

"йўқсуллар дохийси"дан фарқи ҳам, қисман миллат тақдирини ўйлаганида эмасми?).

"Қани Абдулазиз замонидаги даври давронлар, адолатпешалик. Бундай хорликлар ичида яшаб бўлмайди; ёки исёнчиларга қўшилиш керакмикан?:

Бир сари азм айла жойи номусулмондир бу мулк,

Фитнаю авбошу зулму куфри тўғендир бу мулк...

"Бу юрт кофиристон бўлди куфур кўпайгани учун ҳам":

Деди: "Дин" бошдин оёғин тушуб, "ислом заиф"¹

«Энди исёнчиларга қўшилмаса бўлмайди. Раҳимбий юзни ҳам ёрдамга чақириш керак. Ахир у ўз хешларини хорлатиб қўймайди. Кимсан Эрбоқининг авлоди бўлса...»

Бизнингча, Турди асарларининг ёзилиш сабаблари, унинг Суб-

хонқулига, қолаверса, халққа нисбатан тутган позицияси тахминан шундай. Фитрат ҳам айнан шу сабаб Мажидийнинг юқоридаги "уч моддасини" инкор этди.

Шоир Турдининг:

« Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг кенглик қилинг,

Тўксон икки баври ўзбек юртидир тенглик қилинг»... деб бошланувчи шеърини ҳам "Субҳоқулиға қарши исёнчиларни яқинлаштирмақ учун" ёзди дейишига ҳам шу сабаб. Ва ниҳоят: "Бизнинг мана шу фикримиз қабул қилинса, Турдининг умуман хонлик идорасига эмас, Субҳонқули саройидаги рақибларига қарши шеър ёзғони майдонга чиқадир. Мақоламизнинг бошида Турди ҳақида ўртоқ Мажидий томонидан берилган қимматнинг бир оз шошилиброк берилганин даъво қилганимизнинг сабаби ҳам

¹ Ушбу тарих моддаси - 1691 йилни билдиради. Агар Фитрат берган далиллар тўғри бўлиб исённинг бошланиши 1686 йил бўлса, шоир Турди яна беш йил хон саройида бўлган, барча реформа жараёнларини кузатган, охириги имконият ҳам қўлдан кетгач, исёнчиларга қўшилган: Буни шеърнинг руҳи - мазмуни ҳам ифодалаб турибди.

шудир"¹, деб ўз хулосасини айтганда ҳам шу томонларни назарда тутган эди деб ўйлаймиз.

А. Мажидий ҳам ёшлиги, ҳам асосан шўролар даврида шакллангани сабабли Турди ижодидаги ижтимоий-сатирик оҳанглари синфийлик нуқтаи назардан талқин этган эди. Фитрат бу хулосалар «бир оз шошилиброқ чиқарилгани», аслида Турди ижодининг асосини синфий мақсадлар эмас, соф шахсий манфаат ташкил этади деган фикрни илгари сурган. Ўз фикрини исботи учун тарихийлик принциpidан келиб чиққан. Турдининг таржимаи ҳолига оид муҳим воқеаларни, у яшаган даврдаги муҳитни ўрганган ва ўз мақсадига хизмат қилдирган. Шоир ижодидан ўзи учун керакли ўринларни моҳирона илғаган. Бу орқали Турдининг руҳий ҳолатлари, ижтимоий-эстетик қарашлари ҳақида муҳим хулосага келган.

Абдулҳамид Мажидий Турди ижодини таҳлил этишда асосан унинг ўз асарига, шеърятининг зоҳирий жиҳатларига эътибор қаратган. Шу сабабли нотўғри хулосага келган эди. Фитрат Турди ижодига Шарқ адабиётининг моҳир билимдони, зукко адабиётшунос, етук тарихчи сифатида ёндошган ва ижоди моҳиятини санъаткорона очиб беришга муваффақ бўлган. Фитратнинг бу маҳорати ўзбек адабиёти тарихи фанини ўрганишнинг принцип ва методлари таркибига истисносиз киритилишга лойик.

Хуллас, Фитрат ўз тадқиқотлари билан «Ўзбек адабиёти тарихи» фани методологик асосларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичини бошлаб берди. Бу куйидагиларда кўринади: Биринчидан, жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихи олим тадқиқотларда тўла қамраб олинди. Иккинчидан, ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотларда

¹ Фитрат А. Ўзбек шоири Турди. // Маъориф ва ўқитғувчи, 1928, 12-сон, 46-бет.

адабиётшунослик, тилшунослик, фольклор, тарих каби фанлар ютуқларини қўллаш тажрибаси ўзбек адабиётшунослигида илк бор Фитрат томонидан илмий муомалага киритилди. Учинчидан, Аҳмад Югнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солих, Машраб, Турди каби-лар ижодини ўрганиш баробарида, уларнинг илмий биографиялари ишлаб чиқилди. Бунда энг қадимий нодир кўлёзма манбаларга асосланилди. Тўртинчидан, мумтоз адабиёт негизини тасаввуф таълимоти ташкил этиши ҳақидаги фундаментал қарашлар олдинга сурилди. Яссавия, накшбандия, қаландария каби тариқатлар, улар-нинг вакиллари ижоди системали ўрганилди. Муҳим умумлашма хулосалар чиқарилди. Айниқса, яссавия тариқати вакиллари ва Аҳмад Яссавийнинг ўз ижоди кенг тадқиқ этилди. Шу ўринда та-кидлаб ўтиш жоизки, Фитратнинг тасаввуф ва унинг вакиллари-га нисбатан салбий муносабати олим дунёқараши билан тасаввуф таълимоти ўртасидаги тафовутдан келиб чиққан. Буни фақат зоҳирий сабаблар билан боғлаш бир ёқлама талқинларга олиб ке-лиши мумкин. Бешинчидан, олимнинг «Ўзбек шоири Турди» мақоласи ижод моҳиятига кириш, бадиий асар таҳлили орқали му-аллиф қарашларини белгилаш йўлида ёзилган муҳим тадқиқотдир. Бу мақоладан нафақат Турди ижодининг моҳияти ҳақида, балки 20-йиллада юзага келган янги илмий-адабий услуб ҳақида ҳам ту-шунча ҳосил қилиш мумкин. Зеро, иккала жиҳат ҳам бугунги кун учун муҳимдир.

Санаб ўтилган хусусиятлар Фитратга хос тадқиқот услубининг барча қирраларини тўла қамраб олмаса-да, уни профессионал тадқиқотчи, «Ўзбек адабиёти тарихи» фани назарий асосларни ишлаб чиққан биринчи олим дейишимизга асос беради.

ХУЛОСА

Диссертциянинг мақсади Фитрат тадқиқотчилигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат эди. Бунинг учун, аввало у яшаган давр илмий-адабий муҳити ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш лозим кўринди. Биринчи бобнинг 4-фасли дастлаб шу вазифани ҳал этишга қаратилди.

Бу даврда ўзбек адабиётшунослиги адабиёт тарихи, адабий-танқид, адабиёт назарияси каби таркибий қисмларини шакллантирди. Янги бир босқичга ўтиш жараёнини бошдан кечирди. Буларнинг барчаси илмий-адабий ташкилотларнинг, давр адабий муҳитини ташкил этган олимларнинг фаолиятлари туфайли ўзига хос тарзда амалга оширилди. Лекин 10-30-йиллар илмий-адабий муҳитининг ўзига хослигини фақат шуларгина белгиламайди. Бу ўзига хослик кўпроқ фикру қарашлар хилма-хиллигида, улар ўртасидаги ўзаро зиддиятларда кўринади. Албатта, бундай зиддиятларнинг юзага келишида турли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳодисаларнинг ҳам муайян ўрни бор. Бизнингча, илмий-адабий муҳитга хос муҳим жиҳатларни фақат шу билангина боғлаш, бирёклама талқинларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу фикрга асосан давр илмий-адабий муҳитини ижодий индивидуаллик тушунчалари билан боғлиқликда ўрганиш лозим топилди. Жаҳон адабиётшунослигида мавжуд фундаментал тадқиқотлар ўзбек адабиётшунослигида яқин йилларда юзага келган асарларга суянган ҳолда, бу даврда ижод этган Фитрат, А. Саъдий, В. Маҳмуд, О.Ҳошим каби олимлар ижодига шу йўлда ёндашилди.

Натижа шу бўлдики, улар ўртасидаги фикрий зиддиятлар фақат ташқи таъсирлар натижаси эмас. Ижодкорнинг индивидуал

хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда юзага чиққан адабий-эстетик қарашлар илмий асар моҳиятини белгилашда асосий ўрин тутади. Турли зоҳирий воқеа-ҳодисалар, ижодкорнинг ҳаётида кечган психологик жараёнлар, унда мавжуд умуминсоний ва миллий хусусиятларнинг барчаси ижодкор-шахс ички «мен»ида синтез бўлиб, шу ички «мен»нинг талаблари эстетик идеалнинг ифодаси сифатида майдонга чиқади.

Бир жамиятда яшаган Фитрат, А. Саъдий, О. Ҳошим қарашлари ўртасидаги зиддиятлар; бир маслак йўлида курашган Фитрат ва В. Маҳмуд қарашларидаги баъзи номуносивликлар; бу олимларнинг ҳар бири ижодида учраган ички зиддиятлари ҳарҳилликларнинг ҳаммаси ички «мен» талабларидан келиб чиққан. Ва давр адабий муҳитини ҳам ана шу - негизида ички «мен» бўлган индивидуал қарашлар ташкил этган деган хулосага келинди. Илмий адабий-муҳитнинг энг илғор ва, айти пайтда зиддиятли қарашлари ҳаммадан кўпроқ Фитрат асарларида акс этган эдики, иккинчи фасл шу масалани ечишга қаратилди.

Фитрат адабий-эстетик қарашлари икки асосда шаклланган. Буларнинг биринчиси ва етакчиси субъектив асос бўлиб, унинг негизида олим ҳаётида рўй берган муҳим воқеа-ҳодисалар, турли психологик жараёнлар ётади.

У ҳаётининг бошланғич даврини шарқона муҳитда яшади. Кейинчалик «ҳаж» сафари давомида ўзгаришга юз тутаётган мусулмон ўлкалари билан бир қаторда Оврупа типигаги Москва, Петербург каби шаҳарларда ҳам бўлди. Бухорога қайтганда жадидчилик ҳаракати кенг қулоқ ёйган қайноқ муҳитга рўбарў келди. Кейин Туркияга ўқишга жўнатилди. Унда юз бераётган ижтимоий воқеаларга гувоҳ бўлди. Ўзи ҳам ушбу воқеаларнинг иштирокчисига айланди. Унинг дунёқараши шу муҳитда шаклланди, дастлабки ижтимоий руҳдаги асарлари ҳам шу ерда ёзилди. Фитратнинг

ёши билан боғлиқ психологик жараёнлар ва ҳаётида кечган воқеалар ўртасидаги мос келишлик қарашларидаги кескин бурилишга бош сабаб бўлди. Бухородан Туркияга келганда оддий бир мадраса талабаси бўлган Фитрат ватанига қайтганда тамомила ўзга одамга айланган эди. Унинг кейинги фаолияти шу негизда давом этди. Ҳам бадий асарларида, ҳам илмий асарларида Туркияда шаклланган қарашлар етакчилик қилди.

Олим томонидан «Чигатой гурунги» ташкилотининг тузилиши, бу ташкилотнинг адабиётшунослик ва тилшунослик борасида олиб борган фаолияти, олимнинг арузни туркий тил қоидаларига мувофиқлаштириш йўлидаги уринишлари, бармоқ вазнини назарий ҳам амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш йўлидаги илмий фаолият, буларнинг ҳамма-ҳаммасининг асосида миллат манфаати ётади. Бу хусусият эса Фитратга туркия муҳитининг таъсири натижасида юзага келган эди.

Фитрат адабий-эстетик қарашларини шакллантирган иккиламчи асос - бу объектив асос бўлиб, унинг негзида олимнинг анъанавий Шарқ адабиётшунослигидан олган фундаментал билими, Оврупа, рус, турк, татар адабиётшунослигини ўрганиш орқали эгаллаган тажрибалари ётади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, объектив асос Фитратнинг шахсига эмас, илмий салоҳиятининг ўсишига, руҳ ва дунёқарашининг шаклланишига эмас, билим савиясининг равнақига хизмат қилган. Бу икки асос биргаликда Фитрат адабий-эстетик қарашларини ташкил этади.

Олимнинг бундай қарашларини унга замондош олимларнинг қарашлари билан қиёсий ўрганиш орқали бу ҳақда янаям чуқурроқ хулосаларга эга бўлиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Фитрат илмий-назарий қарашларини унинг муҳити фониди ўрганиш лозим топилди. Бобнинг учинчи фасли мазкур масалани ҳал этишга қаратилди.

Бу даврда Фитрат билан бир қаторда А. Саъдий, В. Маҳмуд, О. Ҳошим каби олимлар ҳам адабиётшунослик масалалари билан шуғулландилар. Уларнинг адабиёт ва санъат назарияси, унинг моҳияти, вазифаси, келиб чиқиши борасидаги фикрлари турлича. Бу фикрлар баъзан сезиларли равишда бир-бирига яқинлашса, баъзан бир-бирини инкор этади. Адабий меросга муносабат, даврлаштириш масалаларида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Тадқиқот методлари нуқтаи назаридан: А. Саъдий Шарк, Оврупа ва марксча методлар орасида беқарор юрса, В. Маҳмуднинг тадқиқот методи соф адабий қарашлар билан жаидча қарашлар синтези шаклида кўринади. О. Ҳошим эса адабиётни нозик ҳис қилиши, қадрлаши баробарида ўзининг асосий тадқиқот методи сифатида марксчаленинча методни қабул қилган эди.

Ўз замондошларидан фарқли ўлароқ Фитрат қарашларининг негзида миллат манфаати ётади. Унинг адабиёт, санъат ҳатто тилшунослик борасидаги ишларида ҳам бош асос бўлиб миллат манфаати хизмат қилган. Фитрат тадқиқот методининг асоси анъанавий Шарк адабиётшунослигидир. Шу билан бир қаторда, олим Оврупа, рус, турк, татар адабиётшунослигида мавжуд илмий методларни синтез қилиш орқали ўзига хос бир йўл топган, профессионал тадқиқотчи сифатида намоён бўлганки, буни илмий асосда кўрсатиш иккинчи бобнинг вазифасидир.

Олим ўз ишлари билан ўзбек адабиёти тарихи фанини шаклланишида улкан ҳисса қўшди. Жаҳон маданияти тарихида юксак ўрин туган ўзбек мумтоз адабиётининг минг йиллик тарихи унинг тадқиқотларида деярли тўла қамраб олинди. Фитрат тадқиқотларида биринчилардан бўлиб адабиётшунослик, тилшунослик, фольклор, тарих каби ёрдамчи фанлар тажрибаларига суянилди ва салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Олимнинг мазкур

фанлар билан махсус шуғуллангани ютуқларининг гарови бўлди. Бу замонавий ўзбек адабиётшунослигида дастлабки тажриба эди.

Фитрат мумтоз адабиётимизнинг Аҳмад Югнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди каби вакиллари ижодини ўрганиш, таҳлил этиш баробарида уларнинг илмий биографияларини ҳам ишлаб чиқди. Бунда энг қадимги нодир қўлёзма асарларга асосланди. Ижодкорларнинг асарлари таркибида келган таржимаи ҳолга оид маълум ишораларни зуккораларча илғади ва ўз мақсадига хизмат қилдирди.

Унинг тадқиқотларида мумтоз адабиёт тасаввуф таълимоти асосида талқин этилди. Яссавия, нақшбандия, қаландария каби тасаввуфий тариқат ва силсилалар, уларнинг вакиллари ижоди системали ўрганилди. Ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим хулосалар ўртага ташланди. Айниқса, яссавия тариқати, яссавия мактаби шоирлари ижоди кенг тадқиқ этилди. «Аҳмад Яссавий» мақоласи олимнинг нафақат бу тариқат хусусидаги, балки умуман тасаввуфнинг моҳияти, келиб чиқиши борасидаги ўзбек адабиёти тарихида амалга оширилган дастлабки ва муҳим тадқиқотидир.

Фитратнинг тасаввуф ва унинг вакилларига нисбатан баъзи салбийроқ муносабатлари унинг дунёқараши билан тасаввуф таълимоти ўртасидаги тафовут ва зиддиятдан келиб чиққан. Хусусан, унинг Яссавий ёки бошқа сўфий шоирлар ижодига салбий муносабатини фақат зоҳирий сабаблар билан боғлаш тўғри эмас. Бу, бизнингча бирёқлама талқинларни келтириб чиқаради.

«Ўзбек шоири Турди» мақоласи олимнинг ижод моҳиятига моҳирона кириб бориш, умуман бадий асар таҳлили орқали муаллиф адабий-эстетик қарашлари ҳақида муҳим хулосалар яшаш, ижодкор дунёқарашини ўрганиш йўлидаги методологик тажрибасидирки, буни бугунги кунда истисносиз татбиқ этиш мумкин.

Умуман, Фитратнинг тадқиқотчилик маҳоратини ўрганиш орқали ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, таржимаи ҳол устида ишлаш усулларини эгаллаш, тасаввуф ва унинг тариқатлари ҳақида муҳим хулосаларга эга бўлиш, бадиий асар таҳлилининг янги йўлларини кашф этиш мумкин. Бунинг адабиётшунослигимиз равнақи учун аҳамияти чексиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илмий адабиётлар, илмий-адабий матнлар.

1. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. II-китоб. (XVII-асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача). - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 347 б.
2. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989. - 156 б.
3. Авлоний А. Ўсон миллат. - Тошкент: Шарк, 1993. - 144 б.
4. Адабиёт назарияси: Икки томлик. I том/ М.К. Нурмухаммедов таҳрири остида. - Тошкент: Фан, 1978. - 416 б.
5. Адабиёт назарияси: Икки томлик. II том/ (М.К. Нурмухаммедов таҳрири остида). - Тошкент: Фан, 1979. - 446 б.
6. Алиев А. Фитрат. - Тошкент: Фан, 1991. - 51 б.
7. Андижоний И.Т. XX аср ўзбек адабиёти. - Андижон: Андижон, 1993. - 132 б.
8. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. (Исследования разных лет). - М.: Художественная лит-ра. 1975.
9. Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. - М.: Художественная лит-ра, 1990. - 543 с.
10. Белинский В.Г. Адабий орзулар. (Адабий-танқидий мақолалар)/ Муҳаррир: М. Қўшжонов; Нашрга тайёрловчи: М.Махсудов.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977.-264 б.
11. Бехбудий М. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия. - Самарқанд: Г.И.Демиров типографияси, 1906. 106 б.
12. Бехбудий М. Танланган асарлар/ Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши муаллифи Б.Қосимов.- Тошкент: Маънавият, 1997. - 332 б.

13.Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. -М.: Искусство, 1965. - 529 с.

14.Буржуазная эстетика сегодня/ Ответственные редакторы М.Ф.Овсянников, И.С.Кушкова. - М.: Наука, 1970. - 320 с.

15.Болтабоев Х.Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва фаолияти: Олий ва махсус ўқув юртлари учун қўлланма/ Масъул муҳаррир У.Норматов. - Тошкент:Фан. 1992. - 66 б.

16.Болтабоев Х. Фитратнинг илмий мероси. (Монография).- Тошкент: Фан, 1996. - 120 б.

17.Буало. Шеърини санъат: рус тилидан таржима. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. - 56 б.

18.Буржуазная эстетика сегодня /Ответственные редакторы М.Ф. Овсянникова, И.С. Куликова. - М/: Наука, 1970.-390 с.

19.Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта осийлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I-китоб. - Тошкент: Халқ мероси, 1995. - 104 б.

20.Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта осийлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). II-китоб. - Тошкент: Халқ мероси, 1995. - 190 б.

21.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.(IX-XIX асрлар). - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - 191 б.

22.Выготский Л.С. Психология искусства. - М.: Педагогика, 1987. - 394 с.

23.Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1991. - 197 с.

24.Гегель Г.В. Философия религии, том I. - М.: Мысль, 1976. - 534 с.

25.Гулыга А.В. Что такое эстетика? - М.: Просвещение, 1987. - 173 с.

26. Гўкалп З. Туркчилик асослари/ Таржимон: А. Зоҳидий. - Тошкент: Ўзб. республикаси маданият жамғармаси, 1994. - 124 б.
27. Декабристы: Эстетика и критика/ Сост. Р.Г. Назарян, Л.Г. Фризман. - М.: Искусство, 1991. - 491 с.
28. Дўстқораев Б.А. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи. - Тошкент: ТошДУ, 1989. - 88 б.
29. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. (Восток и Запад). - М.: Наука, 1979. - 492 с.
30. Иброҳимов Олимжон. Адабиёт қонунлари. Учинчи босма. - Казань: Государственная типография, 1919. - 129 б.
31. Илоҳий мўъжизалар. Иккинчи китоб/ Мўтаржим: Абдимурод Холмурод ўғли; муҳаррир: Нуриллоҳ Муҳаммад Руфхон. - Тошкент: Чўлпон, 1996. - 48 б.
32. Ислом асослари/ Арабчадан учинчи таржимаси. - Тошкент: Ёзувчи, 1991. - 112 б.
33. Каримов Ғ.К. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача). - Тошкент: Ўқитувчи, 1987. - 320 б.
34. Каримов Н. Чўлпон. - Тошкент: Фан, 1991. - 117 б.
35. Каримов Н. Усмон Носир. - Тошкент: Шарқ, 1993. - 204 б.
36. Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. - Тошкент: Фан, 1975. - 192 с.
37. Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. - Тошкент: Фан, 1993. - 62 б.
38. Как построить свое "Я"/ Под редакцией В.П. Зинченко. - М.: Педагогика, 1991. - 136 с.
39. Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. - 216 б.
40. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. - 272 б.

- 41.Кўнрапа Закои. Алвидо дунё! Ассалом охират! Учинчи китоб, /Таржимон Абдумурод Холмурод ўғли, мухаррир Нуриллох Муҳаммад Рауфхон.- Тошкент: Шарқ, 1996. - 192 б.
- 42.Левитин К.Е. Личностью не рождаются. - М.: Наука, 1990. - 208 с.
- 43.Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. (XVII асргача). - Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - 662 б.
- 44.Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат-ул хоқойик" асари ҳақида. - Тошкент: Фан, 1972.-300 б.
- 45.Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалари тилининг фонетик системаси. - Тошкент: Фан, 1990.-226 б.
- 46.Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари/ Масъул мухаррирлар: И.Қўчқортоев, Б.Қосимов.- Тошкент: Университет, 1993. - 124 б.
- 47.Мирзаев М., Усманов С., Расулов И. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1970. - 268 б.
- 48.Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. (Ихчам адабий портретлар).- Тошкент: Фан, 1993. - 244 б.
- 49.Навоий А. Насойимул Муҳаббат: Асарлар.15-Т. - Тошкент: Ўзбекистон, 1968. - 186 б.
- 50.Назаров Б. Ўзбек адабиёти танқидчилиги: Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. - Тошкент: Фан, 1979. - 286 б.
- 51.Нигматуллина Ю.Б. Национальное своеобразие эстетического идеала. - Казань: Казанский Уни-та, 1970. - 212 с.
- 52.Овсянников М.Ф. Эстетика в прошлом, настоящем, будущем. - М.: Просвещение, 1988. - 191 с.
- 53.Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. - Тошкент: Фан, 1994. - 100 б.
- 54.Расулов А. Озод Шарофиддинов. (Адабий портрет). - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. - 132 б.

55.Раҳматуллаев Ш. Илмий иш олиб бориш асослари.- Тошкент: Университет, 1988. - 43 б.

56.Рахмонов Н. Турк ҳоқонлиги. - Тошкент: Халқ мероси, 1994. - 144 б.

57.Ризаев Ш. Жаид драмаси. - Тошкент: Шарқ, 1997.-320 б.

58.Рустамов А. Сўз хусусида сўз. - Тошкент: Ёш гвардия, 1987.-160 б.

59.Самарқандий Васлий. Имом Аъзам тарихи. Ал-каломул-лафҳам манокби имоми Аъзам/ Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан.- Тошкент: Ёзувчи, 1995. - 64 б.

60.Султон И. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 310 б.

61.Султон И. Баҳовиддин Накшбанд абадияти. - Тошкент: Фан, 1994. - 88 б.

62.Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с английского О.Ф. Акимушкина. - М.: Наука, 1989.- 328 с.

63.Троцкий Л. Литература и революция. - М.: Политиздат, 1991.- 400 с.

64.Турди. Шеърлар /Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муал-лифи А.Ҳайитметов. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. - 56 б.

65.Турдиев Ш., Қориев Б. Ўзбек адабиёти танқидчилиги библиографияси.- Тошкент: Фан, 1967.- 217 б.

66.Убайдий Қул. Вафо қилсанг. (Туркий "Девон"дан намуналар). - Тошкент: Ёзувчи, 1994. - 48 б.

67.Умумий психология: Пед. институтларнинг талабалари учун дарслик /А.В. Петровский, А.В.Брушлинский, В.П.Зинченко ва бошқ., Таржимон: Б. Юсупов.- Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 512 б.

68.Фалсафа (ўқув кўлланма). I-қисм. Муаллифлар: А.Т. Аюпов, А.Ҳ.Ҳожибоев. - Тошкент: Университет, 1992. - 144 б.

69.Фитна санъати. 1-китоб /Нашрга тайёрловчилар А.Мелибоев, С.Адхамов. - Тошкент: Фан, 1993. - 272 б.

70.Фрейд З. Психология бессознательного. Сборник произведений /Составитель М.Г. Ярашевский.- М.:Наука,1989. - 448 с.

71.Хожа, Азим Эшон. Ҳикмат/ Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Рафиддинов Сайфиддин Сайфулло ўғли. - Тошкент: Ёзувчи, 1993. - 80 б.

72.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 270 с.

73.Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабиёти танқидчилиги. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - 168 б.

74.Чўлпон. Адабиёт надир: (Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар) /Тўпловчи ва изоҳ муаллифлари Д.Қуроноф, З.Эшонова, У.Султонов; Масъул муҳаррирлар О.Шарофиддинов, У.Норматов. - Тошкент: Чўлпон, 1994. - 240 б.

75.Юсупов Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат.- Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 59 б.

76.Яссавий ким эди. (Мақолалар ва матнлардан парчалар). Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев.- Тошкент: Халқ мероси, 1994. - 80 б.

77.Яссавий А. Ҳикматлар /Нашрга тайёрловчи: И.Ҳаққулов. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 256 б.

78.Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, I-том. Коллектив. Энг қадимги даврдан XV асрнинг иккинчи ярмигача. - Тошкент: Фан, 1978. - 328 б.

79.Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, I-том. Коллектив. Энг қадимги даврдан XV асрдан XVIII асрнинг иккинчи ярмигача. - Тошкент: Фан, 1978. - 380 б.

80.Ўзбек адабиёти /В.Зоҳидов таҳрири остида. - I-том. - Тошкент: Ўздавнашр, 1959. - 552 б.

81.Ўзбек совет адабий-танқиди тарихи. II томлик/ Иззат Султон таҳрири остида. I-том. -Тошкент: Фан, 1987. - 348 б.

82.Ўзбек совет адабий-танқиди тарихи. II томлик/ Иззат Султон таҳрири остида-II-том. Тошкент: Фан, 1987. - 332 б.

83.Қаюмов Л.Сайланма. I-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. - 432 б.

84.Қосимов Б. Излай-излай топганим.... - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. - 272 б.

85.Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 80 б.

86.Қосимов Б. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. - Тошкент: Шарқ, 1994. - 16 б.

87.Қошғарий М. Туркий сўзлар девони. ("Девони лугатит турк"). /Нашрга тайёрловчи: С.Муталибов. III томлик. I-том. - Тошкент: Фан, 1960. - 500 б.

88.Қуръони карим. (Ўзбекча изоҳли таржима)/Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. - Тошкент: Чўлпон, 1992. - 672 б.

89.Қурбонова М. Фитрат - тилшунос. - Тошкент: Университет, 1996. - 32 б.

90.Ғаниев И. Фитратшунослик. - Бухоро: Бухоро, 1995. - 99 б.

91.Ғозиев Э. Психология: (Ёш даврлар психологияси).- Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 22 б.

92.Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар./Муаллиф тузувчи З.Жўраев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994. - 336 б.

93.Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан... - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. 196 б.

94.Ҳайитметов А. "Ҳаётбахш чашма". (Мақолалар). - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. - 167 б.

95. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 184 б.

96. Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983. - 376 б.

97. Ҳусайний А. Бадаийъу-с-санаййъ: (Аруз вазни ва бадий воситалар ҳақда/ Форс. А. Рустамов тарж. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. - 400 б.

Матбуотда чоп этилган илмий-адабий мақолалар.

98.3. Абдурауф Фитратнинг эълон қилинган ва нашрга тайёрланган асарлари рўйхати /Тузувчи: Ҳ.Болтабоев//Ёшлик.- 1990. -№ 4. Б. 38-39.

99. Авлоний А. Саное нафиса//Инқилоб журнали.- 1922.- № 1, Б. 41.

100. Алиев Аҳмад. Фитрат ва Умар Хайём//Нафосат. - 1992.- № 3-4. Б. 22-23.

101.. Алиев Аҳмад. Фитрат ва унинг "Бедил"асари.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989, 13-январь.

102. Айний С. Субҳонқулихон манғит амирларидан эмас//Зарафшон газетаси. - 1925.- 1-янв.

103. Айний С. Тарихий изоҳ.//Маориф ва ўқитувчи журнали.-1926, -№ 2, 82-83 бетлар.

104. Аҳмад Сирожиiddин. Фитрат ва Ясавий//Совет Ўзбекистони санъати. - 1991 - № 8. -Б. 19-20.

105. Бертельс. Чигатой адабиёти ва уни ўрганиш масаласи.//Аланга журнали - 1929. - № 10. -Б. 2-4.

106. Болтабоев Ҳ. Фитрат//Ёшлик. - 1990. - № 4. Б. 34-38.

107. Болтабоев Ҳ. Мир Алишер Навоий Фитрат талқинида. //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1992. -№ 1. -Б. 13-21.

108. Болтабоев Ҳ. "Шеър ва шоирлик"//Ўз.А.С. - 1995. 16 июн.

109. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги//Шарқ юлдузи. - 1995. - № 11-12. Б. 175-183.

110. Болтабоев Ҳ. "Бутун эҳтимолларнинг кучлиси"//Ўз.А.С. - 1997.- 13 июн.

111. Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиётида Чигатойчилик//Қизил Ўзбекистон. - 1929.-3 янв.

112. Валихўжаев Б. Айний талқинида Фитрат.//Ўз.А.С. - 1988, 4 ноябр.

113. Владимирова Н. "Қиёмат"ни янгича ўқиш тажрибаси//Ўзбек тили ва адабиёти. - 1993. - № 2.- Б. 15-17.

114. "В" (Вадуд Маҳмуд) "Чин севиш" постановкаси ҳақида//Қизил байроқ газетаси- 1921.- 22 сент.

115. Ёқубов Ҳ. Адабиётшунослигимизнинг ярим асри//Ў.Т.А. - 1984, 2-сон, Б. 16.

116. Ёқубов Абдумалик. Профессор билмасдан сўзламаган//Ўз.А.С. - 1997.- 30 май.

117. Ёқубов А. Юсуф хос Ҳожиб тасаввуфи //Ўз.А.С. - 1995.- 9 июн.

118. Жадидчилик даврига бир қараш//Туркистон газ.- 1923, -29 август.

119. Жумаев Н. Турдининг ҳаёти ва ижоди//Маърифат -1994.- 12 янв.

120. Жумахўжа Н. Субҳонкулихон шеър ёзганми?//Ўзбекистон овози. -1994. -1 фев.

121. Имомназаров М. Адиб Аҳмад қачон яшаган?//Ўз.А.С., 1991.- 31 март.

122. Исматуллаев Ҳ. Абдулла Қодирий абадияти.//Ўз.А.С. - 1994. - 11 нояб.

123. Исматуллаев Ҳ. Абдулла Қодирий абадияти//Ўз.А.С., 1994.- 14 окт.

- 124."Ишчи" ҳинд ихтилолчилари. (Фитрат пьесаси ҳақида)//Туркистон. - 1924.- 12 май.
- 125.Каримов Б.Вадуднинг назари//Ўз.А.С. - 1994.- 25 март.
- 126.Каримов Б. Ингеборг Балдауф айтадики...//Ўз.А.С.-1993.- 2 июл.
- 127.Каримов Н. Мавлоно Фитрат//Фан ва турмуш. - 1988.- №3 Б. 7-8.
- 128.Каримов Н. "Кутадғу билик"нинг топилиши//Фан ва турмуш.- 1993.- № 2.- Б. 8.
- 129.Каримов Наим.Фитратнинг шайтонга исёни.(Фитратнинг "Темур сағанаси" пьесаси ҳақида)//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1994.- 25 март.
- 130.Каримов Эрик. Адабиёт тарихи:муваффақиятлар ва муаммолар давра суҳбати//Шарқ юлдузи. - 1988.- № 12. -Б. 190.
- 131.Мажидий А. Ўзбек шоири Турди //Маориф ва ўқитғ. - 1925. - № 9-10. -Б. 56-59.
- 132.Мажидий А. Тарихий-адабий парчалар//Зарафшон газетаси. -1924. 27 дек.
- 133.Маҳмуд В. "Ҳинд ихтилолчилари"//Туркистон газетаси.- 1923. -17-20-21 окт.
- 134.Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти // Маориф ва ўқитғ.- 1926. - № 1.-Б. 48-50.
- 135.Маҳмуд В. Алишер Навоий//Ёшлик.- 1991, - № 5.-Б.2-7.
- 136.Маҳмудов Қ. Манбаларни қайтадан кўрмоқ керак //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1995.- 28 апр.
- 137.Мугъий И., Усмонов М.Маҳмуд Қошғарийнинг ватани, ҳаёти ва мазори тўғрисида. /Д.Рўзиева таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёти. -1990. - № 3. Б. 51-56.
- 138.Маҳмудов Қ.Афросиёб ким бўлган?//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1995.- 19 май.

139. Назаров Б. Санъаткор олим//Ёшлик. - 1985.-№ 1.- Б.46-47

140. Назаров Б. Фитрат маърифатининг гултожи//Шарқ юлдузи.- 1991.- № 8.- Б. 8-9.

141. Ойбек. "Адабиёт қоидалари". (Фитрат асари ҳақида)//Туркистон. 1924. -11 март.

142. Олимжон Х. Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида//Совет адабиёти журнали. - 1936 - № 4-5.-Б.7.

143. Пестовский Б.О. Ўзбек театри тарихи//Инқилоб журнали.- 1922. - № 3. Б. 36-42; - № 4.-Б. 27-29.

144. Раҳимова Г. "Раҳбари нажот" (Фитрат асари)//Совет Ўзбекистони санъати. - 1991. - № 3-4. -Б. 12-17.

145. Ризаев Ш.Жадидчиликка оид икки хужжат//Ў.Т.А., 1990.- № 4. -Б. 29-35.

146. Султон Иззат.Мамажонов С. Маданиятимизнинг икки сиймоси:Чўлпон ва Фитрат ижоди ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1988.- 3 июль.

147. Саъдий А.Чигатой ва ўзбек адабиёти ҳам шоирлари.//Инқилоб журнали.-1922.- № 7-8. -Б. 53-55; - № 9-10. -Б. 174-183.

148. Саъдий А.Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти //Туркистон газетаси. -1921. -7 нояб.

149. Санъат тўғрисида бир неча сўз.Мухаррира:Н.Мухтаржими Р.М.//Маориф ва ўқитғувчи. - 1926, - № 5, Б. 39-42.

150. Саъдий А.Гўзал санъат дунёсида.//Инқилоб журнали.- 1922, - № 2.- Б. 39-41.

151. Саъдий А.Яссавий ким эди//Инқилоб. -1922, - № 5. -Б. 41-42.

152. Саъдий А.Имом Фаззолий//Инқилоб. - 1922, - № 6, -Б.25-29.

- 153.Саъдий А.Ўзбек ёш шоирлари.Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Б.Каримов//Ватан. -1996. -5 дек.
- 154.Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари /Нашрга тайёрловчи: Б.Каримов//Ватан. - 1997. -20 фев.
- 155.Содиқов С.Фитратшуносликнинг янги саҳифалари//Ватан.-1996. -2 янв.
- 156.Сувонкулов И.Қалб ва руҳият ифодаси//Шарқ юлдузи. -1996. - № 2. -Б. 189-190.
- 157.Турдиев Ш. Хисао Куматсу. "Фитрат буюк шахс" //Туркистон, 1992. -25 апр.
- 158.Турдиев Ш. "Қиёмат"//Тошкент оқшоми. - 1988.- 9 июл.
- 159.Тўраев Х,Фаниев И. Манғит амирлари кечмиши ва талқини.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1991.- 16 сент.
- 160.Толстой Л.Н. Икромнома.//Тафаккур.-1997.-№ 1(10) -Б. 94-95.
- 161.Турдиев Ш.Отажон Ҳошимов//Ўзбек тили ва адабиёти. -1990, - № 3, Б. 78-79.
- 162.Умаров Э.Тили ҳам қадимий// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1995.- 28 апр.
- 163.Умаров Э.Фитрат-шарқшунос.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1995.- 4 авг.
- 164.Умурзоқов Ғ."Топилган нерса"//Ўзбек тили ва адабиёти. -1996. - № 5.-Б.44-45.
- 165.Фитрат афандининг янги асарлари//Туркситон газетаси.-1923. -14 нояб.
- 166.Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича тuzилган комиссия хулосалари//Ўзбек тили ва адабиёти.-1988.- № 2.- Б. 26-33.
- 167.Шарофиддинов Озод. Абдурауф Фитрат//Ёшлик.-1990-№ 5.- Б. 63-67.

168.Эркинов С. Фитрат - Навоийшунос//Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. - № 3.- Б. 3-8.

169.Энкаус Э.К. Яширин жамиятлар даври//Ўзбек тили ва адабиёти. -1994. - № 1-2.-Б. 60-65.

170.Қосимов Б.Фитрат//Совет Ўзбекистони санъати. -1991. -№ 22 - Б. 10-14.

171.Қосимов Б., Қўчқор Р. Ўзи ёниб йўл ёритганлар//Муштум. - № 9-10.- Б. 8.

172.Қаҳҳор Т. Аҳмад Яссавий//Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990.- 26 окт.

173.Қосимов Б.Шайхул машойих// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1993.- 5 март.

174.Ғойибова Ш.Фитрат ва миллий истиқлол//Шарқ юлдузи.- 1996. - № 5. -Б.146-148.

175.Ҳаққулов И.Аҳмад Югнакий Имоми Аъзамга шогирд бўлганми?//Ўз.А.С.-1997.-17 янв.

176.Ҳошим О.Пролетариат ва Чигатой адабиёти тўғрисида//Маориф ва ўқитувчи.- 1928. - № 4.-Б.

177.Ҳошим О. Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш//Маориф ва ўқитувчи. - 1925. - № 3.- Б. 55-62.

178.Ҳошимов О. Адабий мерос ва Чигатой адабиёти//Қизил Ўзбекистон.- 1929.- 16-17 июль.

Диссертация ва авторефератлар.

179.Абдулҳамидов А. Художественное мышление и творческий процесс: Автореф. дис... канд филол. наук. - Тошкент, 1980.- 20 с.

180.Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фанлари.... дисс.- Тошкент, 1996.- 368 б.

181.Валиходжаев Б. Из истории развития литературно-критической мысли в Узбекистане (XV-XIXв.в.): Автореф. дисс...канд. филол. наук.- Тошкент, 1960. - 23 с.

182.Джумаев Н.Поэтическое мастерство Шермухаммада Муниса(на примере жанра газели): Автореф. дис... канд. филол. наук.- Тошкент, 1983 - 24 с.

183.Долимов У.Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата: Автореф. дис... канд. филол. наук. - Тошкент, 1971 - 26 с.

184.Ёкубов И.Отажон Хошимнинг адабий-танқидий фаолияти: Филология фанлари номзоди...автореф. дис.-Тошкент, 1993 - 30 б.

185.Каримов Н.Ф. некоторые вопросы поэтического мастерства Хамида Алимджана. Автореф.дисс...канд.филол.наук.- Тошкент, 1962. - 24 с.

186.Касымов Б.Мирмухсин Шермухаммедов. (Фикри) и его литературная среда. Автореф. дис. канд филол. наук.- Тошкент: 1967 - 22 с.

187.Каримов Б.Н.Вадуд Махмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Филол.фанлари ном...дисс. - Тошкент, 1995. - 148 б.

188.Мирвалиев С.Становление и развитие узбекского романа: Автореф. дис... д-ра. филол. наук.- Тошкент, 1971. - 69 с.

189.Маллаев Н.М.Алишер Навои и народное творчество: Автореф. дис... д-ра. филол. наук.- Ташкент, 1978. - 49 с.

190.Солихов Т.Узбекская советская литературная критика 30-х годов в борьбе за социалистический реализм.(Из истории узбекской советской литературной критики). Автореф. дис... канд. филол. наук.- Ташкент, 1973 - 35 с.

191.Сирожиддинов С.Жизнь и творчество Абдулхамида Мажиди: Автореф. дис... канд филол. наук. - Тошкент, 1972.-24 с.

192.Тўйчиев У. Система бармак в узбекской советской поэзии: Автореф. дис... канд филол. наук.- Тошкент, 1963.- 21 с.

193.Умурзоқов Ғ. И. Ғози Юнуснинг ижодий йўли:- Филол фанлари ном.... дис. автореф. - Тошкент, 1996ю- 25 б.

194.Ҳайитметов А.Литературно-критические взгляды Алишера Навои: Автореф. дис... канд. филол. наук.- Ташкент, 1954. - 16 с.

195.Ҳайитметов А. Творческий метод Навои: Автореф. дис... д-ра. филол. наук. - Ташкент, 1965. - 116 с.

196.Эркинов С.Поэма "Фарход и Ширин"Алишера Навои и некоторые вопросы сравнительного изучения: Автореф. дис... д-ра. филол. наук.- Тошкент, 1971. - 100 с.

197.Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фанлари. Д-ри....дис. - Тошкент, 1996.- 344 б.

**Фитратнинг диссертацияда фойдаланилган
илмий-адабий асарлари.**

198.Фитрат А. Ўқу (ўқи). Биринчи бўлак. Ибтидоий мактабларнинг сўнг синфлари учун). -Боку: Орджуевлар матбааси, 1917.- 62 б; Ўқу /нашрга тайёрловчи У.Жўрақулов.//Ватан.- 1996. 19-20 сон.

199.Фитрат А.Шеър ва шоирлик//Иштирокиюн.- 1919.-24 июл. Шеър ва шоирлик /Нашрга тайёрловчи Ж. Худойбердиев)//Туркистон.- 1993.- 1 июль.

200.Фитрат А.Бедил. (Бир мажлисда).- М.: Миллат ишлари комиссарлиги қошидаги Марказий Шарқ, 1923.-19 б.

201.Фитрат А. Адабиёт қодалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳавасмандлари учун. - Тошкент: Ўздавнашр, 1926.-112 б.

202.Фитрат А. Адабиёт қодалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳавасмандлари учун. /Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Х.Болтабоев. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 112 б.

- 203.Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв. (Синтаксис). Иккинчи китоб.- Тошкент: Ўздавнашр, 1925. - 60 б.
- 204.Фитрат А. Кутадғу билик//Маориф ва ўқитувчи.-1925. - № 2. -Б. 68-73
- 205.Фитрат А.Муқадиматул адаб//Маориф ва ўқитувчи.- 1926.- -№ 2. - Б. 82-83.
- 206.Фитрат А. Санъатнинг маншай//Маориф ва ўқитғувчи. 1927, - № 5, Б. 37-40.
- 207.Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари. (Адабиётимиз тарихи учун намуналар). Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1927. -126 б.
- 208.Фитрат А.Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида//Маориф ва ўқитувчи.-1927. - № 12.- Б. 38-41.
- 209.Фитрат А.Аҳмад Яссавий//Маориф ва ўқитувчи.-1927.- - № 6.- Б. 29-35, - № 7-8. Б. 39-44. Фитрат А. Аҳмад Яссавий//Совет Ўзбекистони санъати.- 1991, - № 8.-Б.
- 210.Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. (1-жилд). - Самарқанд: Ўзнашр, 1928. - 320 б.
- 211.Фитрат А.Айбатул ҳоқойик//Маориф ва ўқит., -1928. - № 10. - Б. 41-46.
- 212.Фитрат А.Ҳибатул ҳоқойик. Қайта нашр /Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Болтабоев)//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997.- 13 июнь.
- 213.Фитрат А.Ўзбек шоири Турди//Маориф ва ўқитувчи. - 1928. - № 12(64).- Б-44-48.
- 214.Фитрат А. Форс шоири Умар Хайём. - Самарқанд:- Тошкент: Ўзнашр, 1929. - 87 б.

215.Фитрат А. XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш//Аланга журн.- 1929. - № 8-9.- Б. 6-8.

216.Фитрат А.Муҳаммад Солих//Аланга.- 1929. - № 10. Б. 9-12.

217.Фитрат А.«Фарход ва Ширин» достони тўғрисида //Аланга.- 1930. - № 1-2.-Б.

218.Фитрат А.Машраб//Илмий фикр.-1930.- № 1. С. 40-57. Қайта нашр. Машраб (Нашрга тайёрловчи Б. Дўстқораев//Ёш ленинчи.- 1991.- 29 июнь: 2-3 июль.

219.Фитрат А. Аруз ҳақида. Қайта нашри /Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Х.Болтабоев.-Тошкент: Ўқитувчи, 1997.-80 б.

220.Фитрат А. Аруз ҳақида. (Лотин ёзувида)/О. Хошим таҳрири остида.- Тошкент: ЎзССР Фанлар комитети, 1936.-76 б.

221.Фитрат А.Тилимиз//Ёшлик.-1990. - № 5- Б. 65-67.

222.Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг қиссаси: Муқаддима. Уламо. Умаро. Фуқаро. Ҳикоят//Шарқ юлдузи.- 1991, - № 8.- Б. 7-39.

223.Фитрат А. Мухтасар ислом тарихи / Форсчадан М. Нодир ва Ҳамидулло Андижонлик таржима қилганлар //Сирли олам.- 1992, - № 3-4-5-6. -Б.7-11; №5-6. -Б.15-19.

224.Фитрат А. Чин севиш. Шеърлар, драмалар, мақолалар. /Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Н.Каримов,Э. Каримов, Ш.Турдиев.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996.-256 б.

225.Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи/ Нашрга тайёрловчи Х.Болтабоев //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-.А.С. -1991, 22 март.

226.Фитрат А.Ҳиндистонда бир Фаранги ила бухороли Мударриснинг жаҳид мактаблари хусусида қилғон мунозараси. /Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Х.Болтабоев//Шарқ юлдузи, 1997. - № 1. -Б. 117-165.